

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТОШКЕНТ АЛОҚА КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖИ**

А.С.КУЧАРОВ, Р.Р.АДХАМОВ, И.У.НЕЪМАТОВ

Д.М.ПЎЛАТХЎЖАЕВА

**БОЖХОНА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ЗАМОНАВИЙ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ**

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

Олий ва ўрта махсус, касб – ҳунар таълими ўқув – методик
бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш

томонидан

касб – ҳунар коллежларининг иқтисодиёт йўналишидаги
талабалари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган

Тошкент – 2016

А.С.Кучаров, Р.Р.Адхамов, И.У.Неъматов
Д.М.Пўлатхўжаева “Божхона органлари фаолиятида замонавий
ахборот технологияларини қўллаш” – Т.: ТДИУ, 2016. 165 бет.

Ушбу ўқув қўлланмада ХХІ асрнинг ахборот технологияларига асосланган давр эканлиги ва шу аснода ахборот коммуникация технологияларининг ривожланиши, ҳамда божхона хизматида ундан фойдаланишни самарадорлиги ва истиқболлари борасида мавжуд муаммолар, уларни ечиш йўллари, ахборот коммуникация технологияларига таъсир этувчи асосий омиллар ёритиб берилган.

Кейинги йилларда ахборот коммуникация технологияларининг ривожланиш концепциялари ва моделларини ўрганишга жуда катта эътибор берилмоқда. Бу хусусда қатор ўқув қўлланмалари, дарсликлар, илмий-оммабоп ва монографик ишлар яратилмоқда. Мазкур ўқув қўлланма, ахборот коммуникация технологияларининг ривожланиши ва божхона тизимида улардан фойдаланишни назарий-услубий асосларини таҳлил қилиш, самарали ва ижобий жиҳатларини аниқлаш асосида ахборот коммуникация технологияларини самарадорлиги ва истиқболларини белгилаш ва ривожлантириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқишни ўз ичига олиб кенг оммани ахборот коммуникация технологияларининг ривожланиши ва божхона тизимида улардан фойдаланишни самарадорлиги ва истиқболлари билан боғлиқ муаммолари ҳамда муваффақиятлари билан ошно этади деб умид қиламиз.

Ўқув қўлланма 230500 – «Божхона иши» таълим йўналишида таълим олаётган ва алоқа касб хунар коллежи талабаларига ҳам мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: и.ф.н., доц. И.А.Ахмедов

Такризчилар: и.ф.д., проф. Б.А.Бегалов.

“Туркистон брок сервис”, божхона хизмати майори
А.Т.Мўминов

© Тошкент Давлат иқтисодиёт университети

© А.С.Кучаров, Р.Р.Адхамов, И.У.Неъматов, Д.М.Пўлатхўжаева

А.С.Кучаров, Р.Р.Адхамов, И.У.Неъматов
Д.М.Пулатхужаева «Применение современных
информационных технологий в деятельности таможенных
органов» – Т.: ТГЭУ, 2016. 165 стр.

Данное учебное пособие раскрыто, что XXI век является периодом, основанным на информационных технологии и развитие информационных технологий на этой основе, существующие проблемы эффективности их использования в таможенной службе, пути разрешения этих проблем, а также основные факторы, оказывающие влияние на информационно-коммуникационные технологии.

В последние годы уделяется очень большое внимание изучению моделей и концепций развития информационно-коммуникационных технологий. Создается много учебных пособий, учебников, научно-популярных работ и монографий на эту тему. Данное учебное пособие включает разработку практических рекомендаций на основе анализа, определения эффективных и положительных свойств теоретико-методических основ развития информационно-коммуникационных технологий и их использования в таможенной системе определения эффективности и перспектив информационно-коммуникационных технологий; ознакомит широкий круг читателей с достижениями и проблемами, связанными с перспективами и эффективностью использования информационно-коммуникационных технологий в таможенной системе.

Данное учебное пособие предназначено для студентов и учащихся профессиональных колледжей, обучающихся по направлению 230500 – «Таможенное дело»

Ответственный редактор: к.э.н., доц. И.А.Ахмедов

Рецензенты: д.э.н., проф. Б.А.Бегалов.

“Туркистон брок Сервис”, майор таможенной службы
А.Т.Муминов

© Ташкентский государственный экономический университет

© А.С.Кучаров, Р.Р.Адхамов, И.У.Неъматов, Д.М.Пулатхужаева

A.Kucharov, R.Adhamov, I.Nematov,D.M.Pulatzujayeva
“Application of modern information technologies in activity of
customs bodies “ - T.: TSUE, 2016. 165 pages.

The given manual is opened, that XXI centuries are the period based on information technologies and development of information technologies on this basis, existing a problem of efficiency of their use in a customs service, way of the sanction of these problems, and also major factors rendering influence on information-communication technologies.

Last years will be given the very large attention to study of models and concepts of development of information-communication technologies. Many manuals, textbooks, popular scientific works and monographies on this theme are created. Given the educational grant includes development of the practical recommendations on the basis of the analysis, definition of effective and positive properties of theoretical-methodical bases of development of information-communication technologies and them using in customs system of definition of efficiency and prospects of information-communication technologies; will acquaint a wide circle of the readers with achievement and problems connected to prospects and efficiency of use of information-communication technologies in customs system.

This tutorial is intended for students and vocational colleges enrolled in the direction 230500 - "Customs"

The responsible editor: doz. I.A.Ahmedov

The reviewers: prof. B.A.Begalov.

“Turkiston brok servis”, major of a customs service
A.T.Muminov

© Tashkent state economic University

©A.Kucharov,R.Adhamov,I.Nematov,D.Pulatzujayeva

МУНДАРИЖА

КИРИШ	11
I-боб. Ахборот коммуникация технологияларининг ривожланиш эволюцияси	19
1.1. Ахборот коммуникация технологияларининг назарий амалий асослари.....	19
1.2. Ахборот коммуникация технологияларининг тушунча ва таърифлари.....	31
1.3. Божхона органлари тизимида ахборот технологияларини қўлланилишини назарий амалий асосларини ўзига хос хусусиятлари.....	46
II-боб. Ўзбекистон Республикаси божхона тизими бошқарувини амалга оширишда ахборот технологияларини қўлланилиши.....	65
2.1. Божхона тизимида қўлланилаётган замонавий ахборот технологияларини турлари.....	65
2.2. Божхона тизимини модернизациялашда ахборот технологияларнинг ўрни	78
2.3. Божхона тизимида электрон рақамли имзо ва электрон декларациялашни ривожлантириш	89
III-боб Ўзбекистон Республикаси божхона тизимида ахборот технологиялари жорий этилишини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари	98
3.1. Божхона тизимида компьютерлаштириш ва ахборот технологияларини тадбиқ этишни такомиллаштириш йўллари аниқлаш.....	98
3.2. Ташқи савдо операцияларини мониторингини амалга оширишда ахборот технологияларини такомиллаштириш	107
3.3. Ўзбекистон Республикасида ахборот технологияларини ривожланиши ва божхона тизимида қўлланилишини истиқболлари.....	131
IV – Контрабанда ва божхона қоидаларини бузилишига қарши кураш самарадорлигини оширишда ахборот технологияларидан фойдаланиш	144
4.1. Контрабанда ва божхона қоида бузарлигига қарши	

	курашишда божхона назоратида қўлланилаётган техник воситаларнинг тутган ўрни	144
4.2.	Ўзбекистон Республикаси контрабанда ва божхона қоида бузарлигига қарши курашишда ахборот технологияларини жорий этиш чора тадбирлари ...	151
4.3.	Божхона тизимида контрабанда ва божхона қоида бузарлигига қарши курашишни ривожлантиришда ягона автоматлаштирилган ахборот тизимини аҳамиятини ошириш	167
V-боб.	Ўзбекистон Республикасида ахборот- коммуникация технологияларини ривожлантириш истиқболлари ва божхона tizimida samarali qўllanilishining jahon tajribasi	178
5.1.	Божхона тизимини фаолиятини самарадорлигини оширишда ахборот — коммуникация технологиялари борасидаги халқаро ҳамкорликни аҳамияти.....	178
5.2.	Ахборот технологияларининг божхона тизимида самарали қўлланилишининг жаҳон тажрибаси.....	197
5.3.	Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш истиқболлари.....	211
	ХУЛОСА	224
	Фойдаланилган адабиётлар	229

СОДЕРЖАНИЕ

Введение.....	11
Глава Эволюция развития информационно-	
I. коммуникационных технологий	19
1.1. Теоретико-практический основы информационно-коммуникационных технологий.....	19
1.2. Понятие и определение информационно-коммуникационных технологий	31
1.3. Особенности теоретико-практического применения информационных технологий в таможенных органах.....	46
Глава Применение информационных технологий при	
II. осуществлении управления таможенной системой Республики Узбекистан.....	65
2.1. Виды современных информационных технологий, применяемых в таможенной системе.....	65
2.2. Место информационных технологий при модернизации таможенной системы	78
2.3. Развитие электронной цифровой подписи и электронного декларирования в таможенной системе.....	89
Глава Приоритетные направления совершенствования	
III. внедрения информационных технологий в таможенной системе Республики Узбекистан.....	98
3.1. Определение путей совершенствования внедрения информационных технологий и компьютеризации таможенной системы.....	98
3.2. Совершенствование информационных технологий при осуществлении мониторинга внешнеторговых операций.....	107
3.3. Перспективы развития информационных технологий в Республике Узбекистан и применения их в таможенной системе	131
Глава Использование информационных технологий для	
IV. повышения эффективности борьбы с контрабандой и нарушением таможенных правил	144
4.1. Место технических средств, применяемых при таможенном контроле в борьбе с контрабандой и	

	нарушением таможенных правил.....	144
4.2.	Меры по внедрению информационных технологий в борьбе с контрабандой и нарушением таможенных правил в Республике Узбекистан	151
4.3.	Усиление значимости единой автоматизированной информационной системы в развитии борьбы с контрабандой и нарушением таможенных правил.....	167
Глава V.	Перспективы развития информационно-коммуникационных технологий в Республике Узбекистан и мировой опыт ее эффективного применения в таможенной системе.....	178
5.1.	Значение международного сотрудничества в сфере информационно-коммуникационных технологий при повышении эффективности деятельности таможенной системы.....	178
5.2.	Мировой опыт эффективного применения информационных технологий в таможенной системе.....	197
5.3.	Перспективы развития информационно-коммуникационных технологий в Республике Узбекистан	211
	Выводы	224
	Использованная литература	229

THE CONTENTS

	Introduction.....	11
Chapter I.	Evolution of development of information-communication technologies.....	19
1.1.	Theoretical - practical bases of information-communication technologies.....	19
1.2.	Concept and definition of information-communication technologies.....	31
1.3.	Feature of theoretical-practical application of information technologies in customs bodies	46
Chapter II.	Application of information technologies at realization of management of customs system of Republic of Uzbekistan.....	65
2.1.	Kinds of modern information technologies used in customs system.....	65
2.2.	Place of information technologies at modernization of customs system.....	78
2.3.	Development of the electronic digital signature and electronic declaration in customs system.....	89
Chapter III.	Priority directions of perfection of introduction of information technologies in customs system of Republic of Uzbekistan.....	98
3.1.	Definition of ways of perfection of introduction of information technologies and computerizations of customs system.....	98
3.2.	Perfection of information technologies at realization of monitoring of the foreign trade operations.....	107
3.3.	Prospect of development of information technologies in Republic of Uzbekistan and application them in customs system.....	131
Chapter IV.	Use of information technologies for increase of efficiency of struggle with smuggling and infringement of customs rules.....	144
4.1.	Place of means used at the customs control in struggle with smuggling and infringement of the customs rules	144
4.2.	Measure on introduction of information technologies in struggle with smuggling and infringement of customs rules in Republic of Uzbekistan.....	151
4.3.	Amplification the importance of the uniform automated	

	information system in development of struggle with smuggling and infringement of customs of rules.....	167
Chapter V.	Prospect of development of information-communication technologies in Republic of Uzbekistan and world experience of its effective application in customs system.....	178
5.1.	Meaning of the international cooperation in sphere of information-communication technologies at increase of efficiency of activity of customs system.....	178
5.2.	World experience of effective application of information technologies in customs system.....	197
5.3.	Prospect of development of information-communication technologies in Republic of Uzbekistan	211
	Conclusions.....	224
	Used literature.....	229

КИРИШ

Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига тез суръатларда интеграциялашуви миллий иқтисодиётдаги бозор ўзгаришлари билан узвий боғлиқ. Жаҳон ҳамжамиятини ахборотлаштириш халқаро аҳамиятга молик ҳодиса бўлсада, бунда ҳар бир мустақил давлат ўзининг миллий мустақиллигини сақлаб қолади.

Илмий-ишлаб чиқариш ва тижорат алоқаларининг мураккаб характери, динамикаси, ахборот ва алоқа хизматларининг ҳар хил турларига талабни вужудга келтиради. Ўз навбатида, радиоэлектроника ва коинот соҳаларидаги фан-техника тараққиёти янги телекоммуникация технологияларини яратишга олиб келган бўлиб, улар ахборот ва алоқа хизматларининг глобаллашуви, тармоқларнинг интеграцияси ва унга мос равишда уларга бўлган талабнинг ўсишига сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати ахборот технологиялари дастурий воситалари, маълумотларнинг ахборот базалари, мультимедиа асосида таълим жараёнини ахборотлаштириш, узлуксиз таълим тизимини ахборот тармоғи билан таъминлаш асосида жаҳон андозаларига мос келадиган кадрлар тайёрлаш масалаларига эътиборни сусайтирмай келмоқда.

Шунга қарамасдан эслатиб ўтиш жойизки, Ўзбекистон Республикаси 2015 йил 18 ноябрдаги “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Қонуни, 2015 йил 22 майдаги “2016-2018 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни

ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қонуни ва ушбу фармонни бажарилиши юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 8-сентябрдаги 259-сонли қарорига мувофиқ жуда тўғри таъкидланганидек, узлуксиз таълим тизимида, шу жумладан, олий ўқув юртларида таълим жараёнини ташкил этишнинг ҳозирги ҳолати илмий-техника, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг тез ўсиб боровчи талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Бошқача қилиб айтганда, аксарият кўпчилик мутахассислар тайёргарлигида ахборот технологиялари ўқитишнинг модулли тизими учун хос бўлган сифатлар - билимларнинг ҳаракатчанлиги, мустақил ва танқидий фикрлаш, ҳар қандай фаолиятда ижодийлик, мослашувчанлик ва ҳоказа сусти фойдаланган.¹

Шунга кўра Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури таълим жараёнидаги сифат кўрсаткичларини яхшилаш, яъни жаҳон андозаларига мос, рақобатбардош, юқори савияга эга бўлган мутахассислар тайёрлашдир. Ушбу мураккаб муаммоларни ечимини топиб уларни амалда кенг қўллаш олий ва ўрта махсус таълим тизими ходимлари олдида жуда катта вазифалар белгилайди. Бунда аниқ вазифалар сифатида бевосита ўқув жараёнини яхшилаш, замонавий техник воситаларидан кенг фойдаланиш ва шу асосда масофадан ўқитишни ишлаш жараёнларини кенг жорий қилишдан иборатдир.

Алоқа ва ахборотлаштириш жамият инфратузилмасининг энг жадал суръатлар билан ривожланаётган соҳаларидан

¹Б.А.Бегалов, С.А.Новосардова. Образовательная технология по дисциплине ”Информационные технологии и системы”. Из серии “Технология обучения в экономическом образовании”. – Ташкент.

ҳисобланади. Дунё миқёсида саноат жамиятидан ахборот жамиятига ўтишнинг бутунжаҳон алоқалари ривожланишисиз тасаввур қилишнинг имкони йўқ бўлиб, бу иқтисодий ва сиёсий омиллар билан изоҳланади. Бундан аҳолининг жон бошига тўғри келувчи ЯММ ўсиши билан хизматлар, жумладан, ахборот хизматлари улушининг ўсиши ҳам далолат беради.

Электрон алоқа ривожланиши замонавий босқичининг ўзига хос жиҳати бу - алоқа хизматлари янги номенклатурасини тақдим этиш каби жаҳон ҳамжамиятида янги алоқа ва ахборот хизматлари билан қамраб олиш, алоқа ва ахборотлаштириш инфратузилмаларини глобаллашуви учун ҳам телекоммуникацияларни ривожлантириш соҳасида молиявий ва технологик ресурслар халқаро интеграциялашуви тенденцияси ҳисобланади.²

Бу электрон алоқани ривожлантириш сиёсатида, жумладан, ҳуқуқий, техник, иқтисодий ва экологик жиҳатларни тартибга солиш, глобал ахборот инфратузилмасини яратиш ғоясини ҳисобга олган ҳолда мавжуд электрон алоқа тармоқларини ривожлантириш учун электрон алоқа тизимларини такомиллаштириш борасида юзага келувчи муаммоларни ҳал қилишнинг энг самарали йўллари излаб топиш бўйича янгича ёндашувлар ишлаб чиқишни талаб қилади.

Бунда айниқса, кўчма ер усти ва сунъий йўлдош орқали алоқа тизимларида глобал шахсий кўчма радиоалоқани яратишга тааллуқли сиёсат масалалари бўйича ахборот айирбошлаш

усулларини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон электрон алоқа тизимларининг глобал ахборот инфратузилмасига мослашуви ва уни яратиш ва такомиллаштиришнинг асосий тамойиллари бўйича Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳамкорлигини кенгайтириш охириги йилларда республикамизда қабул қилинган ва ишлаб чиқиляётган бир қатор қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган давлатнинг миллий вазифаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов томонидан 2015 йил 17 январдаги Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидаги “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир” номли маърузаларида маърузаларида: “Бугунги кунда тадбиркорлик субъектларининг 98 фоизи солиқ ва статистика ҳисоботлари топширишни, божхона декларацияларини расмийлаштиришни эски усулдаги қоғоз тўлдириш йўли билан эмас, балки бевосита – электрон шаклда амалга оширмоқда”.³ Бу ўринда мамлакатимиз иқтисодий

² Ғуломов С.С., Алимов Р.Х., Лутфуллаев Х.С. ва бошқалар. Ахборот тизимлари ва технологиялари. Тошкент.: “Шарқ”, 2000 й. – 592 б.

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов томонидан 2015 йил 17 январдаги Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш

хавфсизлигини таъминлашда катта аҳамиятга эга бўлган божхона хизматини самарадорлигини ошириш катта аҳамиятга эгадир.

Божхона органлари, мамлакатни ташқи иқтисодий фаолиятини, давлат воситаларидан фойдаланган ҳолда тартибга солиш орқали, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни чет эл рақобатчиларидан ҳимоя қилиш, ички бозордаги талаб ва таклифни мувофиқлаштириш, давлат бюджетини тўлдириш, маҳаллий истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилиш каби долзарб масалаларни самарали ҳал қилиш катта миқдордаги маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш, узатиш, альтернатив ечимлар ичидан оптимал танлаш билан боғлиқдир

Божхона хизмати мамлакат иқтисодидаги жаҳон ҳўжалигидаги муҳим ўзгаришлар, бизнес соҳасидаги барча янгиликлардан доимо хабардор бўлиб туришлари лозим. Бу эса божхона тизимида янги ахборот – мулоқот (коммуникация) технологияларини жорий этиш билан боғлиқдир. Улар божхона ходимларига тўпланган маълумотларга бевосита мурожаат қилиш, ундан баҳраманд бўлиш ва қарорлар қабул қилиш учун фойдаланиш имконини яратди.

Ушбу сохани ривожлантиришга мустақиллигимизнинг илк йилларида бошланиб, ҳозирги давргача жадал ривожланиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2002 йил 30 майдаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот – коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида» ги фармонида

яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи 18 январь 2015 йил.

таъкидланганидек ахборот – коммуникация технологияларини босқичма – босқич ривожлантириш ижтимоий – иқтисодий сиёсатнинг устивор йўналиши ва мамлакатимизнинг юксалиб бораётган фаровонлигининг асосий омилларидан биридир.⁴ Шу боис мамлакатимиз ҳукумати томонидан Ўзбекистонда 2016-2018 йилгача ахборот – коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича кенг кўламли ҳаракат дастури ишлаб чиқилиб фаол амалга оширилмоқда.⁵

Бизнингча 2016 йил ва кейинги йиллар учун мўлжалланган ташқи сиёсатимизнинг устивор йўналишларини белгилашда бу масалага дунёда ва минтақамизда вужудга келаётган мураккаб ва зиддиятли вазиятни инобатга олиб, ҳаётий аҳамиятга эга бўлган миллий манфаатларимиз ва мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан ёндошмоғимиз керак.

Мамлакатимиз иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда Давлат божхона органларини мамлакатимизнинг бошқа ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда контрабанда ва божхона қоидаларини бузилишига (БҚБ) қарши олиб бораётган ишлари катта аҳамиятга эгадир. Шу билан бирга божхона тизимида ягона автоматлаштирилган ахборот тизимини жорий этиш, ҳамда контрабанда ва божхона қоидаларини бузилишига қарши курашишда замонавий техника ва технологиялар асосида божхона назоратини самарасини кучайтириш катта аҳамиятга эгадир. Шу дастур доирасида

⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 — 2018 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида 353-сон Қарори “Халқ сўзи” газетаси, 2015 йил 4 декабрь.

⁵ Манба : СБХ, №24 , 2005 йил, бет-6

Ўзбекистон Республикаси божхона сиёсатини амалга оширишнинг самарадорлигини ошириш ҳамда божхона расмийлаштирилишини ҳисобга олишининг ягона тизимини жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2004 йил 28 сентябрда «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг тизимини ташкил этиш тўғрисида» ги 450-сон қарорини қабул қилди.⁶

Бу қарорда ягона автоматлаштирилган ахборот тизимининг ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва уларни узатишнинг технологик жараёнларини комплекс автоматлаштиришни, барча даражалардаги божхона органларининг ягона маълумот олишини таъминлашга, божхона назорати остидаги товарлар билан аниқ вақт ёўламида содир этилаётган барча тартиб – қоидаларнинг мониторингини олиб боришга қаратилган ташкилий – функционал тузилмани ташкил этиш кўзда тутилган.⁷

Шулардан келиб чиққан ҳолда ушбу монография божхона тизимида автоматлаштирилган ахборот технологияларидан самарали фойдаланган ҳолда республикаимиз божхона тизимини фаолиятини янада такомиллаштириш масалаларини ўрганишга бағишланган бўлиб бошқариш тизимини самарадорлигини оширишда ахборот – коммуникация технологияларини аҳамиятини ўрганишга кўпчилик хорижий назариётчилар ва амалиётчилар айлан бир қаторда мамлакатимиз олимларидан

⁶Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг ягона автоматлаштирилган ахборот тизимини ташкил этиш тўғрисида»ги 28 сентябрь 2004 йилдаги 450 – сон қарори. 2004 йил, 3-4 бет.

С.С.Фуломов, Б.Ю.Ходиев, Қ.А. Алимов, Б. Бегалов ва бошқаларни ишлари бағишланган. Лекин Давлат божхона органларида бошқарув тизимини самарадорлигини оширишда ахборот – коммуникация технологияларидан фойдаланиш зарурлиги масалалари ҳали етарли даражада ўрганилмаган. Бунга асосий сабаблардан бири республикамиз божхона тизимида ахборот – технологияларидан фойдаланишни самарадорлигини ошириш борасида чора – тадбирларни кучайтириш ишларини босқичма - босқич йўлга қўйилишидир.

I-бoб. АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ЭВОЛЮЦИЯСИ

1.1. Ахборот коммуникация технологияларининг назарий амалий асослари

Ахборот технологиялари тараққий этишининг асосий босқичлари. XIX асрнинг иккинчи ярмигача ахборот технологиясининг асосини перо, сиёҳдон ва бухгалтерия дафтари ташкил этган. Коммуникация (алоқа) пакет (расмий солинган конверт) юбориш орқали амалга оширилар эди. Ахборотни қайта ишлаш маҳсулдорлиги ўта паст бўлиб, ҳар бир хат алоҳида, қўлда кўчириб олинган. Қарор қабул қилиш учун бир- бирига кўшиладиган ҳисоб-китобдан бошқа ахборот ҳам бўлмаган.⁸

«Қўл» ахборот технологияси ўрнига XIX аср охирида «механик» технология кириб келди. Ёзув машинаси, телефон, диктафоннинг кашф этилиши, жамоа почтаси тизимининг такомиллашуви — булар бари аввалига ахборотни қайта ишлаш технологиясида, сўнг иш маҳсулдорлигида сезиларли ўзгаришлар юз беришига замин бўлди. Моҳиятан, механик технология мавжуд муассасаларда ташкилий таркибининг шаклланишига йўл очиб берди. XX асрнинг 40 — 60-йилларида «электр» технологияси пайдо бўлиб, у ечиб алмаштириладиган элементларга эга электр ёзув машинкалари, нусха кўчириш машинаси, портатив диктафонлардан иборат эди. Айнан шу воситалар ҳужжатларни қайта ишлаш сифати, сони ва тезлигини

⁸ Миллий иқтисодда ахборот тизимлари ва технологиялари: Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма. Муаллифлар: Р.Х.Алимов, Б.Ю.Ходиев, Қ.А.Алимов ва бошқалар.; С.С.Фуломовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: “Шарқ”, 2004. – 320 б.

ошириш ҳисобига бошқариш фаолияти яхшиланди. Кўпгина замонавий муассасалар «электр» технологиясига асосланган.

60-йилларнинг иккинчи ярмидан эса «электрон (ёки «компьютер»)» технологияси юзага кела бошлади ва ахборотнинг шаклини эмас, мазмунини ўзгартиришга урғу берила бошланди.

Маълумки, бошқарувнинг ахборот технологияси ахборотни қайта ишлаш бўйича энг камида қуйидаги муҳим учта таркибий қисмга эга бўлиши лозим: ҳисобга олиш, таҳлил ва қарор қабул қилиш. Буларни компьютерларда амалга ошириш тобора мураккаблашиб бормоқда. Чунки, ўзида саноксиз маълумотларни жамлаган «қоғозлар денгизи» тобора кенгайиб бормоқда.

Ахборотни тақдим этиш тизимининг ривожланиши.
Айтиш мумкинки, ахборот технологияси бир неча миллион йиллар аввал одамзод ўртасида илк бор ўзаро мулоқотга киришиш усуллари (турли товушлар чиқариш, имо-ишора, ҳатти-ҳаракатлар қилиш) пайдо бўлиши билан бирга юзага келган деб айтиш мумкин. Бунда ахборот алмашинуви фақат якка шахслар ўртасидагина амалга оширилган. Нутқ пайдо бўлиши билан бирга (тахминан 100 минг йил олдин) одамлар миясида ахборот тўпланиши имконияти юзага келди.

Кейинги босқичда, яъни ёзувнинг пайдо бўлиши (5 — 6 минг йил аввал) инсониятнинг умумий, жамоа хотирасининг юзага келишига сабаб бўлди.

Айнан ёзувнинг пайдо бўлиши ахборотни тўплаш, узатиш, қайта ишлаш, сақлаш ва етказиш каби тўлиқ жараённи амалга

оширишга имконият яратиб берди. Бу имконият туфайли ахборотни моддий ташувчиларда қайд этила бошланди.

Ахборот тизими ва технологиясининг кейинги тараққиёти асосан коммуникация воситалари билан боғлиқ.

Коммуникация тизимининг ривожланиши. Ахборот технологиясининг ривожланиши ахборотни тақдим этиш тизимидан ташқари, ахборот коммуникация воситаларини такомиллаштириш билан боғлиқ эди. Буни ахборот технологиясининг ривожланиши тарихидаги илк «портлаш» деб баҳолаш мумкин эди. Тараққиётнинг кейинги фазаси — қоғоз кашф қилингунга қадар ахборотнинг моддий ташувчи воситалари ўзгариб борди. Яъни, сўзларни тошга ўйиб ёзиш орқали биринчи марта ахборотни кўз билан кўриб қабул қилиш имконияти юзага келди. Эрамиздан аввалги тўртинчи минг йилликда аввалига лойдан, сўнг ёғочдан ясалган табличкаларга ёзишга ўтилди ва бу ахборот-коммуникацияларга динамик мазмун касб этди. Папируснинг (қоғознинг) кашф этилиши ахборот ташиш воситасининг ҳажмини оширди ва унга бўёқ қўллаш имконияти мавжудлиги боис аҳамияти ҳам ошиб борди. Пергаментнинг пайдо бўлиши (эрамиздан аввалги III аср) билан эса янги ахборот «портлаши» рўй берди, ахборотнинг энг мақбул ташувчиси — китоб юзага келди (IV аср).

Ахборот технологиясининг иттифоқ яъни бирлашув фазаси V асрдан бошланди. Бу пайтда бирлашув (II асрда Хитойда кашф этилган) Европа мамлакатларининг sanoat ишлаб чиқариш объектига айланган эди. Шундан кейинги давр ахборот

технологияси ривожланишида катта рол ўйнади. Шундан сўнг савдо ва ҳунармандчилик ривожлангач шаҳар почтаси, XV асрдан бошлаб эса хусусий почта (Ғарбий Европа), XVI XVII асрларда марказий қироллик почтаси (Франция, Швеция, Англия ва бошқалар) юзага келди. Ушбу барқарор коммуникация тўғрисида ахборот фаолиятига янада кўпроқ одамлар жалб этилмоқда ва у йирикроқ минтақаларни қамраб олмоқда.⁹

Германияда китоб чоп этилишининг кашф этилиши (XV аср ўртасида) ахборот технологияси ривожланиши жараёнида кашфиёт бўлди. Бу ҳол унга оммавийлик олиб келди. Моҳиятан бу табиатшуносликда илмий-техник тараққиётининг янги босқичи бўлиб қолди. Илмий-техник атаманинг пайдо бўлиши ахборот технологиясида сифат ўзгаришини, кўп нусхада китоб, журнал, газета, географик харита, техник чизмаларнинг чоп этилиши эса миқдор ўзгаришини келтириб чиқарди.

XIX аср охиридаги техник инқилоб билан боғлиқ ахборот технологияси ривожланишидаги янги босқич барқарор халқаро коммуникация шакли сифатида почта алоқасининг юзага келиши билан изоҳланади. Айни даврда фотография (1839 й.), телеграф (1832 й.), телефон (1876 й.), радио (1895 й.) кашф қилинган эди. Ахборот технологияси ривожланишида фойдаланувчи учун қулай шаклда ахборотни олиш, сақлаш ва тезда узатишнинг умумжаҳон тизимини яратиш даври юзага келди. Бу эса ахборотни техник,

⁹ Миллий иқтисодда ахборот тизимлари ва технологиялари: Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма. Муаллифлар: Р.Х.Алимов, Б.Ю.Ходиев, Қ.А.Алимов ва бошқалар.; С.С.Ғуломовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: “Шарқ”, 2004. – 320 б.

ижтимоий ва иқтисодий тараққиётнинг ҳаракатланувчи кучига айлантирди ҳамда замонавий техник инқилоб босқичида унинг етакчилик кучини белгилаб берди.

Натижада узоқ йиллар давомида жамиятда жуда катта ҳажмда ахборот тўпланиб қолиши ва ундан оқилона фойдалана олмаслик масаласини ҳал этиш вазияти юзага келди.

Ахборот ҳам мазмун, ҳам миқдор жиҳатидан инсоният истеъмол қиладиган энг қимматли маҳсулотлардан бирига айланди. Ахборот инқилобининг тараққиёти XX аср иккинчи ярмида янги босқичга келди. Бу даврда ахборот технологияси ривожланиб қоғоз ўрнини техник воситалар эгаллади. Энди ахборотни узатиш (электромагнит тўлқинлар ёрдамида) тезлиги оғзаки нутқдан нисбатан миллион марта ортиб кетди.

Интуиция (эксперт тизими) ишлаб чиқариш кучига айланди, сунъий интеллект эса техник тараққиётнинг сифат жиҳатидан янги вазифаларини ҳал этиш имконияти юзага келди. Машинавий динамик ахборот тизимининг алоҳида аҳамияти жамият ҳаётида энг олдинги режага янада замонавий ЭХМ ва у билан боғлиқ технологияларни яратиш муаммосини қўйди. Инсонлар ўртасида (эндиликда инсон ва машина ўртасида) ўзаро ахборот ҳаракати механизмининг ривожланиш тарихи ахборот технологиясини барча илм соҳалари ривожланишининг ягона интеграция тизими сифатида тушунишга асос беради.

Автоматлаштирилган ахборот технологиялари эволюцияси. XX асрнинг 50-йилларида ЭХМнинг пайдо бўлиши

ва улардан фойдаланиш имкониятининг жадал ошиб бориши билан меҳнатни автоматлаштириш, ахборот маҳсулотлари ва хизмати бозорининг юзага келишига асос бўлди. ААТнинг ривожланиши ахборотни қайта ишлаш ва узатиш бўйича янги техник воситаларнинг пайдо бўлиши, ЭХМдан фойдаланишнинг ташкилий шакллари такомиллаштириш, инфратузилмани янги коммуникация воситалари билан бойитиш билан бир қаторда кечди.

ЭХМ авлодлари алмашуви рўй берди. Бу ЭХМнинг асосий техник фойдаланиш ва иқтисодий параметрлари, биринчи навбатда самарадорлик, хотира ҳажми, ишончлилиги, габарит ўлчами ва нарҳи каби омиллар ўзгариши билан боғлиқ эди. Машина орқали ечиш учун вазифаларни тайёрлаш иш ҳажмини камайтириш, инсоннинг ЭХМ билан алоқасини енгиллаштириш ҳамда ЭХМдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ЭХМ ривожланишининг асосий омили эди ва шундай бўлиб қолмоқда.

ЭХМлар биринчи авлодининг (XX аср 50-йиллар) элемент базасини электрон чироқлар ташкил этар эди. Бундай машиналар анъанавий таркиб чизмасига мос ҳолда, бир-бирига қатъий боғлиқ асосий қурилмалар тўпламидан (арифметик — мантиқан, эслаб қолувчи бошқарув қурилмаси ва кириш-чиқиш қурилмасидан) иборат бўлган.

Дастурлар машина тилида тузилган. Ҳар бир фойдаланувчи ўз ихтиёрига ЭХМни маълум бир вақтга олиб, ўша вақтнинг бир қисми дастурни тўғирлашга кетар эди. Дастурий таъминот асосан стандарт кичик дастурлардан иборат бўлган. Ўша пайтда

ЭҲМдан илмий ва муҳандислик бўйича эскича масалаларни ечишда фойдаланишган. Биринчи авлод машиналари нисбатан кенг ўлчами, энергияни кўп сарфлаши, сустроқ ҳаракатланиши ва ишончлилигининг пастлиги билан ажралиб турар эди.

Иккинчи авлод ЭҲМлар ярим ўтказгичларга асосланиб, XX асрнинг 50-йиллари охири ва 60-йиллар бошларида яратилган.

Мазкур ЭҲМлар авлоди марказлашмаган ҳолда кириш-чиқишни бошқарув хусусиятига эга бўлган. Бу турли ташқи қурилмаларнинг марказий процессорга осонгина уланиш имкониятини берди. Кириш-чиқиш қурилмасини тўплами кўпайди, ташқи ҳажмда қурилмасининг ҳажми кенгайди. Дастурий таъминот сезиларли даражада кенгайди. Унинг таркибига алгоритмик тилли трансляторлар, операцион тизимлари кира борди. Айни пайтда бир дастурли ЭҲМлар билан бирга икки дастурли ЭҲМлар ҳам пайдо бўлди. Улар битта процессор билан машиналар асосий қурилмаларининг параллел ишлашини ташкил этиш ҳисобига бир неча дастурларни биргаликда амалга ошириш имконини беради.

ЭҲМларнинг иккинчи авлоди нафақат мутахасислик ва илмий вазифаларни, шунингдек, келадиган ҳамда чиқадиган катта ҳажмдаги ахборотлар билан фарқланувчи иқтисодий, ахборот масалаларини ҳал этишда ҳам қўлланила бошланди. Уларнинг нисбатан такомиллашган элемент базаси сезиларли даражада процессорнинг тезроқ ҳаракатланишига ва хотира ҳажмини оширишга, ЭҲМ ўлчами қисқариб энергия сарфининг

камайтишига имкон берди. Бунда кўп даражада ахборотни босиб чиқариш монтажининг қўлланиши сабаб бўлди.

ЭХМларни учинчи авлоди 60-йиллар охири ва 70-йиллар бошларида пайдо бўлди. Ушбу машиналар интеграл ҳолда ишлайдиган ярим ўтказгичлар асосига қурилган. Интеграл схема анча мураккаб транзисторли схемага мос тугалланган логикий функционал блокларни ифодалайди. Ушбу схемаларнинг қўлланилиши ЭХМлар ўлчамининг кескин қисқаришига, ишончилиги унумдорлигининг ошишига олиб келди. Бунта кўп қатламли чоп этиш монтажининг қўлланиши кўмак берди.

Айни турдаги ЭХМлар машиналар тузилмасининг номарказлашув тенденцияси давом этишига олиб келди. Шундан кейин бир неча, жумладан ихтисослашган процессорли ҳисоблаш тизимлари кенг қўлланила бошланди. Ташқи қурилмалар номенклатураси ўзгарди. Уларнинг таркибида асосий ўринни катта ҳажмни сиғдира оладиган магнитли дисклар эгаллайди.

Таъкидлаш жоизки, бу даврда ЭХМнинг логикий тузилмаси билан боғлиқ бўлган тавсифлар мажмуини англатувчи ЭХМ «архитектураси» (меъморчилиги) атамаси жорий этилди. «Архитектура» тушунчасига ЭХМ элементлари (аппаратура ва дастурий таъминот), фойдаланувчи нуктаи назаридан ЭХМ хусусиятини белгиловчи элементлар ўртасидаги алоқа ва ўзаро ҳаракатлар таъминоти кирди. Учинчи авлод ЭХМларида илк бор ЭХМлар оиласини яратишга нисбатан архитектура жиҳатдан ягона ёндашув қўлланилган. Бундай ёндашув биринчи галда бир оила таркибига кирувчи ЭХМ моделларининг ягона

конструкторлик-технологик базаси ва дастурий мувофиқлигини англатади ва бунинг натижасида дастурий таъминот ва биринчи галда операцион тизимларнинг роли кучайди. Операцион тизимларининг ривожланиши машиналарнинг турли режимда пакетларни қайта ишлаш, вақтни бўлиш, сўров-жавоб режими ишларини бошқаришни таъминлади. Айтиш жоизки, дастурий таъминот қиймати туфайли аппаратлар нарҳи ошди.

Ушбу авлод машиналарида уларга узоқ масофада бўлган абонентларнинг бевосита кира олиш имконияти кенгайди. Абонентларнинг ЭХМлар билан мулоқоти машина-ахборот алоқа каналлари (телеграф, телефон, радиоалоқа ва ҳоказо) билан боғлиқ абонент пунктларининг ривожланган тармоғи ҳисобига амалга оширилади.

ЭХМдан фойдаланиш соҳалари анча кенгайди. Масалан, самарали ишлаш нуқтаи назаридан мумкин бўлмаган вазифалар борасидаги чеклашлар деярли йўқ бўлди. Улардан фойдаланувчилар ўртасида вақтни автомат равишда аниқлаш режимидагина эмас, бошқарувчи тизим таркибида вақтнинг аниқ бир кўламида ҳам ишлашга қодир универсал машиналар сифатида фойдаланила бошланди.

ЭХМнинг тўртинчи авлодига катта интеграл тизим (**КИТ**) кўринишидаги элемент базасига эга бўлган ҳисоблаш тизимлари киради. Бу 70-йиллар ўртасида электрон ҳисоблаш техникасини ривожланишида кескин «сакраш» бўлганлиги, яъни — катта интеграл схемаси базасида микропроцессорлар пайдо бўлганлиги билан боғлиқ. Улардан фойдаланиш туфайли барча ЭХМларнинг

техник-эксплуатация ва иқтисодий кўрсаткичлари ўлчами, энергия сарфи, қиймати ва ҳоказолар кескин яхшиланди.

Шахсий компьютерлар (ШК)ларни оммавий ишлаб чиқариш бошланди. Замонавий ЭҲМларнинг 4-авлоди икки йўналишда ривожланди. Биринчи йўналиш секундига бир неча минг миллион операцияларни амалга оширувчи кучли, кўп процессорли ҳисоблаш тизимини яратиш, иккинчиси- микропроцессорлар базасида нисбатан арзон ва ихчам микро ЭҲМлар яратиш.

ЭҲМларнинг бешинчи авлоди 80-йиллар ўрталарида ўта катта интеграл схемалар базасида ишлаб чиқарила бошланди. Бешинчи авлод машина моделлари меъморчилик (архитектура) оқимида, интеллектуал «инсон - машина» интерфейсини ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Улар масалаларни тизимли ечишни машиналарнинг мантиқан фикрлашини, ахборотларни қайта ишлаш ва мантиқий хулосалар олишни ҳам таъминлайди. Эндиликда инсоннинг ЭҲМ билан ягона тилдаги мулоқотини (жумладан, оғзаки нутқини) амалга ошириш мўлжалланмоқда.

Ахборот технологияларининг ривожланиш тенденцияси. Хорижий мугахассислар ахборот технологиялари ривожланишининг бешта асосий тенденциясини ажратиб кўрсатади:

1. *Ахборот маҳсулотларининг мураккаблашуви.* Ахборот воситаси кўринишидаги ахборот маҳсулоти, эксперт таъминоти хизматининг маълумотлар базаси стратегик аҳамият касб этади. Турли шаклдаги (нутқ, маълумот, тасвир) ахборот маҳсулотлари

эшитиш, кўриш ва англаш учун фойдаланувчининг талабига кўра ишлаб чиқилади ҳамда унга қулай вақтда ва шаклда маҳсулотни етказиб бериш воситаси мавжуд бўлади. Ахборот маҳсулоти борган сари якка фойдаланувчига тақдим этиладиган ўзига хос хизмат ва ҳисобот-таҳлил ишлари натижалари ўртасидаги гибридга айланиб бормоқда.

2. *Биргаликда ҳаракат қилиш қобилияти.* Ахборот маҳсулотининг аҳамияти ошиб бориши билан мазкур маҳсулотларни компьютер ва инсон ёки ахборот тизимлари ўртасида идеал тарзда алмашувини ўтказиш имконияти илғор технологик муаммо касб этади. Ахборот маҳсулотларини қайта ишлаш ва узатиш муаммоси уларнинг келиши ва тез ҳаракатланиши бўйича тўлиқ мувофиқ бўлиши лозим.

3. *Оралиқ бўғинларни тугатиш.* Биргаликда ҳаракатланиш қобилиятининг ривожланиши ахборот маҳсулотлари алмашиш жараёнининг такомиллашувига, сўнгра, ахборот манбаи йўлидан истеъмолчига қараб (яъни, бу соҳадаги етказиб берувчи ва истеъмолчилар) ахборот узатиш имконияти туғилди. Масалан, муаллиф ва ўқувчи, сотувчи ва харидор, қўшиқчи ва тингловчи, ўқитувчи ва ўқувчи ёки ташкилотларда мутахассислар ўртасида видеоконференция, электрон киоск, электрон почта тизими орқали бевосита мулоқот қилиш имконияти туғилди.

4. *Глобаллаштириш.* Ташкилот йўлдош алоқа ва Internet тармонидан фойдаланиб ахборот технологиялари ёрдамида ҳоҳлаган жойда ва ҳоҳлаган пайтда иш олиб бориши мумкин. Айнан Internet туфайли одамлар дунёнинг ҳар қандай нуқтасидан

туриб ўзаро мулоқат қилиш имконига эга. Бу ҳолатда доимий ва ярим доимий ҳаражатлар янада кенг географик минтақада тақсимланиш ҳисобига устуворликка эга бўлади.

5. Конвергенция. Конвергенция ААТ (автоматик ахборот тизим)нинг замонавий ривожланиш жараёнининг охириги босқичи сифатида кўриб чиқилади. Бунда маҳсулотлар ва хизматлар, ахборот ва дам олиш, шунингдек, овозли, рақамли ҳамда видеосигналларни узатиш каби иш режимлари ўртасидаги фарқ йўқолади. Моддий ишлаб чиқариш ва ахборот бизнеси соҳалари ўртасидаги тафовут ўчиб кетади, фирмалар ва корпорацияларнинг фаолият турлари диверсификацияси, саноат тармоқдаги, молия сектори ва хизмат соҳалари ўзаро уйғунлашиб кетади.¹⁰

Шундай қилиб, янги ахборот технологиялари — бу дунё миқёсида жамият тараққиётининг саноат асридан ахборот асрига қараб ўтиш асосидир. Мазкур тенденциянинг иқтисодиётда фойдалланилиши қуйидаги ўзгаришларга олиб келади:

- ҳар бир иш ўрнида ресурслар етарли бўлганда ахборотларни қайта ишлаш учун тақсимланган шахсий (персонал) ҳисоблашларни амалга ошириш;
- хабарларни жўнатиш учун иш ўринлари бирлашганда коммуникациянинг ривожланган тизимини яратиш;
- ташкилот ахборот портига уланганда, мослашувчан глобал коммуникацияларга эга бўлиши;
- электрон савдо тизимини яратиш ва ривожлантириш;

¹⁰ Атаходжаев Т. Ахборот-коммуникацион технологияларни тадбиқ этиш иқтисодий самарадорлигини баҳолаш услубиётини ишлаб чиқиш. Магистрлик диссертацияси. Т.: ТДИУ 2012 й. 110 б.

- ташкилот интеграцияси — ташқи муҳит тизимидаги оралиқ бўғинларни бартараф этиш.

1-диаграмма



Манба: www.rubrucon.com – “Ахборот-технологиялари” бизнес-маълумотномаси

1.2. Ахборот коммуникация технологияларининг тушунча ва таърифлари

«Ахборот» сўзи латинча «information» сўзидан олинган бўлиб, бирор иш ҳолати ёки киши фаолияти ҳақида маълум қилиш, хабар бериш, бирор нарса ҳақидаги маълумот, деган маънони англатади.

Ахборот тушунчаси инсон фаолиятининг барча соҳаларида фойдаланилади. Айни пайтда унинг миқдорий тавсифини, яъни техник-иқтисодий ва фалсафий, шунингдек, хронологик (ахборот англаш воситаси сифатида), кибернетик каби бир қатор жиҳатларини фарқлайди.

1. Фалсафий нуқтаи-назаридан ахборот онгга нисбатан иккинчи даражали деб қаралади. Онг ҳам ўз навбатида борлиққа нисбатан иккинчи даражали. Шундан келиб чиққан ҳолда ахборот сигналларининг тартибга солинган кетма-кетлик образи бўлиши лозим. Ахборотнинг моддий ташувчиси ахборотни узатиш ва сақлашни акс эттиргандагина ахборот мавжуд бўлади, акс ҳолда борлик ахборотсиз қолади. Шундай қилиб, ахборот моддий ташувчининг узвий мазмуни ва моҳияти саналади.

2. Кибернетик нуқтаи-назаридан, тирик организм, автоматик ҳаракатланувчи машина ёки инсон-машина тизими томонидан амалга оширилган ҳар қандай жараёнда (онгли ёки онгсиз равишда) ахборот юзага келиши, уни қабул қилиш, узатиш, қайта ишланиши юз беради. Айни пайтда келадиган ахборот сигналлари объектининг ташқи таъсирларга бўлган реакциясини ишлаб чиқадиган сигналларга айлантирилади.

Сигналларни узатиш ва ахборотни қайта ишлаш материя ёки энергиянинг борлиқ ва вақтда ҳаракатланиши ҳамда объектлар ёки муҳитларнинг ўзаро алоқаси ҳолатини, таркибининг ўзгаришини юзага келтирувчи ҳар қандай жараёнлар ёрдамида амалга оширилиши мумкин.

3. Ахборот назариясида кўпинча «ахборот миқдори» тушунчасидан фойдаланилади. Бунда асосан шу нарса англашиладики, ахборот — бу ахборот олингунча ва олингандан сўнг мумкин бўлган жавоблар сонининг функцияси эканлиги таъкидланади. Ахборот ҳаракатланиши ундаги мавҳумликни (ноаниқликни) бартараф этишдан иборат.

4. Информатика назариясида сақлаш, қайта тузиш ва узатиш объекти саналган барча маълумотлар ахборот деб юритилади. Бундай ҳолларда ахборот, бошқарув мақсадида уни қайта ташкил этиш нуқтаи назаридан кўриб чиқилади.

5. Иқтисодий — ҳўжалик фаолиятида ахборот деганда, кенг маънода, атроф муҳит тўғрисидаги ҳар қандай маълумотлар тушунилади. Бу маълумотлар атроф-муҳит билан ўзаро алоқадан, унга мослашишдан ва унинг ўзгариши жараёнидан олинган бўлиши мумкин

1-расм



Манба: www.rubrucon.com — “Ахборот-технологиялари” бизнес-маълумотномаси.

Истеъмолчи нуқтаи назаридан, **ахборот** — бу энг охиридаги фойдаланувчи томонидан олинган тушунчалар ва фойдали деб баҳоланган янги маълумотдир.

Юқорида қайд этилганларни изоҳлаган ҳолда, ахборотга қуйидагича таъриф келтириш мумкин. **Ахборот** — бу, яратувчиси доирасида қолиб кетмаган ва хабарга айланган, билимлар ноаниқлиги, тўлиқсизлиги даражасини камайтирадиган ҳамда оғзаки, ёзма ёки бошқа усуллар (шартли сигналлар, техник воситалар, ҳисоблаш воситалари ва хоказо) орқали ифодалаш мумкин бўлган атроф-муҳит (объектлар, воқеа-ҳодисалар) тўғрисидаги маълумотлардир.

Мазкур йўналишда қуйидагилар муҳим саналади:

- ахборот — бу ҳар қандай маълумот эмас, балки у мавжуд ноаниқликларни камайтирувчи янги бир маълумотдир;
- ахборот уни яратувчидан ташқарида мавжуд бўлади, у ўз яратувчисидан узоқлашган, инсон таффақурида акс этган билимдир;
- ахборот хабарга айланади, чунки у белгилар кўринишида маълум бир тилда ифодаланган;
- хабар моддий ташувчига ёзиб қўйилиши мумкин (хабар ахборотни узатиш шаклидир);
- хабар унинг муаллифи иштирокисиз акс эттирилиши мумкин;
- у жамоат коммуникацияси каналлари орқали узатилади;

Ахборот ташкилот учун қуйидаги имкониятларни беради:

- ташкилотнинг стратегик, тактик ва тезкор мақсад ҳамда вазифаларини белгилаш;

- ташкилотнинг, бўлинмаларнинг жорий ҳолатини, улардаги жараёнларни назорат қилиш;
- асосли ва ўз вақтидаги қарорларни қабул қилиш;
- мақсадга эришишда бўлинмалар ишини мувофиқлаштириш.

Ахборотга бўлган эҳтиёж, ахборотлаштириш.

Ахборотнинг етишмаслиги ахборотга нисбатан эҳтиёжни, бирор соҳа тўғрисида жамият томонидан тўпланган билим ва алоҳида билимлар ўртасидаги фарқни англашни келтириб чиқаради. Ишлаб чиқаришни ва инсониятнинг барча фаолият соҳасини ахборот билан тўлдириш жараёни ахборотлаштириш, дейилади. Узлуксиз ахборот билан тўйинтириш натижасида ахборотлашган жамият юзага келади.

Ахборотлашган жамият. Бу жамиятда барча фуқаролар, ташкилотлар ва давлатнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш учун ҳамма шароит яратилган бўлади. Меҳнат қилувчиларнинг кўпчилиги ёки ахборот ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш билан банд бўлади ёки бу жараёнларсиз ишлаб чиқариш мажбуриятларини бажара олмайдиган бўлади. Бу шуни англатадики, бундай жамият фуқаролари ***ахборот маданиятига*** эга бўлади. Яъни ахборот билан ишлашни, уни олиш, қайта ишлаш ва узатиш учун ахборот тизимлари ва технологияларидан фойдаланишни биладилар. Бу инсон фаолиятининг барча жабҳаларига оид бой билимлар, ишончли ахборотлардан тўлиқ ва ўз вақтида фойдаланишни таъминлашга

қаратилган комплекс чора-тадбирларни жойларда татбиқ этишни англатади.

Информатика. Ахборот хусусиятларини ўрганиш, уни йиғиш, сақлаш, қидириш, қайта ишлаш, ўзгартириш ҳамда инсон фаолиятининг турли соҳаларида фойдаланиш ва тарқатиш билан шуғулланадиган фан **информатика**, деб аталади. Информатиканинг асосий вазифаси — давлат бошқарув органларининг, саноат ва тадбиркорлик ҳамда бошқа соҳалардаги ахборот эҳтиёжини қондириш учун моддий-техник базани яратишдир.

Информатиканинг асосий учта йўналиши мавжуд.

Биринчи йўналиш ахборотни узатиш, йиғиш ва қайта ишлашнинг техник воситаларини ривожлантириш назарияси билан боғлиқ. У ўз ичига ҳисоблаш комплексларини, локал ва глобал ҳисоблаш тармоқлари, алоқа назариясини олган кенг илмий -оммавий соҳадир.

Иккинчи йўналиш маълумотларни қайта ишлаш бўйича ҳар қил амалий вазифаларни ҳал этиш юзасидан турли категориядаги фойдаланувчилар учун техник воситалар билан самарали ишлашни ташкил қилиш имконини берадиган, дастурий таъминотни ишлаб чиқишга йўналтирилган, математик ва амалий фанлар комплексини ўз ичига олган дастурлаштиришдир.

Бу ўналишга алгоритмлаштириш тиллари назарияси, маълумотларни ташкил этиш, сақлаш, қидириш ва қайта ишлаш назарияси, тизимли ҳамда амалий дастурлаштириш назарияси киради.

Ахборот тизимини яратишда иккинчи йўналишни умумий ва амалий дастурий таъминот деб аташ қабул қилинган.

Учинчи йўналиш — автоматлаштирилган усулда турли даражадаги вазифаларни ҳал этиш моделлари, алгоритмлари, тартиби, технологиясини ишлаб чиқиш ва ташкил қилишдир. Информатиканинг бу бўлими ҳозирда қишлоқ хўжалиги соҳасида ўта муҳим ва долзарб саналади.

Информатиканинг моддий-техник базаси бошқарув фаолиятининг турли соҳаси ва даражаларида ишлаётган мутахассислар учун автоматлаштирилган иш жойларидан кенг фойдаланиш имконини беради ва шунингдек, эксперт — профессионал (эксперт тизими) даражасида қарор қабул қилишга қодир бўлган ихтисослаштирилган предмет соҳасида ҳисоблаш тизимини ва ахборот-коммуникация тармоғини яратиш имкони юзага келади.

Ахборотни кодлаштириш. Ахборотни хабарга айлантириш усулларида бири — уни моддий ташувчи воситасига ёзишдир. Бундай ёзиш жараёни кодлаштириш, деб юритилади.

Агар компьютер техникасидан фойдаланиш учун мўлжалланган моддий ташувчилардан фойдаланилса, у ҳолда маълумотлар билан ишлашга тўғри келади.

Бу ҳолда ахборотни сақлаш, қайта ишлаш, узатиш ва киритишни автоматлаштириш мақсадида уларни шартли белгиларга айлантириш ахборотларни **кодлаштиришни** англатади.¹¹

¹¹ Ғуломов С.С., Алимов Р.Х., Лутфуллаев Х.С. ва бошқалар. Ахборот тизимлари ва технологиялари. Тошкент.: “Шарқ”, 2000 й. – 592 б.

Хужжат, хужжат айланиши, Ахборот тизими доирасида ҳар қандай ташкилот хужжат ва хужжат айланиши ишига дуч келади.

Хужжат — бу маълум бир қоидага кўра расмийлаштирилган, белгиланган тартибда тасдиқланган қоғоз, овоз ёки электрон шаклдаги ахборот хабаридир.

Хужжат айланиши — хужжатларни яратиш, изоҳлаш, узатиш, қабул қилиш ва архивлаштириш, шунингдек уларнинг ижросини назорат қилиш ҳамда уларни рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоялаш тизимидир.

Ахборот жиҳатлари, ахборотни учта асосий жиҳатдан кўриб чиқиш мумкин, яъни, прагматик, семантик ва синтаксис томонидан. Ахборотни айнан шу жиҳатдан кўриб чиқиш автоматлаштирилган ахборот тизимини лойиҳалаштиришда муҳим аҳамиятта эга.

Прагматик жиҳат ахборотларнинг амалий жиҳатдан фойдалилиги, истёъмолчи учун қанчалик қимматли эканлиги ва қарор қабул қилишдаги аҳамияти нуқтаи назаридан кўриб чиқилади. Ахборотни прагматик ўрганиш бошқарувнинг турли даражаларида қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган кўрсаткичлар таркибини аниқлаш, кўрсаткичлар ва хужжатларнинг унификациялаштирилган тизимини ишлаб чиқиш имконини беради.

Семантик жиҳат ахборотларни ўрганишда ахборотнинг моҳиятини очиш ва унинг элементларининг мазмунан аҳамияти ўртасидаги муносабатларни кўрсатиш имконини беради.¹²

Ушбу жиҳат ахборот қисмлари ўртасидаги боғлиқликларни кўриб чиқади. Мазкур даражада ахборот мажмуининг ташкил бўлиш қонуниятлари (реквизитлардан, кўрсаткичлар, кўрсаткичлардан ҳужжатлар шакллантириш) тадқиқ этилади. Ахборотнинг миқдорий баҳоси ушбу даражада ахборотнинг шаклланиш жараёнини баён этиш, ҳужжатлар ҳаракатланишининг оқилона йўналишини ҳамда уларни қайта ишлашнинг технологик вариантини танлаш имконини беради.

Хуллас, ахборотни турли жиҳатларида ўрганиш уларнинг тартиби ва таркибини, пайдо бўлиш қонуниятини, ҳажм, вақт ва сифат жиҳатидан тавсифи (тўлиқлиги, ишончлиги, эскирмаганлиги, аниқлиги)ни аниқлаш, шунингдек ахборот олиш, қайта ишлаш, ҳимоя қилиш имконини беради. Агарда ахборот технологияларнинг келиб чиқиш тарихига назар соладиган бўлсак жаҳон алоқа тармоғи Интернет ўз тарихини бошлаган илк сана 1962 йил ҳисобланади.

Ўша пайтда жаҳонда 10000 мингга яқин энг содда компьютерлар мавжуд бўлиб, уларда ишлаш ҳозиргидек осон бўлмаган. 1962 йилда АҚШ Мудофаа вазирлигининг тадқиқотчилик лойиҳалари Америка агентлиги (Advanced Research Agency of the U.S. Department of Defence, ARPA) асос

¹² Ғуломов С.С., Алимов Р.Х., Лутфуллаев Х.С. ва бошқалар. Ахборот тизимлари ва технологиялари. Тошкент.: "Шарқ", 2000 й. – 592 б.

солган лойиҳа ARPANET номини олди, кейинчалик эса Internet деб атала бошлади.¹³

Худди шу йили америкалик Массачусет технология институтининг (MIT) ёш олими Дж. С. Ликлидер бажарган илмий ишида ер куррасида яшовчи ҳар бир кишига исталган нуқтадан туриб дастурлар ва маълумотларга эга бўлишни таъминловчи глобал тармоқни яратиш ғоясини илгари сурди.

¹³ Манба: www.interpress.uz.

Ахборот - технологияларининг самарадорлиги натижаларини қуйидаги расмда кўриш мумкин.



Манба: Б.А.Бегалов, С.А.Новосардова. Образовательная технология по дисциплине "Информационные технологии и системы". Из серии "Технология обучения в экономическом образовании". – Ташкент. ТГЭУ, 2006 г, 128 с.

Шу йилнинг октябрида Ликлидер ARPA IPTO (ARPA Information Processing Techniques Office) бўлимининг илк раҳбарига айланди. Худди шу пайтда Массачусет технология институтининг яна бир олими Леонард Клейнрок коммуникация тармоқлари назарияси соҳасида докторлик диссертациясини яқунлаб, UCLA Калифорния университетида ассистент лавозимига эга бўлди. Худди шу йили яна ўша Массачусет технология институтининг ёш ходимларидан бири бўлган Айвен Сазерленд TX-2 машинасидан фойдаланиб, компьютер графикасининг ривожланишига катта ҳисса қўшган Sketchpad (Блокнот) интерактив график дастурини яратди. Бу олимларга биров муддат ўтгандан сўнг ARPA тадқиқотчилик лойиҳасида учрашиш насиб қилди. 1963 йилда Ликлидер Айвен Сазерлендни ARPA лойиҳасида ишлаш учун таклиф этди, орадан яна икки йил ўтгач эса бу гуруҳга келиб қўшилган яна бир олим – Боб Тейлор кейинчалик Интернет тармоғининг яратилишига улкан ҳисса қўшди. Ўз ғояларини амалга ошириш учун Ликлидер MIT, UCLA ва BBN (унчалик катта бўлмаган Bolt Beranek & Newman маслаҳат компанияси) билан шартнома имзолади. 1963 йилда муҳим ҳодиса рўй берди. Дастлабки универсал ASCII – кодлаш схемаси пайдо бўлиб, у ҳарф, рақам ва тиниш белгиларига сон белгилари-кодларни белгилайди. Бунинг натижасида турли ишлаб чиқарувчилар компьютерлари ўртасида ахборот айирбошлаш имконияти пайдо бўлади.

1990 йилда Интернетга Аргентина, Бельгия, Бразилия, Чили, Греция, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Испания ва Швейцария уланади. Илмий институтлардан ташқари Интернетга нефть

саноати, автомобиль ва электрон саноат соҳаларининг турли компаниялари, шунингдек, телефон компаниялари улана бошлади.

2-диаграмма



Манба: www.rubrucon.com – “Ахборот-технологиялари” бизнес-маълумотномаси

1991 йили Брюстер Кале Интернетда ахборот излаш учун технология ва дастурий таъминот - WAIS (Wide Area Information Servers) таклиф қилади. Худди шу йили Пауль Линднер ва Марк МакКахил Gopher қидирув тизимини ишлаб чиқдилар. 1991 йилда Интернет тармоғига Чехия, Венгрия, Польша, шунингдек, Тайвань ва Гонконг ҳам уланди.

1992 йилда MOSAIC дастури пайдо бўлиб, Netscape ни яратиш ҳақида қарор қабул қилинади. Худди шу йили Интернет тармоғига Эстония, Латвия ва Словакия ҳам уланди. 1993 йилда Интернет АҚШ маъмуриятига ҳам етиб борди. Оқ уй ўзининг Web-саҳифасини очиб, Интернетга уланиш имконияти бўлган ҳар бир кишининг мамлакат президенти Билл Клинтонга мактуб ёзиши

учун имконият яратиб берди. Шу йили Интернетга Россия, Қозоғистон ва Украина ҳам уланади. Тармоқнинг ўсиши билан электрон тижоратни амалга оширишга йўналганлик ҳам аста-секинлик билан ўса бошлади. Шу йили Интернетда савдо марказлари очилиб, бизнес учун дастлабки виртуал кибербанк очилди.

1994 йил Интернетга Хитой, Жазоир, Ўзбекистон, Арманистон ва яна ўнга яқин бошқа мамлакат уланди. Йилнинг энг муҳим Интернет-технологилари деб 1995 йили WWW ва қидирув серверлари, ривожланаётган технологилар деб эса - Java, JavaScript ва VRML тан олинди. Август ойида шахсий компьютер эгалари бозори учун мўлжалланган 32 битли Windows 95 операцион тизими ишлаб чиқилган бўлиб, унинг таркибига Microsoft Internet Explorer 2.0 киритилди. Худди шу йили Microsoft ўзининг қирқдан ортиқ мамлакатда туриб уланиш мумкин бўлган Microsoft Network (MSN) онлайн сервисини очди. 1996 йилда пайдо бўлган Internet Explorer Интернет билан ишловчи дастурлар оламида туб бурилиш ясади. Энг муҳим технологиялар сифатида қидирув дастурлари, Java, Интернет-телефонияни санаб ўтиш мумкин. 1996 йилда ривожлана бошлаган Интернет технологиялари орасида VRML ва "тармоқ компьюттери"ни кўрсатиш мумкин (1-жадвал). 1997 йилга келиб Интернет тармоғига 170 дан ортиқ мамлакат уланди.


Улар ўртасида Гамбия, Гвинея-Бисау, Ливия каби Африка ва Океаниянинг ўнлаб мамлакатларини кўрсатиш мумкин. Хакерлар фаоллиги ҳам ўша даврдан бошлаб ўса бошлади. Internet

Explorer тўртинчи версияси ишга туширилди, унинг таркибига Web орқали кўрсатувни таъминлаш, XML ва кўп манзилли юбориш технологияси киритилди.

Корпоратив тармоқларни ташқи ҳужумлардан ҳимоя қилувчи восита бўлган Microsoft Proxi Server пайдо бўлди. 1997 йилда энг муҳим технологиялар деб Push-технология ва Multicasting-технология тан олинди.¹⁴ 1998 йилда яратилган Windows 98 операцион тизими таркибида Internet Explorer пайдо бўлди. Ўзбекистон Бутунжаҳон глобал тармоғига 1994 йил уланди. Республикамизда Интернет тармоғининг ривожланиши тарихи айнан шу пайтдан бошланди.

1 - гистограмма

Европада Интернетдан фойдаланувчилар



Манба: www.rubricon.com – “Ахборот-технологиялари” бизнес-маълумотномаси

¹⁴ www.rubricon.com – “Ахборот-технологиялари” бизнес-маълумотномаси

Охирги йилларда бу жараён янада жадал суръатлар билан ривожлана бошлади. Мамлакатда телекоммуникациялар ривожланиши, янги технологияларнинг жорий қилиниши, халқаро ахборот маконига киришга интилиш каби аниқ тенденциялар кузатилмоқда.

1.3. Божхона органлари тизимида ахборот технологияларини қўлланилишини назарий амалий асосларини ўзига хос хусусиятлари

Ўзбекистон божхона тизимида замонавий ахборот технологияларини жорий этилишини ўзига хос хусусиятлари ахборот технологияларининг келиб чиқиши ва уларни жаҳон алоқа тизими билан уланиши билан бевосита боғлиқдир, биз ўзимизни изланишимизда бу муаммони негизини ўрганишимиз зарур деб ҳисоблаймиз.

Бугун эса Давлат божхона қўмитасининг божхона технологияларини автоматлаштириш департаменти товарларни электрон тарзда декларациялаш муаммоларини ҳал этиши керак бўлган янги дастурларни ишлаб чиқиш билан шуғулланмоқда, шунингдек божхона расмийлаштируви ва назоратининг комплекс автоматлаштирилган тизими истиқболларини тузмоқда ва идоралараро даражада муҳокама қилмоқда. Ахборот технологияларни жорий этиш, божхона хизматини ривожлантириш концепциясига кўра, яқин йилларнинг энг муҳим стратегик вазифаси ҳисобланади.

Айтиш жойизки ҳозирги пайтда ишлаб чиқилган замонавий Informix маълумотлар базасини, Delphy дастурлаш инструментал бошқариш тизимини қўллаган ҳолда турли кўламда фойдаланиладиган базани ташкил этиш ва маълумотларни узатиш тизимларининг конвертацияланган технологияларига асосланган ягона ахборот тармоғини жорий этиш натижасига айланган божхона органларининг автоматлаштирилган тизимини ривожлантириш жуда катта аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Уни амалга оширишнинг дастлабки энг муҳим босқичи – ҳудудий божхона бошқармаларида локал ҳисоблаш тармоқларини жорий этишдир. Умумий фойдаланишдаги ахборотларнинг идоралараро омборини сифатли, самарали ташкил этиш ва энг муҳими, нафақат ДБК бўлинмаларига балки ташқи савдо фаолияти тўғрисидаги маълумотлар билан тезкор ишлаш имконини берадиган ва ташқи савдо операцияларида ягона электрон ахборот тизимидан фойдаланишни амалга киритиш бу жараённинг кейинги босқичи бўлиб қолмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 20 августдаги «Лицензиялашни бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорида сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 295-сон қарорининг бир қатор вазирлик ва идораларга ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимини барпо этиши топширилган 12-бандини бажариш учун ДБК, ДСК, Марказий банк, Молия вазирлиги, ТИАСИВ ҳамда Ўзбекистон ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш

вазирлиги мутахассисларидан идоралараро ишчи гуруҳи ташкил этилди. ТСОЯЭАТ (ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими) тизимини ишлаб чиқиш жараёнини икки босқичга бўлиш мумкин.

Биринчи босқичда техник, ташкилий ва молиявий масалалар, шунингдек тизим концепцияси ва ташқи иқтисодий операциялар ахбороти мазмуни белгиланган. Вазирлик ва идоралардан ташқи савдо фаолиятига тааллуқли ахборот олинган ва умумлаштирилган. Сўнгра маълумотлар базалари тузилиши ишлаб чиқилган ҳамда синаб кўрилган, унинг заиф томонлари аниқланган. Иккинчи босқичда ТСОЯЭАТ тизимини ривожлантиришга доир техник талаблар ишлаб чиқилган ва тасдиқланган, улар барча манфаатдор ташкилотлар билан келишиб олинган.

ТСОЯЭАТни ривожлантиришнинг стратегик аҳамияти масаласи ҳақида шунини айтиш мумкинки, тизимдан фойдаланиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича таркибий бўлинмалар яратиш зарурдир.

Божхона тизимида катта ўзгаришлар бўлиши аниқ. ТСОЯЭАТни жорий этиш божхона органларининг автоматлаштирилган тизимини ривожлантириш яхлит дастурининг фақат бир қисми бўлиб, уни амалга оширишга бир неча йил ажратилган. Ушбу лойиҳа ўзаро боғлиқ вазифаларнинг уч туркумини ҳал этиши керак: янги Божхона кодексини ва қайта кўриб чиқилган Киото конвенциясига бош илова талабларини ҳисобга олган ҳолда меъёрий - қонунчилик базасини

такомиллаштириш; божхона таомиллари, иш жараёнларини мақбуллаштириш; ахборий технологиялар.

Бу янгиликлардан мақсад – божхона расмийлаштируви жараёнини имкони борича тезлаштириш ва айти вақтда божхона назоратининг самарадорлигини кескин тарзда ошириш. Агар Ўзбекистон Жаҳон савдо ташкилотига киришга тайёрланаётганини ҳисобга олсак, унинг қаттиқ қоидалари муқаррар равишда юкларнинг чегара орқали ўтишнинг мавжуд тартиби ва муддатларини ўзгартиришни талаб этади, илгари сурилган автоматлаштирилган божхона технологияларини жорий этиш ҳолатда ўз вақтида бўлади. Бу жараён амалиётда қандай намоён бўлади, деганда биз шунини айтишимиз мумкин асосий бўғин – божхона постларидир. Айти шу ерда ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари ҳамда божхона органлари ходимлари тимсолида давлатнинг манфаатлари тўқнашади. Бу ерда кўпинча ихтилофлар юзага келади.

Бир неча йил олдин товарни расмийлаштирувчи божхона ходими ахборотни асосан бир манба - декларантнинг ўзидан олади. Декларация ва бошқа қоғоз ҳужжатлардаги маълумотларни текшириш одатда кўп вақтни олади. Бу эса божхонага ҳам, ТИФ иштирокчисига ҳам фойдали эмас.

Биринчидан, товарлар, транспорт воситалари ва ТИФ иштирокчилари тўғрисида ахборот манбалари доираси кенгайди. Иккинчидан, зарур маълумотларни айти керак бўлганда – божхона расмийлаштируви пайтида олиш мумкин бўлади. Ниҳоят, ҳужжатлар қоғозда эмас, балки электрон кўринишда тақдим

этилади. Ҳозирги пайтда божхона юк декларациясида айтилган маълумотларни автомат тарзда текшириш ҳам кўзда тутиляпти. Буларнинг ҳаммаси товар айланмасини тезлаштириш, амалда кўрикдан ўтказиладиган юклар миқдорини, ундирилган тўловлар ҳажмини кўпайтириш имконини беради. Шу тариқа, тамомила янги бўлган таомиллар савдо учун қулай шароитлар яратиб, ташқи савдо фаолияти иштирокчиларининг ҳаётини енгиллаштиради.

Ҳозирда “Бир дарчатамойили” божхона расмийлаштируви технологияси қуйидаги кўринишга эгадир: ҳужжатларнинг автоматик қабули ва текширилиши, товарларнинг автоматик сараланиши, сўнгра – хатарлар таҳлили ва қарорлар қабул қилиниши.

Ана шу тамомила бошқача таомилларни барпо этишда, шубҳасиз, ДБҚни барча амалий бошқармалари жалб этилди. Хатарлар таҳлили ва уларни бошқариш ва божхонадан кейинги аудитдан сўнг назоратни кучайтириш, транзит юклар мониторинги тизимини жорий этиш тизими асосида танлаб божхона назоратидан ўтказиш алгоритминини ишлаб чиқариш зарурлиги шубҳасиз. Назорат вазифаларининг ушбу жиҳатлари Божхона ҳамкорлиги қўмитаси ишчи гуруҳларининг Олмати шаҳрида ўтказилган биринчи учрашувида ўтказилган биринчи умумий ҳаракатлар режасининг институционал тадбирларида яхши акс эттирилган.

Шу тариқа, божхона хизматини ахборотлаштириш даражасини ошириш, божхона назоратини ташкил этиш билан боғлиқ янги ахборий технологияларни жорий этиш – даврнинг қатъий талабидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2016 — 2018 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” қарори республикада бу масалаларга қандай эътибор қаратилаётганлигидан далолат беради.

Ҳозирги кунда Миллий ахборот узатиш тармоғи (МАУТ) асосида республика вазирлик ва маҳкамалари, корхона ва ташкилотларининг тармоқ ва тизимларини бирлаштириш орқали ягона ахборот макони шакллантирилмоқда. Ахборотлаштириш муаммоларини ҳал қилишда вазирлик ва маҳкамаларнинг ҳатти-ҳаракатларини мувофиқлаштириш ахборотлаштириш Концепциясини амалга ошириш бўйича Маҳкамалараро комиссия томонидан амалга оширилмоқда. 1994 йилдан бошлаб мунтазам ўтказиб келинаётган комиссия мажлисларида янги ахборот технологияларини жорий қилиш масалалари кўриб чиқилмоқда ва соҳанинг ривожланишига хизмат қилувчи қарорлар қабул қилинмоқда. Бу йўналишда энг сўнгги жаҳон ютуқларининг кенг қўлланиши Ўзбекистоннинг асосий мақсадларига эришиш – бозор иқтисодиётига ўтиш ва глобал иқтисодиётга тўлиқ интеграциялашувга хизмат қилади.

Интернет ва маълумот узатиш тармоқлари ривожланишининг асосий йўналиши миллий ахборот узатиш тармоғини ривожлантириш ва модернизациялаш лойиҳасини амалга ошириш ҳисобланади.

Мазкур лойиҳа бўйича ҳозирги пайтда 349 та, жумладан, Тошкент шаҳрида 41 та, вилоят марказларида 33 та ва туман марказларида 275 та маълумот узатиш узеллари ўрнатилган.¹⁵

3-диаграмма



Манба: www.rubrucon.com – “Ахборот-технологиялари” бизнес-маълумотномаси

Рақобат муҳитининг ривожланиши билан Интернет хизматлари провайдерлари ва операторлари сони ҳам ўсди. 2014 йилнинг якунига келиб республика ҳудудида Интернет тармоғига уланиш хизматлари кўрсатувчи хўжалик субъектлари сони 477 тани ташкил қилиб, (йил бошида 263 та, ўсиш 181,4%), улардан 398 таси Интернет хизматларини жамоа бўлиб уланиш пунктлари орқали кўрсатмоқда. Бир қатор маълумот узатиш операторларида мавжуд бўлган Интернетга жамоа бўлиб уланиш пунктларини ҳисобга олган ҳолда жамоа бўлиб уланиш пунктлари умумий сони

¹⁵ Манба: InfoCom.Uz. №-1 январь 2015 йил

республикада 1000 тани ошиб қетди (2010 йил бошида 228 та, ўсиш 203,07%).

2015 йил бошида маълумот узатиш тармоқларидаги портлар умумий сони 14236 тага тенг бўлди (Дастур бўйича мақсадли мўлжал 2014 йилнинг охирига - 11000). Халқаро тармоқларга уланиш умумий тезлиги 53 Мбит/с.

Шу тариқа Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу соҳа бўйича маърузаларида таъкидланганидек :“Телекоммуникация ускуналари, компьютер техникаси ва мобиль телефонлар, кенг турдаги маиший электроника маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган янги замонавий корхоналар ташкил этилмоқда. Иқтисодиётимизнинг деярли барча тармоқлари модернизация қилиниб, амалда технологик жиҳатдан янгиланмоқда”¹⁶.

Ўтган йили иқтисодиётнинг барча тармоқларига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш масаласига ўта муҳим эътибор қаратилди. Хусусан, “Шаҳарлараро коммутация марказларини янги авлод тармоқ технологиялари асосида модернизация қилиш ва кенгайтириш” (NGN), “FTTX технологияси бўйича кенг қамровли форматда фойдаланиш имконини берадиган оптик тармоқларни ривожлантириш”, “Ўзбекистон Республикаси минтақаларида EVDO технологияларини жорий этиш орқали CDMA-450 мобиль тармоғини ривожлантириш” каби ва бошқа йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширилди. Ахборот-коммуникация технологияларининг алоҳида ва муҳим ўрин

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан 2015 йил 17 январдаги Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи 18 январь 2015 йил.

тутишини ҳисобга олиб, 2013 йилда 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастури қабул қилинди. Ушбу дастур доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар 2014 йилда мамлакатимизда барча автомат телефон станцияларини рақамли тизимга ўтказилмоқда. Бу эса халқаро ахборот тармоқларидан фойдаланиш тезлигини сезиларли даражада ошириш имконини берди.

1 - жадвал

**2004 йилда Ўзбекистон ҳудудлари бўйича Интернетдан
фойдаланувчилар сони**

Вилоят	Жами	Провайдерлар			
		UzPAK	Naytov	BCC	Бошқа
Тошкент ш.	19633	431	2053	972	16177
Тошкент вилояти	378	64	-	14	300
Андижон вилояти	453	102	124	1	226
Бухоро	509	22	122	26	339
Жиззах	187	16	54	1	116
Қашқадарё	183	109	54	1	19
Фарғона	536	1	78	1	456
Сурхондарё	100	37	57	1	5
Сирдарё	104	2	50	3	50
Самарқанд	858	109	442	2	305
Навоий	579	28	142	-	409
Наманган	274	196	7	2	69
Хоразм	268	94	69	3	102
Қорақалпоғистон Республикаси	353	88	136	1	128
Жами	24415	1299	3388	1028	18700

Манба: www.rubrucon.com – “Ахборот-технологиялари” бизнес-маълумотномаси

Аҳоли, жумладан, мамлакатимизнинг олис ҳудудларида яшаётган аҳолининг ахборот-коммуникация технологиялари

хизматларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, 2014 йилда юртимизда, хусусан, Қўнғирот, Бойсун, Узун, Мўйноқ каби олис туманларда 2 минг километрдан зиёд оптик толали алоқа тармоқлари барпо этилди.

Хозирда ушбу соҳани ривожлантириш бўйича катта ишлар амалга оширилиб келинмоқда, бу ҳақда Президентимиз таъкидлаганларидек: “Мамлакатимизда интернетдан фойдаланувчилар сони йил сайин кўпайиб бормоқда. Бугунги кунда улар 10 миллион 200 минг кишидан ошди ёки мамлакатимиз аҳолисининг учдан бир қисмини ташкил этмоқда. Республикамизда интернетнинг ўтказувчанлик даражаси 4 баробар оширилди, интернетга уланиш тезлиги эса 1,5 марта ортди. Шу билан бирга, ундан фойдаланиш нархи 2013 йилга нисбатан 11,6 фоизга камайди.

Ўтган йили 500 дан ортиқ янги базавий мобиль алоқа станциялари ўрнатилиши ҳисобидан алоқанинг ушбу замонавий, юқори технологияларга асосланган тизими абонентлари сони қарийб 20 миллион кишини ташкил этди, уларга кўрсатилаётган хизматлар ҳажми қарийб 26 фоизга кўпайди.”¹⁷

Интернет хизматларига талаб тез суръатлар билан ўсмоқда. Бу хизматлар доираси, хусусан, мультимедиа трафиғи ҳисобига тўхтовсиз кенгайиб бормоқда. Бу жараён натижасида бугунги кунда мавжуд йирик телекоммуникация компанияларининг кўп қисми

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи 18 январь 2014 йил.

Интернет хизматлари таъминотчиларига айланиб, ўз каналлари орқали тармоққа уланишни таклиф этмоқда. Бошқа компаниялар эса янги алоқа инфратузилмаси яратмоқдалар ёки бошқа телекоммуникация компанияларидан ижарага олмоқдалар.

Бошқа мамлакатларда бўлгани каби Интернет ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш борасида шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги фарқ анча катта. 2013 йил май ойида республикада мавжуд бўлган 310000 та Интернетдан фойдаланувчиларнинг атиги 1 фоизи доимий фойдаланувчилар ҳисобланган.¹⁸

Интернетга уланиш линиялари ва магистрал каналларини ташкил қилишга имкон берувчи ишончи, ривожланган телекоммуникация инфратузилмаси бўлмаган ёки алоқа хизматлари жуда қиммат бўлган ҳудудларда сунъий йўлдош каналларидан фойдаланиш Интернетга уланиш муаммосининг оптимал ечими ҳисобланади.

У ёки бу сунъий йўлдош орқали хизматларнинг очиқлиги муайян сунъий йўлдошнинг кўрсаткичлари ва хизмат кўрсатиш ҳудудларига боғлиқ бўлади. Сунъий йўлдош орқали алоқа учун ердаги станция ва танланган сунъий йўлдош ўртасида бир-бирини тўғридан-тўғри кўриб туриш шarti муҳим ҳисобланади. Бу йўлдошнинг хизмат кўрсатиш ҳудудининг ердаги станцияга нисбатан жойлашуви сифатли алоқа учун унинг антенналари диаметрини белгилаб беради. Шунинг ҳам ҳисобга олиш керакки, ноқулай об - ҳаво шароитлари сунъий йўлдошдан келаётган

¹⁸ www.rubricon.com – “Ахборот-технологиялари” бизнес-маълумотномаси.

сигналларни анча сусайтиради (айниқса KU-диапазонда). Ушбу омилларнинг барчаси сунъий йўлдош алоқаси учун фойдаланувчи комплектининг баҳосига таъсир кўрсатади. Шунингдек, ердаги қабул қилиш-узатиш станциясидан фойдаланиш учун радиоэлектрон воситани эксплуатация қилишга рухсатнома олиш зарурлигини ҳам қайд этиш жоиз.

Сунъий йўлдош алоқа воситалари ёрдамида Интернет тармоғига турли тоифадаги истеъмолчилар – йирик ва корпоратив мижозлардан тортиб то яқуний фойдаланувчиларгача уланиши таъминланади. Сунъий йўлдош каналини турли типдаги қайтувчан каналлар билан бирлаштириб, Интернетга уланиш кўрсаткичлари ва баҳосининг турли вариантларини яратиш мумкин.

Интернет глобал тармоғининг қанчалик муҳим аҳамият касб этиши ва унинг фан-техника тараққиёти, иқтисодиёт ва инсон фаолиятининг бошқа жабҳаларига ҳар томонлама таъсир кўрсатиши бутун дунёда аллақачон тан олинган. Энг илғор мамлакатларда миллий ахборот ресурсларини шакллантириш ва замонавий тармоқ инфратузилмасини яратиш стратегик вазифа саналиб, давлат ва жамият миқёсида ҳал этилади.

Интернет ва ахборот технологиялари соҳасидаги сўнгги ютуқлар яқин келажакда оддий тижоратдан электрон тижоратга ўтилади деб ҳисоблашга асос беради. Ҳозирги кундаёқ жами Интернетдан фойдаланувчиларнинг тахминан 40%и тармоқ орқали харид қилаётганлигини қайд этиш мумкин. Айрим баҳоларга кўра Интернет орқали умумий савдо ҳажми 800 млрд долларга етиши

кутилаётган бўлиб, бу жами чакана товар айланмасининг 10%ини ташкил этади.

Юқорида кўриб турилгандек дунё мамлакатларининг АКТ ривожланиши бўйича энг юқори бешлиги, давлатларнинг ахборот технологияларига эътиборнинг катталиги яққол кўриб турилибди. Электрон тижорат кўпроқ АҚШ, Канада ҳамда Европанинг Буюк Британия, Германия ва Франция каби мамлакатларида ривожланган.

2-жадвал

Дунё мамлакатларининг АКТ ривожланиши бўйича энг юқори бешлиги

Мамлакатнинг ПДЙ ўрн	Европа	Птобл ПДЙ ўрн	Осиё ва Океания	Птобл ПДЙ	Амрикази қитаси	Птобл ПДЙ	МДХ мамлакат- лари	Птобл ПДЙ	Африқа қитаси	Птобл ПДЙ
1	Швеция	2	Жанубий Корея	1	АҚШ	15	Россия	38	Сичеллес	70
2	Дания	3	Япония	8	Канада	22	Беларуссия	46	Мавру- тания	74
3	Исландия	4	Гонг- Конг, Хитой	11	Барбадос	34	Қозоғистон	49	Жанубий Африка	91
4	Финляндия	5	Сингапур	12	Антигуа ва Барбуда	43	Молдова	62	Кейп Верде	101
5	Голландия	6	Макао, Хитой	14	Уругвай	50	Украина	67	Ботсвана	108

Манба: www.rubrucon.com – “Ахборот-технологиялари” бизнес-маълумотномаси


Электрон бизнес (ЭБ) деганда Интернет орқали амалга оширилувчи, олди-сотди, етказиб бериш, маҳсулот тақсимооти ҳақида келишув, факторинг, лизинг, лойиҳалаштириш, консалтинг, инжиниринг, инвестицион лойиҳалар, суғурталаш, эксплуатация ва концессия ҳақида келишув, шунингдек, банк хизматлари,

ҳамкорликда қўшма фаолият кабиларни қамраб олувчи ишбилармонлик муносабатларининг барча турлари тушунилади.

Электрон тижорат (ЭТ) таркибига бевосита Интернет орқали савдо операциялари билан боғлиқ бўлган электрон бизнес турлари киради. Электрон савдонинг предметлари сифатида нафақат товарлар, балки хизматлар, жумладан, ахборот хизматлари ҳам хизмат қилиши мумкин.

Электрон тижорат тизими (ЭТТ) деганда тизим иштирокчиларига Интернетда товар ва хизматларни намойиш қилиш, мижозларнинг буюртмаларини олиш ва улар билан ишлаш, ахборотларни (каталог, prise- list), тўловларни қабул қилиш ва амалга оширишга имкон берувчи интернет-технология тушунилади.

**АМХ экспорти борасида Ўзбекистон
компаниялари хизматларидан фойдаланишга
оид хорижий мижозларнинг қарорларига
таъсир кўрсатувчи омиллар**



Манба: www.rubrucon.com – “Ахборот-технологиялари” бизнес-маълумотномаси

Маълумки, электрон тижорат 3 та йирик секторни қамраб олади: молиявий (субъектлардан бири банк-мижоз ёки хоум-

банкнинг туридаги молиявий институт бўлган қарорлар), business-to-business ва чакана сектор (business-to-customer қарорлари ёки бошқача қилиб айтганда интернет-савдо). «Электрон тижорат» атамасини фойдаланувчи кўпинча айнан электрон ёки интернет магазинларда амалга оширилувчи интернет-савдо билан боғлайди.

Ўзбекистонда электрон тижоратнинг ривожланиши қуйидаги таркибий қисмларнинг ривожланишига боғлиқ:

- ◆ тармоқда ахборот-коммуникация технологияларидан (АКТ) фойдаланиш имкониятлари;
- ◆ электрон тижорат орқали истеъмолчилар учун бизнес;
- ◆ электрон тижорат орқали бизнесни ривожлантириш учун бизнес.

2014 йилнинг 1 январига бўлган ҳолатда АКТ секторида жами ходимлар сонининг атиги 0,35%и ёки 44030 киши меҳнат қилган. АКТга киритилувчи инвестициялар ЯИМнинг 1%ини ташкил қилди. Интернет - дўкон бу – интерактив режимда товар ёки хизматга буюртма бериш, идеал ҳолатда эса унинг учун ҳақ тўлаш ҳам амалга оширилувчи сайтдир.

Электрон (виртуал) дўкон (ЭД) худди оддий дўкон каби қуйидаги функцияларни бажаради: харидорга товар (хизматлар) тақдим этиш, буюртмалар билан ишлаш, товарларни сотиш ва етказиб бериш.

Электрон тижоратда муваффақиятга эришиш учун энг яхши компьютер технологиялари ва маҳсулотларидан фойдаланиш, шунингдек, малакали ходимларни танлаб олиш зарур. Бунда ҳар доим шуни ёддан чиқармаслик керакки, харидор улар бошқариши

мумкин бўлган маҳсулотлар билан ишлашни афзал кўради. Харидорлар ҳақидаги маълумотлардан фойдаланган ҳолда уларни рақобатчиларга нисбатан юқори даражада қондиришни таъминлаш зарур.

Яқин пайтларгача электрон тижорат муҳитида ўсиш учун энг катта салоҳиятга «бизнес-бизнес» туридаги ЭТ узеллари ёрдамида савдо амалга оширилувчи корхоналар эга деб ҳисоблаб келинган. Бунини шу билан изоҳлаш мумкинки, корхоналар улар учун зарур бўлган воситаларни харид қилиш учун катта миқдорда маблағ сарфлаш имконига эга бўлган, хусусий шахс сифатидаги миждозларда эса бундай имконият бўлмаган. Шу сабабли «бизнес-бизнес» типидagi ЭТ узеллари тез фурсат ичида ўзини қоплай олмайди. Ушбу нуқтаи назарга амал қилган ҳолда Интернетда ишлаш учун маҳсулот (коммутация қурилмалари, серверлар ва дастурий маҳсулотлар) ишлаб чиқарувчилар асосий эътиборни анъанавий корпоратив таъминотчилар ва буюртмачилар ўртасида ЭТ воситаларини ишлаб чиқишга қаратдилар. Бироқ сўнгги пайтда дунёдаги вазият ўзгарди. Ягона фойдаланувчилари ҳамкор корхоналарнинг ходимлари бўлган «бизнес-бизнес» типидagi ЭТ узелидан фойдаланувчи ҳар бир компания уни ривожлантириш ва келгусида фойдаланишга муносабатини қайта кўриб чиқиши, истеъмолчилар учун максимал даражада қулай бўлишини таъминлаши лозим.

Қисқача хулоса

Хулоса қилиб айтганда «Бизнес-бизнес» типидagi ЭТ узеллари функционаллиги ва ташқи ахборот алмашинув кўп жиҳатдан унинг

мижозлари ҳақидаги маълумотларга боғлиқ бўлади. Узелнинг ташкилотчилари мижозларни рўйхатга олиш тизими яратадилар ва қўллаб-қувватлайдилар, унинг ёрдамида бизнес учун муҳим бўлган қуйидаги саволларга жавоб излайдилар: мижозлар қайси рақобатчи узелларга ташриф буюрадилар; қайси имкониятлар улар учун кўпроқ аҳамият касб этади; эски мижозларни ушлаб қолиш ва янги мижозларни жалб қилиш учун қандай ўзгаришлар киритиш лозим? «Бизнес-мижоз» узели ички интерфейсига қўйилувчи аниқ белгиланган талаблар мавжуд эмас. Бундай узел мижозлар ҳақидаги ахборотларнинг махфийлиги ва уларга хизмат кўрсатиш даражасининг юқорилигини таъминловчи ҳар қандай дастурга асосланиши мумкин. Уолл-стрит таҳлилчиларининг фикрича, ҳозирги пайтда «бизнес-мижоз» узелларини бошқараётган фаол тадбиркорлар анъанавий савдо усулларида фойдаланувчи, эпчил эмас компанияларни сиқиб чиқариш йўли билан бозордаги ўз ўринларини кенгайтирмоқдалар. Интернет, савдода ҳамкорни алмаштириш жараёнини жудда соддалаштириб юборди. Электрон тижорат туфайли йирик корпоратив буюртмачи ёки хусусий шахс бўлган мижозлар ҳеч қандай қийинчиликсиз ўзининг электрон таъминотчисини ўзгартириши мумкин.¹⁹ Муваффақиятли амалга оширилган узел корхонанинг сотув ҳажмини сезиларли даражада ошириши, унинг инфратузилмаси муҳим таркибий қисмига айланиши мумкин бўлиб, бунда реклама ва онлайн сервисга катта маблағ ажратилади.

¹⁹ www.infocom.uz – ЎзАСИ ойлик ахборотлашган-аналитик журнали.

**Мустақил ишлаш ва ўз – ўзини назорат қилиш учун
саволлар:**

1. Ахборот коммуникацияни вужудга келиш тарихини гапириб беринг?
2. Ахборот коммуникация технологиялари назарий асослари нимадан иборат?
3. Ахборот коммуникация технологиялари назарий асослари нимадан иборат?
4. Электрон тижорат дегани нима?
5. Ахборот тақдим этиш тизими қандай шаклланган?
6. Электрон «виртуал» дўкон деган тушунчага тариф беринг.

Тавсия этилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов томонидан 2015 йил 17 январдаги Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи 18 январь 2015 йил
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи 18 январь 2014 йил.

3. Миллий иқтисодда ахборот тизимлари ва технологиялари: Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма. Муаллифлар: Р.Х.Алимов, Б.Ю.Ходиев, Қ.А.Алимов ва бошқалар.; С.С.Ғуломовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: “Шарқ”, 2004. – 320 б.
4. Ғуломов С.С., Алимов Р.Х., Лутфуллаев Х.С. ва бошқалар. Ахборот тизимлари ва технологиялари. Тошкент.: “Шарқ”, 2000 й. – 592 б.
5. Ғуломов С.С., Шермухамедов А.Т., Бегалов Б.А. “Иқтисодий информатика” Тошкент “Ўзбекистон”, 1999 – 528 б.
6. Б.А.Бегалов, С.А.Новосардова. Образовательная технология по дисциплине ”Информационные технологии и системы”. Из серии “Технология обучения в экономическом образовании”. – Ташкент. ТГЭУ, 2006 г, 128 с.
7. С.С.Ғуломов, Б.А.Бегалов, Т.И. Сарсатская. Маълумотлар ва билимлар базаси. Ўқув қўлланма – Тошкент.: ТДИУ. 2005 й., 164б.
8. Информатика Учеб. пособ. Под обш ред. И.А.Чернопустовой. – СПб.: Питер, 2005.- 272с.

II-бoб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЖХОНА ТИЗИМИ БОШҚАРУВИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАНИШИ

2.1. Божхона тизимида қўлланилаётган замонавий ахборот технологияларини турлари

Божхона тизимидаги замонавий ахборот технологияларининг самарали қўлланиб бориши биринчи навбатда Ўзбекистонни Бутунжаҳон глобал тармоққа 1994 йилда уланиши билан боғлиқ бўлди. Республикамизда Интернетнинг ривожланиш тарихи айнан шу пайтга бориб тақалади. Охирги йилларда бу жараён янада жадал суръатлар билан ривожлана бошлади. Мамлакатда телекоммуникацияларни ривожлантириш, янги технологияларни жорий қилиш, халқаро ахборот маконига киришга интилиш тенденциялари кузатилмоқда.

Замонавий ахборот технологияларини божхона тизимда самарали қўлланилиши божхона масканларидан ўтиладиган барча товар ва хизматларнинг сони, ҳажми, тури, вақти ва хоказоларни қисқа вақт ичида божхона бошқармаларига, уларда ДБКга юқори тезликда узатишни таъминлайди ва шу маълумотлар асосида қанчадан – қанча товарлар кириб келиниши ва чиқиб кетилиши, ҳамда конунбузарликларнинг сони ортган ёки камайгани ҳақидаги маълумотлар асосида ҳисоботлар таҳлил қилинади ва шу борада бу жараёнларни ўтишини юқори даражада ташкил қилиш учун янги чора – тадбирлар ишлаб чиқилади. Буларни қаторига интернет орқали маълумотларни узатиш, электрон почталардан фойдаланиш, электрон декларациялаш ва бошқалар киради. Мисол учун электрон

декларациялаш декларантнинг божхона инспектори билан бевосита мулоқот қилиш заруратини бартараф этади. ТИФ иштирокчиси божхона постидан юзлаб чақирим олисда компьютер олдида ўтириб, ахборотни ишлаш тармоғига уланиб, божхона декларациясини тўлдириши, унга электрон рақамли имзо қўйиши, бошқа зарур маълумотларни киритиши ва барча ахборотни ўз хабари сифатида ҳудудий божхона бошқармасига юбориши мумкин. Рақамли имзонинг мавжудлиги ушбу маълумотлар юридик кучга эгаллигини билдиради.

Божхона инспектори декларантдан электрон декларацияни олгач, божхона юк декларация (БЮД) да келтирилган маълумотларни текширади ва товарни чиқариш ёки божхона назоратининг қўшимча чораларини қўллаш тўғрисида тегишли қарор қабул қилади. Божхона ходимида қўшимча саволлар туғилиши мумкин. Балки декларант электрон декларацияга киритилган ахборотни аниқлаштириши, тузатиш киритишига тўғри келар. Бундай ҳолларда улар реал вақт тартибида электрон хабарларни айирбош қиладилар.

Бу ерда таъкидлаб ўтиш лозимки, электрон декларациялашни жорий этиш вазифаларидан бири ТИФнинг қонунга риоя қилувчи иштирокчилари учун божхонада расмийлаштиришни қисқа ва имкони борида қулай жараёнга айлантиришдир. Шу билан бир вақтда ноинсоф декларантлар ва ўзининг қонунга итоаткорлигини намоиш қила олмайдиганлар учун божхона назоратининг қўшимча чораларини қўллаш назарда тутилади.

Жаҳон амалиётининг кўрсатишича, хатарларни бошқариш тизими билан боғланган, тўғри тузилган электрон декларациялаш тўловлар тўпланишини оширади ҳамда декларантлар ва божхона органларининг ходимлари йўл қўядиган тартиб-қоида бузилишларини камайтиради. Четдан қараганда, электрон декларациялаш натижасида назоратнинг тўлалиги камайгандек кўринади, бироқ ҳақиқий вазият мумкин қадар тўла назорат қилинадиган бўлади.

Шубҳасиз, амалда ахборот технологияларини кенг қўлланишга янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ёрдам беради. Бу нарсa ўша божхона юк декларацияси мисолида аниқ намоён бўлади. У декларантнинг божхона органлари билан муносабатларини белгилабгина қолмай, товарлар қонунийлиги тўғрисида далолат берувчи ҳужжат бўлиб хизмат қилади. Назорат қилувчи органлар ягона тизимнинг маълумотлар базасига қараб, унинг ҳақиқийлигига ишонч ҳосил қилишлари мумкин. Шу тариқа, турли давлат тузилмалари ўртасида ахборот айирбошлашни кенгайтириш – бошқарув ва назорат самарадорлигини оширишнинг энг муҳим дастакларидан биридир.

Турли идораларнинг ахборот тизимлари технология жиҳатидан ўзгача бўлиб маълумотларнинг ҳаммасини қамраб оладиган стандартлаштиришни ўтказишга мутлақо эҳтиёж йўқ. Ҳар бир давлат органининг меъёрий базаси ўз қонунларига мувофиқ ривожланади, уларнинг ўзгариш, янгиланиш суръатлари ҳам бир хил эмас.

Давлат тузилмаларининг жамият олдидagi хусусий маълумотларни ошкор қилмаслик мажбурияти мавжудлигини унутмаслик керак, ундан фойдаланиш қатъий чеклаб қўйилади. ТСОЯЭАТда бўлгани каби айирбошлаш форматини тартибга солиб, икки томонлама ахборот айирбошлашни қўллаб-қувватлаш, чамаси, мантиқий иш бўлади.

Божхона органлари бошқа идоралардан олган ахборот, шу жумладан хатарларни таҳлил қилиш ва бошқариш тизимида ҳам тўпланади, тизимларга ажратилади ва фойдаланилади. ДБК божхона технологияларини автоматлаштириш департаменти бу ахборотни олиш, сақлаш, излаш ва ундан фойдаланишни алгоритмга солиш билан шуғуллана бошлади. Электрон декларациялаш технологияси ва таомил қоидаларини пухта ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этилди.

Ахборот технологияларини жорий этиш йўлида объектив қийинчиликлар, жойларда билиб-билмай фойдаланишлар учрайди, албатта. Умуман Ўзбекистонда ахборот технологиялари бошқа мамлакатлардагига ўхшаб ривожланмоқда, лекин ўзига хос жиҳатлари ҳам бор. Мамлакатимиздаги айрим назорат қилувчи тузилмаларнинг вазифасини аввалгидек бизнес учун имкониятларни сўзсиз чеклаб қўйиш, бизнес учун ноқулай шароитлар яратишдан иборат, деб тушунишади. Тартибга солувчи органларнинг вазифасини бундай тасаввур қилиш аслида давлат манфаатларига зиддир. Солиқ ва бож тўловлари барқарор ҳамда бир меъёрида тушиши учун бизнесга қулай шарт-шароитлар яратиб берилиши зарур. Бунинг учун маълум қатъият лозим. Электрон

декларациялашнинг жорий этилиши барча бўғинларнинг раҳбарлари учун уни намоиш қилишга ажойиб имконият бўлди. Жаҳон амалиёти агар бизнесга ортиқча тўсқинликлар қилинмаса, у доимо давлат хазинасини тўлдираверади, деган фикрни тасдиқламоқда.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати мамлакат тараққиётини ахборот технологияларининг ривожланиши билан узвий боғлиқликда кўради. Мамлакат Президенти Ислам Каримов 2014 йилнинг январда инвестиция ва ислохотлар бўйича Маҳкамалараро мувофиқлаштириш кенгаши мажлисида умумиқтисодий вазифаларни амалга оширишда диққат марказида телекоммуникациялар тизимини илғор ривожлантириш бўйича дастурларни амалга ошириш лозимлиги бўлиши ва ҳозирги босқичда Интернет ва бошқа глобал ахборот тизимлари ва технологияларига кенг уланиш имкониятига эга бўлган миллий ахборот тизимини шакллантириш муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси 2015 йил 18 ноябрдаги “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Қонуни, 2015 йил 22 майдаги “2016-2018 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қонуни ва ушбу фармонни бажарилиши юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 8-сентябрдаги 259-сонли қарорига мувофиқ, Интернет халқаро ахборот тизимларига кенг уланишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида ҳозирда бу соҳага катта эътибор берилмоқда.

Ҳозирги кунда Миллий ахборот узатиш тармоғи (МАУТ) асосида республика вазирлик ва маҳкамалари, корхона ва ташкилотларининг тармоқ ва тизимларини бирлаштириш орқали ягона ахборот макони шакллантирилмоқда. Ахборотлаштириш муаммоларини ҳал қилишда вазирлик ва маҳкамаларнинг ҳатти-ҳаракатларини мувофиқлаштириш ахборотлаштириш Концепциясини амалга ошириш бўйича Маҳкамалараро комиссия томонидан амалга оширилмоқда. 1994 йилдан бошлаб мунтазам ўтказиб келинаётган комиссия мажлисларида янги ахборот технологияларини жорий қилиш масалалари кўриб чиқилмоқда ва соҳанинг ривожланишига хизмат қилувчи қарорлар қабул қилинмоқда. Бу йўналишда энг сўнгги жаҳон ютуқларининг кенг қўлланиши Ўзбекистоннинг асосий мақсадларига эришиш – бозор иқтисодиётига ўтиш ва глобал иқтисодиётга тўлиқ интеграциялашувга хизмат қилади.

Республикада электрон бизнес ҳам муваффақият билан ривожлана бошлади. Тижорат, банк фаолияти ва тадбиркорлик соҳаларига интернет-технологияларни жорий қилиш бошланди. «Мароқанда» кўп функционал ахборот маркази (КАМ) фаолияти бундан далолат беради. У Ўзбекистон Республикаси товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатаси ҳузурида тузилган бўлиб, республика тадбиркорларининг товар ва хизматларга эга бўлиши, уларни интернет-технологиялар асосида турли хил ишбилармонлик ахборотлари билан таъминлашга йўналтирилган. Кўп тармоқли «Мароқанда» тармоғи 25 мингдан ортиқ хўжалик субъектлари товар ва хизматлар бозори конъюнктураси, шунингдек, ҳамкорлик

муносабатлари ўрнатиш истагида бўлган 2 мингдан ортиқ хорижий компаниялар ҳақидаги маълумотлар тўпламига эга. Товар ва хизматлар талаб ва таклифи, мини-технология ва асбоб-ускуналар, ижара ва сотиш учун нотурар-жой бинолари ва ўрнатилмаган асбоб-ускуналар, инновацион ва инвестицион лойиҳалар, кўргазма ва ярмаркалар бўйича ахборот, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, турли хил маълумотномалар бўйича ва бошқа кўплаб маълумотлар таклиф этилади.

КАМ иши давомида «Мароқанда» ахборот тизимида 67 мингта мурожаат қайд этилган бўлиб, кўп сонли фойдаланувчилар бизнес учун ўзларига ҳамкорлар топдилар ва йирик суммали битимлар имзоладилар. Ҳозирги кунда асосий вазифа КАМ фаолиятини кенгайтириш бўйича ишларни кучайтириш, тадбиркорлик субъектлари учун хорижий товар бозорларига йўл очиш, ахборот ва коммуникация технологияларидан фойдаланиш ёрдамида чет эллик ишбилармонларга Ўзбекистонлик ҳамкорлар излаб топишга кўмаклашиш ҳисобланади.

Интернет-технологиялардан банк фаолиятида ҳам муваффақиятли фойдаланилмоқда. Хусусан, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари «Бизнес-банк» амалиётида қўлланмоқда. Банк ўз мижозларига интернет-технологиялар асосида дастурий маҳсулотларни таклиф этмоқда. Хусусан, «Business-Bank on-line» ёрдамида глобал тармоққа уланиш имкониятига эга бўлган мижоз ўзининг ҳисоб рақами ҳақида барча маълумотларни масофадан туриб олиш имкониятига эга. Барча операцияларни глобал электрон тармоққа уланган исталган компьютердан куннинг

исталган пайтида амалга ошириш мумкин. «Банк-мижоз» ва «Телебанк 24x7» каби аввалроқ жорий қилинган бошқа телекоммуникация технологиялари ҳам амал қилиб келмоқда. «Ахборот-рейтинг» компанияси ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда мамлакатдаги тижорат банклари ва корхоналарнинг молиявий-иқтисодий ҳолати рейтингини мунтазам баҳолаб келмоқда. Мижозларга рейтинг натижаларини Интернет орқали онлайн режимида кўриб чиқиш имконияти тақдим этилмоқда.

Ҳозирги пайтда MMDS технологиясидан фойдаланиб, «Камалак ТВ» телевидениеси каналлари орқали Интернетга симсиз уланишни ташкил қилиш масаласи устида ишлар олиб борилмоқда. Бу мақсадда «Камалак» телевизион тармоғининг узаткичлари ва «UzPAK» тармоғининг Интернетга уланиш қурилмасидан фойдаланиш назарда тутилмоқда. Қўлланувчи технологиялар фойдаланувчиларнинг Интернетга уланиш имкониятларини янада оширишни таъминлайди. Улар бир қатор афзалликларга эга бўлиб, мисол тариқасида Интернетга уланиш тезлигини ошириш, юқори сифатли хизмат кўрсатишни ташкил этишни кўрсатиш мумкин. Фойдаланувчилар ўрнатилган махсус телевизион тюнерлар орқали шахсий компьютерларни Интернетга уланиш учун имкониятга эга бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз чиқишларида бир неча бор мамлакатимизда Интернетни кенг жорий қилиш зарурати, таълим тизими, бизнес, иш юритиш ва бошқа фаолият соҳаларида янги ахборот технологияларидан фойдаланиш зарурлигини

таъкидлаб ўтган. Бу йўналишда бир қатор муҳим ҳукумат ҳужжатлари қабул қилиниб, зарур шароитлар яратилмоқда ва интернет-технологияларни ҳаётга муваффақиятли татбиқ этиш учун маблағ ажратилмоқда. Ҳукумат томонидан ишлаб чиқилган “2016 — 2018 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 353-сон Қарорини амалга ошириш давлатимизнинг жаҳондаги энг ривожланган мамлакатлар ўртасида муносиб ўрин эгаллаши учун барча шароитларни яратиб бермоқда.

Республикамизда Интернет тармоғини ривожлантириш бўйича анча ишлар қилинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан жаҳон ахборот тармоқларига уланишни тартибга солиш ва кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тезкорлик билан ахборот алмашиниш учун ахборот ресурсларини тайёрлаш ва тарқатиш масалаларини тартибга солувчи бир қатор қарорлар қабул қилинган. Бу ахборот узатиш тармоқлари, жумладан, Интернет хизматларини кенг миқёсда жорий қилишга ўтишга имкон беради. Республика ҳукумати томонидан қабул қилинган 2010-2015 йилларда Миллий ахборот узатиш тармоғини ривожлантириш ва модернизациялаш Дастурини амалга ошириш ахборот узатиш хизматлари ҳажмининг 20 баравар, фойдаланувчилар сонининг эса 11,8 баравар ўсишига олиб келди.

Интернетнинг ўзбек сегменти соҳасида давлат сиёсати қуйидаги омилларни ҳисобга олган ҳолда яратилиши лозим:

◆ Интернет-иқтисодиёт ва хизматлар соҳаси энг истикболли ва устувор ҳисобланади, бу соҳада асосий фондларнинг янгиланиш динамикаси энг юқорилиги кузатилади;

◆ Интернет тармоғидан турли фаолият соҳаларида, жумладан, электрон савдо операциялари, масофадан ўқитиш, илмий тадқиқотлар, телемедицина каби фаолият соҳаларида фойдаланиш мақсадга мувофиқ;

◆ Интернет-технологиялар соҳасида мутахассисларнинг етишмаслиги кузатилмоқда;

◆ Интернетнинг ўзбек сегменти бугунги кунда энди шаклланиш босқичида бўлиб, жаҳон ахборот маконида катта ўрин эгалламаган;

◆ Интернетдаги маҳаллий ва хорижий ахборот ресурсларига уланиш имконияти Ўзбекистон аҳолисининг катта қисми учун инфратузилманинг ривожланмаганлиги, аҳолининг ахборот саводхонлиги, маданияти ва тўлов лаёқатининг пастлиги сабабли жуда ҳам паст. Тармоқ орқали ахборот алмашилиш мамлакатимиз фуқаролари, корхона ва ташкилотлар, давлат, ҳукумат ва маҳаллий бошқарув органлари фаолияти ва турмуш тарзида нормага айланмаган;

◆ ахборотга бой ва камбағал ҳудудлар ва аҳоли қатламлари ўртасидаги масофа узайиб, айрим кишиларнинг билим ва тажрибалари бошқалар учун эришиб бўлмайдиган бўлиб қолмоқда;

◆ Интернетдаги ўзбек тилидаги ахборот ресурслари мамлакатнинг ҳақиқий ахборот салоҳиятини акс эттирмайди ва

унинг олдида турган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий вазифаларнинг ҳал этилишига хизмат қилмайди;

◆ тармоқнинг ривожланишида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган зарур асбоб-ускуналарнинг йўқлиги сабабли асосий эътибор компьютер ва телекоммуникация ускуналари соҳаларида хорижий техникаларга асосланишга йўналганлик устунлик қилмоқда;

◆ Интернет-технологияларнинг айрим йўналишлари бўйича маҳаллий лойиҳалар олиб борилмаяпти, бу техник қолоқликка қараганда кўпроқ иқтисодий омиллар билан изоҳланади;

◆ ахборот маҳсулотлари ва хизматлари жамиятнинг катта қисми томонидан мос келувчи тўловни талаб қилувчи товар сифатида қабул қилинмаяпти;

◆ компьютер ахборотларига рухсатсиз уланиш, ЭҲМлар учун зарарли дастурларни тарқатиш, шунингдек, Интернет тармоғидан фойдаланиш билан боғлиқ бошқа ноқонуний фаолият ва жиноятлар сони, ҳамжа ижтимоий хавфи ўсмоқда;

◆ Ўзбекистонда Интернетнинг ривожланиш суръати тармоқдаги муносабатларни тартибга солувчи ва мос келувчи ҳуқуқий-меъёрий асосларни яратиш ва такомиллаштириш жараёнлари зарурлигини кўрсатади.

Сўнгги йиллардаги жаҳон матбуоти таҳлили шуни кўрсатадики, ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалаларига жуда кам эътибор қаратилмоқда.

Қуйида келтириб ўтиладиган айрим статистик маълумотлар яна бир бор ташкилотларда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг

тўхталиб туришининг асосий сабабларидан бири ушбу жараённинг қанчалик муҳим ва зарурлигини тушунмаслик оқибатида вужудга келувчи раҳбарият томонидан қўллаб-қувватланмаслик эканлигини кўрсатади.

2014 иккита халқаро ташкилот ICSA ва SAIC 745 респондент ўртасида сўров ўтказиб, уларга биттагина савол билан мурожаат қилдилар: «Ахборот хавфсизлигини таъминлашда сизнинг олдингизда пайдо бўлувчи энг катта тўсиқ нима?». Жавоблар қуйидаги кўринишга эга бўлди:

3 - жадвал

<i>Тўсиқ номи</i>	Ташкилотлар сони (фоизда)
Бюджет чекловлари	29
Раҳбарият томонидан етарли даражада қўллаб-қувватланмаслик	14
Ходимлар малакаси ва якуний истеъмолчининг хабардорлиги етарли эмаслиги	10
Ахборот хавфсизлиги учун жавобгар ходимнинг етарли билимга эга эмаслиги	9
Ички сиёсатнинг хавфсизликка мос келмаслиги	8
Ваколатларнинг етишмаслиги	8
Техник мураккабликлар	6
Тушунарсиз мажбуриятлар	4
Яхши ҳимоя воситаларининг йўқлиги	3
Бошқалар	9

Манба: www.rubricon.com – “Ахборот-технологиялари” бизнес-маълумотномаси.

Шуни айтиб ўтиш керакки, ҳозирги пайтда ғайритабиий вазият вужудга келмоқда. Ҳамма тармоқлараро экранлар ва антивирус тизимларидан хабардор. Бюджетнинг ахборотни

ҳимоялаш воситалари учун ажратилган моддасида маблағ пайдо бўлиши билан айнан улар биринчи навбатда харид қилинади. Бироқ ахборот тизими бу ўзига хос, виртуал бино бўлиб, уни ҳимоя қилиш зарур. Бунинг учун ахборот технологиялари хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда жисмоний (табiiй) хавфсизлик механизмларидан фойдаланиш мумкин.

2014 йилда InformationWeek томонидан дунёнинг 49 мамлакатада 2700 та респондент ўртасида ўтказилган сўров натижасида олинган жавоблар қуйидаги кўринишга эга бўлди:

4 - жадвал

Тўсиқ номи	Ташкилотлар сони (фоизда)
Вақт етишмаслиги	17
Технологияларнинг мураккаблиги	16
Технологияларнинг ўзгариш суръати	11
Раҳбарият томонидан етарли даражада қўллаб-қувватланмаслик	11
Яхши аниқланмаган хавфсизлик сиёсати	10
Молиявий харажатлар	8
Бошқарув ва бўлимлар ўртасидаги алоқанинг яхши эмаслиги	8
Якуний истеъмолчининг хабардорлиги пастлиги	8
Персонал малакасининг пастлиги	6
Вақт ва одам харажатлари	5

Манба: www.rubricon.com – “Ахборот-технологиялари” бизнес-маълумотномаси.

Масалан, оддий бинога рухсатсиз киришга бино қоровули ёки махсус мослама (турникет) тўсқинлик қилади. Виртуал бинода эса бу мақсадда тармоқлараро экран ёки аутентификация тизими қўлланиб, улар тизимга кирувчи (чиқувчи) трафикни турли мезонларга мос келишини текшириб туради. Қоровул ёки турникет

бундан ҳимоя қила олмайди. Бу ерда биринчи ўринга турли хавфларни таниб олувчи датчиклар кўринишидаги хавфни аниқлаш воситалари чиқади.

2.2. Божхона тизимини модернизациялашда ахборот технологияларнинг ўрни

Божхона тизимини модернизациялашда ахборот технологияларнинг ўрни биринчи навбатда XX асрнинг охириги ўн йилликларида инсоният жамияти ривожланишининг асосий тенденцияси – глобаллашуви билан боғлиқ десак муболаға бўлмайди. Мамлакатлар, иқтисодий тизимлар ва кишилар ўртасида ўзаро алоқаларнинг ривожланиши кенг тарқала бошлади. Янги глобал воситалар – глобал ахборот тармоқлари (Интернет, уяли алоқа ва кўчма сунъий йўлдош алоқа тизимлари), транспорт воситаларининг янги турлари фаолият кўрсата бошлади. Савдо, хизмат кўрсатиш ва интеллектуал мулк масалалари бўйича янгича халқаро қоида ва келишувлар ишлаб чиқилди.

Иқтисодиёт глобаллашувининг энг муҳим хусусияти бу – мамлакатлар ва қитъалар иқтисодий фаровонлиги табақалашувининг кучайишидир.

Шундай қилиб, глобаллашув ижобий хислатлар билан бир пайтда айрим камчиликларга ҳам эга. Улардан энг аҳамиятлилари қуйидагилар: молиянинг қўнимсилиги ва шу билан боғлиқ ҳолда иқтисодий беқарорлик; аҳоли бандлиги ва даромадлари мунтазам эмаслиги; соғлиқ ва шахсий хавфсизликка таҳдид; сиёсий ва ижтимоий беқарорлик.

Глобаллашувга хизмат қилувчи ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши, шунингдек, салбий жиҳатларга ҳам эга. Масалан, кучсиз инфратузилмага эга (телефон линиялари ва Интернет тармоғидан фойдаланувчилар сони кам бўлган) мамлакатлар ўз иқтисодиётини ривожлантириш учун компьютерлаштириш ва ахборотлаштиришнинг барча ютуқларидан фойдалана олмайди ҳамда иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар бўйича ортида қолаверади. Юқоридагиларни таъкидлаб давлатимиз раҳбари: “Юқори технологияларга асосланган хизматлар орасида кейинги йилларда алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари бошқа соҳаларга нисбатан жадал ривожланаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ушбу хизматлар ҳажми сўнгги беш йилда 3,3 баробар, ўтган йили эса 24,5 фоизга ўсди”²⁰

Телекоммуникациялар жамият инфратузилмасининг бир қисми сифатида мамлакат иқтисодиётининг фаолияти ва юксалишини таъминловчи манбалардан бири бўлиб хизмат қилади. Замонавий ҳўжалик алоқаларининг мураккаб характери ва динамикаси телекоммуникация хизматларига талабнинг кескин ўсишига олиб келди. Ўз навбатида, фан-техника тараққиёти янги телекоммуникация технологияларининг яратилишига олиб келган бўлиб, улар янги хизматларни ва мос равишда уларга ўсиб борувчи талабни вужудга келтиради.

Бозор ислохотларини танлаб олган, ахборот - коммуникациялар тармоғининг ривожланиш даражаси паст бўлган

²⁰ И.Каримов. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. Халқ сўзи 18 январ 2015 йил.

Ўзбекистон учун алоқанинг анъанавий ва янги турлари тез суръатларда ривожланиши муаммоси ўта муҳим аҳамият касб этади. У нафақат техник базани яратиш воситаси, балки жамиятдаги ишлаб чиқариш ва ижтимоий масалаларни ҳал қилиш самарадорлигини оширишнинг энг муҳим омили сифатида ҳам аҳамиятга эга. Ахборот - коммуникацияларни ривожлантириш соҳасида техник ва иқтисодий сиёсатни яратишда акциядорлик жамиятлари, концернлар, ассоциациялар, биржа ва банклар каби бозор иқтисодиётининг муҳим институтлари саналувчи янги структуралар берилаётган ахборот сифати ва миқдорига юқори талаблар қўйишини ҳисобга олиш зарур. Маҳаллий телекоммуникация тизимлари нафақат ички, балки халқаро бозорларда ҳам ахборотнинг тез ва аниқ етказиб берилишини таъминлаши лозим. Бу айниқса, мамлакатда кўп сонли қўшма корхоналар, эркин тадбиркорлик ҳудудларининг яратилиши, чет эл капитал оқимларининг кучайиши муносабати билан долзарб аҳамият касб этади.

Шу йилнинг май ойида чиққан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, шунингдек, июнь ойида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори давлат ва жамиятимиз ҳаётини ўзгартиришга мўлжалланган. Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида замонавий технология ва компьютерлардан кенг фойдаланиш кўзда тутилмоқда. Шу тариқа давлатимиз раҳбари таъкидлаганлариде: “Бу борада хизматлар

таркиби ҳам тубдан ўзгариб бораётганини таъкидлаш жоиз. Мобиль алоқа, юқори тезликда ишлайдиган интернет, кабелли телевизион алоқа, масофавий банк хизматлари, қишлоқ хўжалиги техникаси, автомобиллар ва технологик ускуналарни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш каби замонавий юқори технологиялар асосидаги хизмат турлари аҳоли ўртасида тобора оммалашиб бормоқда»²¹

Ахборот узатиш тармоғини (АУТ) яратишда мазкур турдаги тармоқларга қўйилувчи замонавий талаблар, стандарт ва тавсиялар ҳисобга олинди. У Ўзбекистон Республикаси фан ва техника Давлат қўмитасининг меъёрий ҳужжатларига асосан яратилди, уни яратишда қўлланган техник воситалар эса республикамизда амал қилувчи техник меъёр ва талабларга жавоб беради. АУТни қуришда жаҳон телекоммуникация бозорида етакчи бўлган Siemens ва Cisco компанияларининг асбоб-ускуналаридан фойдаланилган. Бу қурилмалар АТМ ва Frame Relay замонавий технологиялари билан ишлашга имкон беради. Маълумотларнинг махфийлиги ва хавфсизлигини таъминлаш учун кучли ҳимоя воситаларидан фойдаланилади.

Малакали мутахассислар керакли сайтни излаб топиш, почта орқали ахборот жўнатиш, керакли маълумотларни дискетага ёзиб олишда ёрдам беришлари, зарур ҳолларда эса Интернет тармоғида мустақил ишлашга ўрганишлари мумкин.

Билим ва юқори технологияларга асосланган янги иқтисодиётни ҳаракатлантирувчи асосий омил Интернет ва унинг

²¹ И.Каримов 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. Халқ сўзи 18 январ 2015 йил.

дастурлари ҳисобланади. Глобал компьютер тармоқлари ахборот олиш, сақлаш ва тарқатиш учун янги имкониятларга эга бўлиб, улкан жаҳон ахборот ресурсларига уланишни таъминлайди. Улар одамлар ҳаётининг янги сифатига ўтишини тезлаштиради. Бироқ тармоқдан фойдаланиш шу билан бир пайтда илгари мавжуд бўлмаган муаммоларни ҳам юзага келтиради.

Шу сабабли ахборот технологияларидан фойдаланиш ва уни ривожлантиришда давлат сиёсатининг мақсадлари бизнингча, қуйидагилардан иборат:

- фуқароларнинг ахборотга уланиш ва уни тарқатишда эркинлигини таъминлаш;
- Ўзбекистонда миллий манфаатларга жавоб берувчи, маҳаллий ахборот ресурслари ва имкон қадар технологиялар имкониятларидан фойдаланувчи глобал электрон ахборот муҳитини шакллантириш ва ривожлантириш;
- Ўзбекистон ҳудудий бирликларининг ахборот бирлигини таъминлаш, ахборотга бой ва камбағал ҳудудлар ўртасидаги узилишни бартараф қилиш;
- Интернет тармоғи ва ундаги мавжуд ахборот ресурсларининг кенг аҳоли оммаси ва хўжалик фаолияти субъектлари, илмий ва таълим муассасалари, давлат, ҳукумат ва маҳаллий бошқарув органлари учун очик бўлишига шароитлар яратиш;
- шахс, жамият ва давлатнинг халқаро ахборот алмашинувида ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ахборот

эгалари ҳуқуқларини ахборотдан ноқонуний фойдаланиш ва уни тарқатишдан ҳимоя қилиш, шунингдек, «сифатсиз» ахборотларнинг тарқалиши устидан назорат ўрнатиш;

- янги маҳаллий ахборот технологиялари, маҳсулотлари ва хизматларини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;
- бизнес юритиш, Интернет тармоғининг ўзбек сегментини ривожлантиришга маҳаллий ва чет эл хусусий компанияларининг инвестицияларини жалб қилиш учун шароитлар яратиш;
- Интернетдан фойдаланувчилар, хўжалик субъектлари, бошқарув органлари манфаатларида Ўзбекистон Республикасида Интернетни ривожлантиришнинг қонунчилик ва меъёрий асосларини яратиш ва такомиллаштириш;
- мамлакат фуқароларини ахборотлашган жамият шароитларига мослаштириш.

Интернетнинг ўзбек сегментидан фойдаланиш ва уни ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- фуқароларнинг ижтимоий мақоми ва турар-жойидан қатъи назар очик ахборот тармоғига эркин уланиши учун шароитларни таъминлаш;
- Интернет тармоғига уланиш учун миллий инфратузилмани шакллантириш, фуқароларнинг

Конституцияда белгилаб қўйилган ахборотга уланиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқ ва эркинликларининг амалга оширилишини таъминловчи Интернет ресурсларига жамоа бўлиб уланиш «нуқта»ларини яратиш;

- давлатнинг долзарб сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий вазифаларининг бажарилишини таъминловчи, ҳамма учун очиқ бўлган давлат ахборот ресурслари ва электрон кутубхоналари, фан ва таълим тизимининг ахборот ресурслари тармоқларини яратиш миллий дастурларини ишлаб чиқиш ва қўллаб-қувватлаш;
- давлат ахборот ресурсларини шакллантириш, уларни уланиш учун очиқ қилиб қўйиш, давлат, хусусий ва жамоатчилик ташкилотлари, айрим фуқароларни замонавий ахборот технологиялари асосида ахборот ресурсларини шакллантириш бўйича ишларга жалб қилиш;
- Интернет тармоғининг вилоятлар, туманлар ва Ўзбекистон Республикаси субъектлари давлат органлари сегментини ривожлантириш;
- мамлакат ичида ва хорижий мамлакатлар билан ахборот ресурслари алмашилишни таъминловчи тармоқлараро алоқа ва миллий стандартлар тизимини ривожлантириш;
- халқаро стандартлар ва тавсиялар асосида тармоқнинг маҳаллий сегментидаги жамият учун аҳамиятли ахборот ресурсларини ҳисобга олиш ва каталоглаш тизимини шакллантириш;

- мос келувчи маҳкамалар томонидан республика бюджети маблағлари ҳисобига амалга оширилаётган Интернет тармоғининг ўзбек сегментини яратиш, ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ишларни молиялаштириш.

Интернет тармоғи техник инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилар саналади:

- Интернет тармоғидан фойдаланилувчи дастурий маҳсулотлар, компьютер ва телекоммуникация қурилмалари маҳаллий ишлаб чиқарувчиларини қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишларини аниқлаш;
- мамлакат миқёсида онлайн режимида турли хил ахборотларни телекоммуникация тармоқлари бўйича юқори тезликда узатиш учун техник имкониятларни таъминлаш;
- миллий алоқа тармоқлари, биринчи навбатда ахборот узатишнинг замонавий технологик даражасини таъминловчи кенг қамровли, юқори тезликка эга ва сунъий йўлдош каналларининг ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш;
- илмий тадқиқотлар ва Интернет-технологиялар лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш;
- янги авлод Интернет тармоғининг ривожланишини таъминлаш мақсадида фан-техника соҳасида ахборот-телекоммуникация инфратузилмаси тадқиқотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;

- Интернет-технологиялар соҳасида халқаро стандартлаш бўйича ишларда иштирок этиш;
- жойлардаги ижроия ҳукумати органлари ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган структураларда Интернет тармоғидан фойдаланиш жараёнида ахборотнинг ҳимояланганлик даражаси устидан назоратни амалга ошириш.

Меъёрий-ҳуқуқий асосларни шакллантириш ва такомиллаштириш. Бу йўналишда давлат сиёсатининг биринчи навбатда амалга ошириши лозим бўлган чора-тадбирлар куйидагилардан иборат:

- Интернетнинг ўзбек сегменти фойдаланувчиларининг ўзаро ва давлат билан, хусусан, электрон савдо ва электрон тўловларни амалга оширишдаги алоқаларининг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш, «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги, «Электрон ҳужжат тўғрисида»ги ва «Электрон савдо тўғрисида»ги қарорларни қабул қилиш;
- интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш соҳасида қонунчиликни такомиллаштириш, Интернетда жойлаштирилувчи ёки ахборот алмашилиш воситалари орқали узатиловчи маълумотларнинг ҳуқуқий режимини аниқлаш;
- ахборот маҳсулотлари, ахборотни узатиш ва кўриш воситаларида ахборотга муаллифликнинг ҳақиқийлиги тасдиқланишини таъминлаш;

- ҳамма учун очик бўлган компьютер тармоқларидаги электрон нашриётлар ва электрон оммавий ахборот воситаларига тегишли оммавий ахборот воситалари ҳақидаги қонунчиликни такомиллаштириш;
- шахсий маълумотларнинг, хусусан, Интернет тармоғидан фойдаланувчилар ҳақида уларнинг ўзаро ва тармоқ хизматлари операторлари билан мулоқотлари давомида тўпланувчи маълумотларнинг ҳимояланишини таъминлаш;
- домен номларидан нотўғри фойдаланиш ва уларни қайта сотишнинг олдини олиш мақсадида уларни рўйхатга олиш қоидаларини такомиллаштириш;
- Интернет тармоғига уланиш бўйича хизматларни тақдим этувчи ташкилотлар ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқий мақомини аниқлаш;
- Интернетда содир этилувчи жамият учун хавфли ҳатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, шунингдек, бундай ҳуқуқбузарликларни содир этувчи шахсларни аниқлаш ва жазолаш учун шароитлар яратиш;
- Интернет тармоғидаги ахборотларни уларнинг тоифасига қараб рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилишнинг мос келувчи даражасини таъминлаш;
- амалдаги қонун ҳужжатларининг Интернетга тааллуқли қисмларидан бевосита фойдаланиш механизмларини ишлаб чиқиш;

- процессуал қонунчиликка, биринчи навбатда компьютер тармоқларидан фойдаланганда исбот ва далилларни таъминлашга доир қўшимчалар киритишга тайёрлаш.

Кадрларни тайёрлаш ва ўқитиш. Ушбу йўналишда биринчи навбатда амалга ошириш лозим бўлган тадбирлар қуйидагилардан иборат:

- биринчи навбатда Тошкент ахборот технологиялари университети, Тошкент давлат техника университети, Ўзбекистон миллий университети ва Тошкент давлат иқтисодиёт университетида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ўзларини муносиб намоён этишлари учун хизмат қилувчи кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини яратиш;
- аҳолини компьютер тармоқларидан фойдаланишга ўргатиш, фуқароларнинг ахборот ва компьютер саводхонлигига ўқитишнинг ҳар қандай шакллари ривожлантириш; масофадан ўқитиш тизимларидан фойдаланиш ва ривожлантиришни рағбатлантириш.

Халқаро ҳамкорлик. Мазкур йўналиш бўйича давлат сиёсатининг асосий вазифаси хорижий мамлакатлар билан ўзаро ахборот алмашинув учун шароитлар яратиш, мамлакатнинг жаҳон ахборот маконига интеграциялашувини чуқурлаштириш ҳисобланади.

Интернет тармоғидан глобал компьютер тармоғи сифатида фойдаланиш кенг халқаро ҳамкорликни, жумладан, халқаро келишувларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишни назарда тутди.

Бундай халқаро келишувлар қуйидагиларни мустаҳкамлаши лозим:

- Интернет тармоғидан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг умумий тамойиллари;
- глобал компьютер тармоқларидан халқаро ахборот терроризми ва экстремизми мақсадларида фойдаланиш, шунингдек жиноятчи гуруҳлар фаолиятининг олдини олиш учун халқаро ҳамкорликни ташкил қилиш;
- Интернет тармоғида жойлаштирилувчи ахборотларнинг мос келувчи давлат қонунчилиги талабларига мос келиши устидан, жумладан қўшма назорат ўрнатиш;
- Интернет тармоғидан қонунчилик талаб ва қоидаларини бузган ҳолда фойдаланувчи шахсларга нисбатан чора қўллаш ва жавобгарлик чораларини аниқлаш бўйича ўзаро ҳамкорликни ташкил қилиш;
- Интернет тармоғидан фойдаланиш жараёнида вужудга келувчи муаммоларни ҳал қилиш тартибини ташкил этиш.

2.3.Божхона тизимида электрон рақамли имзо ва электрон декларациялашни ривожлантириш.

Хозирги пайтда ахборот технологияларини ҳамма соҳада фойдаланишни йулга қуйиш, жумладан божхона тизимида ушбу замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш узини ижобий натижаларини курсатиб келмокда. Бунга мисол тарикасида яқинда қабул қилинган «Электрон рақамли имзо

тўғрисида» ва «Электрон ҳужжатлар айланиши тўғрисида»ги қонунлар божхона хизматида ахборот технологияларини ҳар томонлама жорий этишга йўл очиб берди.²²

4-диаграмма



Ҳозирги вақтда ДБК божхона бўлинмалари орасида электрон декларациялаш, товарнинг электрон божхона паспорти, олдиндан электрон хабардор қилиш каби электрон ҳужжатлар айланишини жорий этиш устида фаол ишламоқда. Маълумотлар базасини бошқаришнинг кўп фойдаланиладиган тизими қўлланадиган бир қанча янги дастурлар жорий этишга қаратилган.

Бу янгиликларнинг икки қисми яхлит вазифаси божхонада расмийлаштиришни имкон қадар жадаллаштириш билан бир вақтда божхона назорати самарадорлигини оширишдан иборат. Асосий бўғин – божхона масканларидир. Айни шу ерда ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари ва давлат манфаатлари тўкнашади,

²² Манба: СБХ. 22 (618) –сон 2015 йил 30 декабр

божхона органларининг ходимлари давлат номидан унинг манфаатларини ҳимоя қиладилар, кўпинча айти шу ерда келишмовчиликлар вужудга келади.

Ҳозир товарни расмийлаштираётган божхона ходими фақат бир манбадан – декларантнинг ўзидан ахборот олади. БЮД (божхона юк декларацияси) ва бошқа қоғоз ҳужжатлардаги маълумотларни текшириш, одатда, кўп вақтни олади. Бу эса божхона учун ҳам, ТИФ иштирокчиси учун ҳам мақбул эмас. Янги технологиялар бу ерда нимани ўзгартиради?

Биринчидан, товарлар, транспорт воситалари ва ТИФ иштирокчилари тўғрисидаги ахборот манбалари доираси кенгаяди.

Иккинчидан, зарур маълумотларни керак бўлган пайтда – божхонада расмийлаштириш чоғида олиш мумкин бўлади.

Учинчидан, ҳужжатлар қоғоз тусида эмас, электрон тусда бўлади. Келажакда, божхона декларациясидаги маълумотларни автомат тарзда текшириш назарда тутилади. Келгусида божхонада расмийлаштириш бундай кўринишда бўлади: ҳужжатлар автоматик равишда қабул қилинади ва текширилади, назоратнинг махсус чораларини талаб қиладиган товарларни аниқлаш учун товарлар автомат тарзда селекция қилинади, сўнгра хатарлар таҳлил қилинади ва қарор қабул қилинади. Шу ўринда декларациялашга алоҳида тўхталиб ўтсак.

Ҳозирги кунда хатарларни бошқариш тизими билан боғланган, тўғри тузилган электрон декларациялаш тўловлар тўпланишини оширади ҳамда декларантлар ва божхона органларининг ходимлари йўл қўядиган тартиб-қоида

бузилишларини камайтиради. Бу албатта божхона хизмати фаолиятини янада самарали амалга оширишда катта аҳамиятга эгадир. Четдан қараганда, электрон декларациялаш натижасида назоратнинг тўлалиги камайгандек кўринади, бироқ ҳақиқий вазият мумкин қадар тўла назорат қилинадиган бўлади.²³ Бу ерда таъкидлаб ўтиш лозимки, электрон декларациялашни жорий этишни вазифаларидан бири ТИФнинг қонунга риоя қилувчи иштирокчилари учун божхонада расмийлаштиришни қисқа ва имкони борича қулай жараёнга айлантиришдир.

Шубҳасиз, амалда ахборот технологияларини кенг қўлланишга янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ёрдам беради. Бу нарса ўша божхона юк декларацияси мисолида аниқ намоён бўлади. У декларантнинг божхона органлари билан муносабатларини белгилабгина қолмай, товарлар қонунийлиги тўғрисида далолат берувчи ҳужжат бўлиб хизмат қилади.

Назорат қилувчи органлар ягона тизимнинг маълумотлар базасига қараб, унинг ҳақиқийлигига ишонч ҳосил қилишлари мумкин. Шу тариқа, турли давлат тузилмалари ўртасида ахборот айирбошлашни кенгайтириш — бошқарув ва назорат самарадорлигини оширишнинг энг муҳим дастакларидан бири бўлиб қолади.

Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими (ТСО ЯЭАТ)да бўлгани каби айирбошлаш форматини тартибга солиб, икки томонлама ахборот айирбошлашни қўллаб-

²³ Манба: СБХ. 22 (618) —сон 2014 йил .30 май.

қувватлаш, мантикий иш бўлади.²⁴ Божхона органлари бошқа идоралардан олган ахборот, шу жумладан хатарларни таҳлил қилиш ва бошқариш тизимида ҳам тўпланади, тизимларга ажратилади ва фойдаланилади. ДБК божхона технологияларини автоматлаштириш департаменти бу ахборотни олиш, сақлаш, излаш ва ундан фойдаланишни алгоритмга солиш билан шуғуллана бошлади.

Яқин келажакда электрон декларациялаш технологияси ва таомил қоидаларини пухта ишлаб чиқиш лозим бўлади. Божхона инспектори декларантдан электрон декларацияни олгач, БЮД (божхона юк декларацияси) да келтирилган маълумотларни текширади ва товарни чиқариш ёки божхона назоратининг қўшимча чораларини қўллаш тўғрисида тегишли қарор қабул қилади. Божхона ходимида қўшимча саволлар туғилиши мумкин. Балки декларант электрон декларацияга киритилган ахборотни аниқлаштириши, тузатиш киритишига тўғри келар. Бундай ҳолларда улар реал вақт тартибида электрон хабарларни айирбош қиладилар. Электрон декларациялаш декларантнинг божхона инспектори билан бевосита мулоқот қилиш заруратини бартараф этади. ТИФ иштирокчиси божхона постидан юзлаб чақирим олисда компьютер олдида ўтириб, ахборотни ишлаш тармоғига уланиб, божхона декларациясини тўлдириши, унга электрон рақамли имзо қўйиши, бошқа зарур маълумотларни киритиши ва барча ахборотни ўз хабари сифатида ҳудудий божхона бошқармасига юбориши

²⁴ Манба: СБХ. 22 (618) –сон 2014 йил 24 апрель.

мумкин. Рақамли имзонинг мавжудлиги ушбу маълумотлар юридик кучга эгалигини билдиради.

Шу уринда *электрон божхона паспорти* тўғрисида гапириб ўтиш зарурдир. Ишлаб чиқиладиган дастурнинг асосий унсурларидан бири битимнинг электрон божхона паспортидир. Уни автоматик равишда – чегарада расмийлаштириш таомилининг бошланишида расмийлаштиришади. Бу ҳужжатга товар тўғрисидаги маълумотлар (коди, вазни, фактура қиймати), БЮД (божхона юк декларация)нинг ва товарни вақтинча сақлаш омборида ҳисобга олиш ҳужжатлари нусхаларини киритиш мўлжалланмоқда. Булардан ташқари, унда божхона ходимларининг ҳамма ҳаракатлари қайд этилади. Шу тариқа, чегарани кесиб ўтган пайтдан бошлаб, божхонада расмийлаштиришнинг охиригача товар ва транспорт воситасининг тарихи тўла ёзилади. Бу технологияни шартли равишда тўла ҳужжатли назорат деса бўлади. Бунда эса биз албатта *олдиндан хабар қилиш технологияси*га эътибор беришимиз лозим. У божхонада расмийлаштиришни тезлатишнинг яна бир имкониятидир. Технология тахминан бундай: товар тўғрисидаги электрон ҳужжатлар пакети божхона органларига олдиндан юборилади. Товар чегарага етиб келганда божхона инспектори ахборотнинг дастлабки таҳлили ва назорат шаклини танлашга вақт сарфламайди. Бундан импортчи ҳам ютади – унинг юкки божхона омборида ётмайди, бинобарин уни сақлаш билан боғлиқ чиқимлар ҳам бўлмайди. Бундай технология жараённинг барча иштирокчиларига ўз ҳаракатларини режалаштириш имконини беради. Божхонада расмийлаштиришни етарлича

тезкорлик билан амалга ошириш имкони пайдо бўлади. Юкни келтириш устидан назорат автомат дастурининг яратилиши ва унинг ҳозир ДБК божхона назоратини ташкил этиш бўлинмасида қўлланилиши бунга яққол мисол бўла олади.²⁵

Қисқача хулоса

Электрон божхона паспортининг барпо этилиши ва олдиндан хабар қилиш технологиясининг жорий этилиши – яқин икки йилда амалга ошириладиган ишдир. Сўнгра электрон декларациялаш ҳам аста-секин жорий этилади. Бу ишга тўсқинлик қилаётган омиллардан бири божхона органлари ва бошқа давлат ташкилотлари ўртасида электрон маълумотларни айирбошлаш тизимининг етарлича самарали эмаслигидир. Бу нарсга кўп жиҳатдан ахборот соҳасига маблағлар қўйишга боғлиқ, чунки янги алоқа каналларини ётқизишга ва техникани янгилашга кўп маблағ зарур бўлади. Давлат божхона қўмитаси компьютерларни ва бутловчи деталларни мунтазам янгиллаб бормоқда. Аммо, ҳозир фойдаланилаётган шахсий компьютерларнинг тўртдан бир қисми ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари ўртасида сотиб олинган маънавий ва жисмоний эскирган техникадан иборат.

Мустақил ишлаш ва ўз – ўзини назорат қилиш учун саволлар:

- 1.Божхона тизимида ахборот технологияларини қўллашни афзалликларини гапириб беринг?
- 2.Божхона тизимида қўлланилаётган замонавий ахборот технологияларининг турлари.

²⁵ Манба: СБХ. 22 (618) –сон 2015 йил 30 январь

- 3.Божхона тизимини модернизациялаш деганда нимани тушунаси?
- 4.Божхона тизимида электрон рақамли имзо.
- 5.Электрон декларациялаш қандай амалга оширилади?
- 6.Электрон ҳукумат деганда нимани тушунаси?

Тавсия этилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов томонидан 2015 йил 17 январдаги Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи 18 январь 2015 йил
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи 18 январь 2014 йил.
- 3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги 30 май 2002 йилдаги ПФ. 3080 – сонли фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 11 июл «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига истеъмол товарларини олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги ПФ-3105 сонли

Фармони ва ушбу Фармонга 2002 йил 6 ноябрдаги ПФ-3159 сонли қўшимча Фармон.

5. «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот – коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. «Халқ сўзи» газетаси, 2002 йил, 6 июнь.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 31 июлдаги 393-сонли «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалари ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали олиб кириш, олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тўғрисида»ги Қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитаси фаолиятини ташкил этиш масалари тўғрисида»ги 30 июль 1997 й. 974 – сон қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона Қўмитасини ташкил қилиш тўғрисида»ги 1997 йил 8 июлдаги ПФ-1815 Фармони.

III-бoб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЖХОНА ТИЗИМИДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ЖОРИЙ ЭТИЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1.Божхона тизимида компьютерлаштириш ва ахборот технологияларини тадбиқ этишни такомиллаштириш йўллари аниқлаш

Божхона тизимида компьютерлаштириш ва ахборот технологияларини тадбиқ этишни такомиллаштириш йўллари аниқлашда қуйидагиларни кузатиш мумкин Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 сентябрдаги «Экспорт-импорт операцияларининг мониторингини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 416-сон қарорининг 2-бандига мувофиқ, Давлат божхона қўмитаси томонидан Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими (ТСОЯЭАТ) ишга туширилди. Бу тизим Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 20 августдаги «лицензиялашни бекор қилиш ва истеъмол товарларини олиб келиш, Ўзбекистон Республикаси ички бозорларида сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида». 295-сон қарорини бажариш учун Давлат солиқ қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, савдо ва инвестициялар вазирлиги, Марказий банк, ваколатли банклар ва бошқа манфаатдор вазирликлар ҳамда идоралар билан биргаликда ишлаб чиқилган.

Уларга мураккаб бошқарув тузилмалари ва жараёнлари хос бўлган ички тармоқ маълумотлар базаларидан фарқли равишда, (товар-хом ашё биржалари ва бошқа биржалар тизимида, банк тизимида), ТСОЯЭАТ бир қанча вазирликлар ва идораларнинг

ахборот ресурсларини маълум вақт миқёсида таҳлил этиш ва улардан фойдаланиш имконини беради. Мазкур тизим IBM компаниясининг ҳ туркумидаги AS 400 туридаги серверлар базасида, web-технологияларидан фойдаланиб бунёд этилган. Маълумотлар базасини бошқариш тизими сифатида ДВ-2 танланган. У Lotus Domino соҳасида амалга оширилган ва вазирликлар ҳамда идоралар ўртасида келишувни, шунингдек ташқи иқтисодий фаолиятга доир ахборотнинг тўғрилигини таъминлайди. Ҳозирги вақтда ТСОЯЭАТда 507 фойдаланувчи рўйхатга олинган бўлиб, шулардан 443 таси банк ходимлари. 22 таси ТИАА ва 39 таси божхона органларининг базасини доимий бошқариш давом этмоқда, фойдаланувчиларга маслаҳат бериш учун алоҳида телефон линияси ажратилган.

5-диаграмма



Манба: www.rubrucon.com – “Ахборот-технологиялари” бизнес-маълумотномаси
ТСОЯЭАТ ишга туширилиши билан идоралараро ахборот ресурсларидан фойдаланувчилар учун сифат жиҳатидан янги

хилма-хил хизматлар доираси пайдо бўлди. Бироқ, унинг ишлаши жараёнида айрим муаммолар борлиги аниқланди, маълум бўлишича, улар шундай тизимларга хос бўлиб, аввало мамлакатда ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиш даражаси билан боғлиқ.

Биринчидан, маълумотларни узатишнинг техник тавсифлари етарлича бўлган каналлар тақчилиги мавжуд. Хусусан, Тошкентда ёки пойтахт билан вилоят марказлари ўртасида ахборот айирбошлаш ўтаётганда улар етарли. Лекин видео, товушли ва рақамли ахборотни бир вақтнинг ўзида божхона органларига, айниқса чегара масканларига (постларга) узатишда бундай телекоммуникация алоқа каналлари жуда ҳам камлиги сезилиб қолмоқда.

Бу муаммони ҳал қилиш учун ДБК божхона органларининг автоматлаштирилган ягона ахборот тизими лойиҳасини тузди, бу лойиҳа тасдиқланиш босқичида турибди. Бу йўналишдаги ишлар божхона инфратузилмасини ривожлантиришдан манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда олиб борилмоқда.

Иккинчидан, идоралараро ахборотнинг кафолатли ҳимояланишини таъминлаш. Маълумки, бу вазифа ташкилий, ҳуқуқий, техник ва технологик тадбирлар билан қўшиб қўриб чиқилади. Ахборот технологиялари давлат университети, Миллий университет, Ички ишлар вазирлиги Cisco компаниясининг академияси ва бошқа муассасалар мунтазам равишда семинарлар, конференциялар, маслаҳатлашувлар ўтказмоқда. Лекин ҳозирги вақтда у ёки бу тизимда ахборот ҳимоясининг кафолатланишини

таҳлил қилиш, шунингдек ушбу соҳа учун мутахассислар тайёрлаш билан шуғулланадиган аниқ бир институт йўқ.

Чунончи, ваколатли органларга бир неча марта мурожаат қилишига қарамай, ТСОЯЭАТ учун ҳозиргача бундай хулоса олингани йўқ. Глобал тизимларнинг ахборот хавфсизлигини экспертиза қилишга қодир ваколатли органнинг йўқлиги ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммоси бўлиб қолмоқда. Идоралараро ва тармоқлараро маълумотлар базасини шакллантириш чоғида ишлаб чиқиладиган тизимларга нисбатан бўладиган ахборот ҳужумларига бардошликни таҳлил ва экспертиза қила оладиган махсус лабораториялар ва муассасалар барпо қилиш зарур, деб ўйлаймиз.

Учинчидан, вазирликлар ва идораларда ахборот хавфсизлигини таъминлайдиган махсус бўлинманинг, кўпинча маълумотлар базаси ва компьютер тармоқларининг юқори малакали бошқарувчиларининг йўқлиги.

Бир қарашда бу нарса ҳар бир вазирлик ва идоранинг ички муаммоси бўлиб кўринади. Бироқ, гап шундаки, бир вазирликнинг ахборот хавфсизлиги билан шуғулланувчи бўлинмаси, башарти умумий тизимдан фойдаланувчи бошқа вазирликда шунга ўхшаш бўлинма бўлмаса, хавфсизликни таъминлай олмайди. Ахборот технологиялари ва хизматлари хавфсизлиги соҳасида тегишли стандартлар ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар зарур.

Ҳозирги вақтда ТСОЯЭАТ тизими бир маромда ишламоқда. Ваколатли банклар ва божхона органлари унинг ёрдамида ҳар куни ташқи савдо операциялари бўйича контрактларни рўйхатга олади

ва тасдиқлайди. Контрактларнинг бажарилиши ва ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича мониторинг ўтказилади. ТСОЯЭАТ тизими бир неча йўналишда ривожланишда давом этмоқда.

Чунончи, ваколатли банклар ТИАА ва Давлат божхона қўмитасида ташқи савдо операциялари контрактлари бўйича маълумотлар тарихий базасининг мавжудлиги уни ТСОЯЭАТ базасига ўтказадиган механизмни ўз ичига оладиган ТСОЯЭАТни дастур билан таъминлаш режасини ишлаб чиқиш имконини беради. Бусиз ташқи савдо операцияларини тўла таҳлил ва мониторинг қилиб бўлмайди.

ТСОЯЭАТ маълумотлар базаси унга бартер ва биржа контрактлари, шунингдек ТИФ иштирокчилари – жисмоний шахслар ҳақидаги ахборотларни киритиш ҳисобига кенгаймоқда.

Ахборотни ҳимоя қилишни таъминлаш учун «USB» тизимлари жорий этилмоқда, улар ҳар бир фойдаланувчида тизимга USB – порт орқали кириш учун физик калит бўлишини назарда тутади. Маълумотлардан захира ва терс нусха олишни таъминлаш учун дастурий-техника мажмуининг жорий этилиши ҳам ТСОЯЭАТ ишончли, хавфсиз ишлашини таъминлайди. Айтиш лозимки ҳозирги пайтда билим ва юқори технологияларга асосланган янги иқтисодиётни ҳаракатлантирувчи асосий омил Интернет ва унинг дастурлари ҳисобланади. Глобал компьютер тармоқлари ахборот олиш, сақлаш ва тарқатиш учун янги имкониятларга эга бўлиб, улкан жаҳон ахборот ресурсларига уланишни таъминлайди. Улар одамлар ҳаётининг янги сифатига ўтишини тезлаштиради. Бироқ тармоқдан фойдаланиш шу билан

бир пайтда илгари мавжуд бўлмаган муаммоларни ҳам юзага келтиради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2014 йил якунларига бағишланган мажлисда давлатимиз раҳбари бу борада ўз фикларини билдириб шуни таъкидладилар: “Мамлакатимизда интернетдан фойдаланувчилар сони йил сайин кўпайиб бормоқда. Бугунги кунда улар 10 миллион 200 минг кишидан ошди ёки мамлакатимиз аҳолисининг учдан бир қисмини ташкил этмоқда. Республикамизда интернетнинг ўтказувчанлик даражаси 4 баробар оширилди, интернетга уланиш тезлиги эса 1,5 марта ортди. Шу билан бирга, ундан фойдаланиш нархи 2013 йилга нисбатан 11,6 фоизга камайди”²⁶

Ўтган йилнинг худди шу даври билан солиштирганда «.uz» ҳудудида рўйхатга олинган web-саҳифалар сони 4,4 баравар ўсди. “uz” ҳудудида домен номларини рўйхатга олиш нарҳини пасайтириш ва тартибини такомиллаштириш бўйича амалга оширилган режали тадбирлар ушбу ҳудудда рўйхатга олинган доменлар сонининг янада ўсишига хизмат қилади.

Ўзбекистонда Интернет хизматлари тарифлари АҚШ ёки Ғарбий Европа мамлакатларига нисбатан юқори. Бу аввало бозор сиғимининг кичиклиги ва шу сабабли ўртача харажатларни камайтириш учун «миқёс самараси»дан фойдаланиш имкониятининг йўқлиги билан изоҳланади. Бунда Интернет хизматларини қайта сотиш бўйича рақобат кучли бўлган бозор

²⁶ И.Каримов. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. Халқ сўзи 18 январь 2015 йил.

мавжуд. Кўплаб провайдерлар турли хил хизматлар пакетини тақдим этиш йўли билан мижозларни жалб этиш бўйича агрессив сиёсат юритмоқдалар.

Охирги йилларда жаҳон миқёсида ахборот технологияларни қўллашда электрон савдонинг ривожланиши кузатилмоқда. Халқаро электрон алоқа иттифоқи (МСЭ) Бутунжаҳон ривожланиш конференцияси (Валлетта ш., Мальта. 1998 й.) қарорларига асосланиб янги хизмат турларини, жумладан, электрон савдони юритиш сиёсатини ишлаб чиқишга киришди.

Электрон тижоратда битимларнинг аксари қисми савдо ҳамкорлари ўртасида битимлар тузиш учун мўлжалланган В2В дастурлари ёрдамида амалга оширилади. Халқаро экспертлар тадқиқотларига мувофиқ бундай битимлар 2012 йилда онлай савдонинг 83 фоизини, 2014 йилда эса 88 фоизини ташкил қилади.

Gartner Group башоратларига кўра 2007 йилда В2В ёрдамида амалга оширилувчи битимлар улуши 1,75 трлн. долларни ташкил қилади. Мазкур башоратда воситачилар орқали сотиш ва қайта сотиш имкониятлари ҳисобга олинган.

Gartner Group компанияси томонидан Ғарбий Европадаги 30 та йирик компания ўртасида олиб борилган сўров натижалари бўйича уларнинг барчаси В2Вни амалга ошириш учун камида битта каналдан, кўп ҳолларда эса бир нечта турли каналлардан, масалан, электрон савдо майдончалари ва ким ошди савдоларидан фойдаланишлари маълум бўлди.

Электрон тижорат воситаларига киритиладиган инвестицияларга келадиган бўлсак, бу ерда нисбатан ўсиш кузатилади. CIO.com (IDG – International Data Group компанияси портали) баҳоларига кўра бу йил ушбу мақсадларда IT бюджетининг ўртача 16,3%и сарфланади. 2011 йилда бу кўрсаткич 14%ни ташкил қилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 31 майдаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тадбирлари тўғрисида»ги қарори ахборотлаштириш миллий тизимларини яратиш, компьютер техникаси ва ахборот технологияларини мамлакат иқтисодиёти ва ҳар бир фуқаронинг ҳаётига оммавий татбиқ этиш учун шароитлар яратиш, жаҳон бозорида мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган. Қарорда 2002 йилнинг 1 октябригача 2010 йилгача бўлган даврда электрон тижоратни ривожлантириш Дастурини ишлаб чиқиш кўзда тутилган эди.

Ахборот ва тармоқ хавфсизлиги ҳам муҳим муаммолардандир. Янги ахборот технологиялари ва глобал ахборот тармоқларидан фойдаланган ҳолда бизнес юритишнинг хавфсизлигини таъминлаш муаммоси бугунги кунда жаҳон миқёсида энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Компьютер жиноятчилигига қарши кураш жаҳондаги етакчи мамлакатлар Клубига аъзо бўлган

мамлакатлар билан биргаликдаги олиб бориладиган фаолиятнинг устувор йўналишаридан биридир. Саноати ривожланган мамлакатларда турли ҳуқуқбузарликлар (фирибгарлик, сайтларни блокировка қилиш ва ҳоказо) натижасидаги йўқотишлар ўнлаб миллиард долларда ўлчанади.

Энг асосий ва биринчи навбатдаги вазифалардан бири бу электрон савдо тизими ҳажмининг ортиши ва савдо операцияларининг барча иштирокчилари ишончининг ўсишига хизмат қилувчи, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи миллий электрон савдо тизимининг ҳуқуқий асосларини шакллантиришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси учун бугунги кунда янги замонавий технологияларни қўллаш, ўз web-сайтларини яратиш ишлаб чиқариш ва бизнеснинг муҳим таркибий қисмига айланиб, электрон тижоратнинг ривожланишига асос солди. Маҳаллий ишбилармон ва тадбиркорлар ҳозирданок ўз бизнесларини юритиш учун Интернет тармоғи тақдим этаётган имкониятлардан кенг фойдаланмоқда.

Ўзбекистонлик тадбиркорлар учун «Made in Uzbekistan» (www.Uzexport.com) республика экспортчиларининг Интернет порталини яратиш муҳим ҳодисага айланди. Унинг асосий йўналиши – экспортни кенгайтиришга кўмаклашиш, маҳаллий ва хорижий тадбиркорларнинг алоқаларини ривожлантириш ҳисобланади. Ҳозирги пайтда ушбу лойиҳада турли йўналишдаги ва мулкчилик шакли ҳар хил бўлган 220 дан ортиқ экспортчи корхона иштирок этмоқда. Уларнинг сони яқин келажакда икки баравар ортиши мумкин. Портал маҳаллий товар ва хизмат ишлаб

чиқарувчилар ҳақида турли ахборотларни тақдим этиб, ўз товар ва хизматларини кам харажатлар билан бошқа мамлакатлардаги истеъмолчиларга таклиф қилиш имконини бермоқда. Маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчилар сайтдаги ўз саҳифасида ишлаб чиқараётган товар ва хизматлари ҳақидаги маълумотларни, инновацион, инвестицион ва савдо ҳамкорлиги ҳақидаги таклифларни жойлаштириш имкониятига эга. Сайт иштирокчилари шунингдек, ўзларининг материал ва хом-ашё, асбоб-ускуна ва қурилмаларга эҳтиёжлари ҳақидаги ахборотларни ҳам жойлаштиришлари мумкин. Бундай web-сайтни яратиш маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг товар ва хизматларини халқаро бозорга чиқариш ва республикамизнинг жаҳон иқтисодиётига кириб боришига хизмат қилади.

3.2. Ташқи савдо операцияларини мониторингини амалга оширишда ахборот технологияларини такомиллаштириш

Юртимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида халқаро иқтисодий алоқаларимизда туб ўзгаришлар рўй бермоқда. Буни дунё миқёсидаги нуфузи тобора ошиб бораётган мамлакатимизнинг бугунги ҳаётидан ҳам кўриш мумкин. Агар ташқи иқтисодий фаолиятга боғлиқ маълумотларни таҳлил қилсак, экспорт-импорт операцияларини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланганлиги аён бўлади. Хусусан, хом ашё ресурсларининг хорижий мамлакатларга ўзаро манфаатли савдо-сотик орқали реализация қилиниши натижасида ички

бозорнинг халқ истеъмоли моллари билан тўлдирилиши кузатилмоқда.

Шундай бўлсада, айрим ҳолатлар ҳақида тўхталсак. Ҳозирги ички ишлаб чиқариш кенгайтирилмаётгани халқ истеъмоли молларини ўзимизда ишлаб чиқаришнинг сусайишига олиб келиши мумкин. Бундай шароитда техника ва замонавий технологияларни жорий этган ҳолда ишлаб чиқаришнинг таркибини тубдан ўзгартириш орқали рақобатбардош товарлар яратиш мақсадга мувофиқдир. Албатта, Ўзбекистонда яратилган истеъмол молларини ривожланаётган мамлакатлар бозорига таклиф этишда бир мунча силжишлар кузатилмоқда. Бу нафақат валюта тушумларининг ортишига, балки миллий валютамитни ва ишлаб чиқариш жараёнларини барқарорлаштиришга ҳам имкон беради.

Бугунги кунда кўпгина давлатлар айниқса узоқ хорижий давлатлар билан Ўзбекистоннинг нуфузли корхоналари ўртасида иқтисодий алоқалар ўрнатилган. Шу боисдан улар билан ўзаро иқтисодий алоқаларда савдо-сотиқ ишларини янада жонлантириш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, аниқ йўналишларда корхоналар ўртасида иқтисодий алоқаларни кенгайтириш учун шарт-шароитни фаол яратиш орқали мол етказиб берувчилар ва истеъмолчиларнинг бевосита боғланишини кучайтириш; ҳар бир мамлакат манфаатлар доирасида ва давлатлараро расмий келишувларга мувофиқ янги маҳсулотларни сотиш учун истеъмол бозоридан самарали фойдаланиш; импорт ўрнини босадиган ва импортнинг бошқа манабалари бўйича энергия ташувчи, халқ истеъмол моллари, қурилиш материалларининг етказиб берилишини қайта тақсимлаш

хисобига Ўзбекистонга четдан келтирилаётган товарларга бўлган талабни қисқартириш.²⁷

Мамлакатда экспорт салоҳиятини ривожлантириш вазифасининг қўйилиши бежиз эмас. Хозирги даврда республика ташқи савдо айланмаси ва экспорт ҳажми жаҳон ҳам-ашё бозорларидаги конъюнктура тебранишларига ўта даражада сезгир ва таъсирчандир. Шу сабабли, уларнинг ҳажми халқаро бозорларда биз учун қулай конъюнктура ҳолати юзага келганда ўсмоқда, аммо аҳвол ўзгарганда, яъни биз учун ноқулай ҳолатлар юзага келганда камайиб кетмоқда.

Бунинг учун экспорт маҳсулотларини рақобатбардошлигини ошириш, сертификациялаш ва тартибланишнинг ўзгарувчан механизмининг жорий қилиш мақсадга мувофиқдир.

Ташқи иқтисодий фаолият ва ички бозорни эркинлаштириш чора-тадбирлари Ўзбекистон Республикасининг Умумжаҳон савдо ташкилотига кириши шартларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ўзини ташқи иқтисодий фаолият, жумладан экспорт дастурини ишлаб чиқар экан, бунда ўзининг иқтисодий-ижтимоий имкониятларини, ҳамда ривожланган давлатларнинг тажрибаларига суянди.

Тажрибалардан кўринишича, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарларни ташқи бозорларга олиб чиқиш учун унинг ишлаб чиқарувчилари ҳаракатларининг ўзи етарли эмас. Бу ўринда

²⁷ Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 1999 йил 7 майда 717-рақам билан рўйхатга олинган «Божхона қонун ҳужжатларини бузган шахсларни маъмурий ушлаб туриш тартиби тўғрисида»ги Низомга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги 137-сон қарори.

мавжуд вазиятни иқтисодий ва сиёсий воситалар билан бошқарадиган давлатнинг фаол ёрдами зарурдир. Хусусан, ёрдамнинг асосий таркибий қисмлари эса қуйидагилардан иборат: экспорт муаммоларига қарз ажратиш ва суғурталаш, ахборот, маркетинг ва маслаҳат хизматларини шу мақсадлар учун очилган умуммиллий шахобча орқали кўрсатиш, мамлакатимиз экспортчиларининг халқаро кўргазма ва ёйма бозорларда қатнашишини маблағ билан таъминлаш, экспортга иқтисодий дипломатия воситалари билан ёрдам бериш ва хоказо.

Айрим мутахассислар фикрича, давлатнинг тармоқнинг алоҳида гуруҳлари ривож топишида мавқеи қуйидагича бўлиши лозим:

- хом-ашё чиқариш саноатининг экспортбардош тармоқлари (нефть, газ, тоғ-кон) мустақил ривожланиш томон йўл тутиш керак;
- давлат катта илмий-техник салоҳиятга эга тармоқларни (авиақоинот мажмуаси, автомобилсозлик, қувватли машинасозлик, телеалоқалар) ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши зарур;
- техник жихатдан анча орқада қолган тармоқларга нисбатан (радиотехника, енгил ва озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалик машинасозлиги) протекционистик химоянинг муайян воситаларини қўллаш талаб этилади.

Жаҳон бозоридаги конъюнктуранинг беқарорлигига қарамасдан, 2013-йилда экспорт ҳажмининг ўсиши 10,9 фоиздан иборат бўлди. Ташқи савдо фаолиятидаги ижобий салдо 1 миллиард 300 миллион долларни ташкил этди. 2013-йилда қимматбаҳо металллар нархининг кескин пасайганига қарамасдан,

мамлакатимиз олтин-валюта захираси ўтган йил давомида 2 фоизга кўпайди.²⁸

Бунга сабаб, республикамизда замонавий технологияларга асосланган қўшма корхоналарни очилиши, хом ашёнинг кўп қисмини ўзимизда қайта ишлашга ўтилиши, маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган товарларни рақобатбардошлик даражасини оширишидир.

Республика ҳукумати томонидан мамлакат экспорт салоҳиятини ривожлантириш бўйича белгилаб қўйилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида 2015 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини экспорт салоҳиятини ривожлантириш дастурини, шунингдек, ишлаб чиқариш бўйича маҳаллий хом-ашё билан ишлайдиган, бутловчи қисмлар ва асбоб-ускуналар тайёрлайдиган соҳаларни маҳаллийлаштириш дастурини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ топилди.²⁹

Ушбу дастурлардан кўзланган мақсад товар ва хизматлар экспорти ҳажмини барқарор ўсиштириш учун шароитларни таъминлаш ва Ўзбекистоннинг мавжуд ишлаб чиқариш, ресурс салоҳиятларидан максимал даражада фойдаланиш асосида уларнинг номенклатурасини рақобатга бардош товар ва

²⁸ И.Каримов. “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожлантириш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг мамлакатимизни 2013-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи 18 январь 2014 йил.

²⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 24 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси бюджетининг 2014 йилдаги асосий макроэкономик кўрсаткичлари ва параметрларини прогнозлаш тўғрисида»ги ПП-1524 сон Қарори.

инфратузилмасини ривожлантириш, такомиллаштиришдан иборат бўлади.

Бу мақсадларга эришиш учун фаол экспорт стратегиясига ўтиш, экспортнинг мақсадли янги тармоқ ва жуғрофий таркибини шакллантириш, экспорт маҳсулотларининг номенклатурасини кенгайтириш ва рақобатбардошлигини ошириш, халқаро савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг прогрессив шаклларида фойдаланиш лозим бўлади.

Мамлакат экспорт салоҳиятини ривожлантириш ва мустахкамлаш, шунингдек маҳсулот экспорти ҳажмини ўстириш учун аввалом бор, уни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қонуний асослари тизимини такомиллаштириш ва ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш лозим. Бунинг учун ташқи савдо фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик актлари ва меъёрларини такомиллаштириш лозим.

Мутахассислар таъкидлашича, 2015 йилда миллий иқтисодиёт ривожига миллий иқтисодиёт ривожига муайян силжишлар, хусусан, экспорт ҳажмларининг 1,65 марта ошириш кутилмоқда.

Мутахассисларнинг ҳисоблашларича, давлатнинг экспорт соҳасига иқтисодий воситалар билан ёрдам асосан тайёр маҳсулотларни ривож топтиришга қаратилиши зарур. Бундай ёрдам чора-тадбирлари нафақат мамлакатимиз корхоналари кучи билан илмий ҳажмдаги маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, кенгайтириш ва замонавийлаштиришни, балки яна хорижий ҳамкорлар билан қўшма лойиҳаларни амалга оширишни қамраб

олиши мақсадга мувофиқдир. Жумладан, бу ишларга қисмлар ҳамда деталларни тайёрлаш ёки хорижий ширкатлар буюмлари бўйича амалий тадқиқот ва конструкторлик ишларини бажариш, импорт таркибий қисмларидан фойдаланиб, экспорт учун мўлжалланган маҳсулотларни йиғиш кабилар киради. Ҳукуматнинг молиявий иштироки, шунингдек, саноат ёки ўзга муассасаларни кўриш ва ишлатишда хорижий мамлакатларга техник ёрдамнинг кенгайтирилиши учун ҳам зарурдир. Экспорт салоҳиятини кенгайтириш билан боғлиқ вазифаларнинг ечимига экспорт маҳсулотини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган товарларга импорт солиқларини солиш (божлар, қўшимча қийматга солиқлар) даражасини пасайиши ёрдам бериши мумкин. Бундан ташқари, замонавий жихозлар, ашёлар ва бутловчи қисмларга, мамлакатимизда ишлаб чиқарилмайдиган, хом ашёнинг айрим турларига четдан келтиришга қўйилган божларни камайтириш ҳам мумкин бўларди.

Экспортни қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар билан биргаликда буларнинг ҳаммаси Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолиятидаги янги йўналишларни шакллантиришга сезиларли туртки бериши мумкин.³⁰

Экспортни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида солиққа тортиш тизимида маълум имтиёзлар белгилаш керак бўлади:

³⁰ Сирожиддинов Н. «Проблемы повышения эффективности внешней торговли Узбекистана».- Т., УМЭД, 2004 г.

- мулкчилик шаклларида ва катта-кичиклигидан қатъий назар экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар учун солиқ ставкаларини камайтириш;

- жадаллаштирилган амортизация сиёсатини қўллаш йўли билан корхоналарнинг бир қисмини техник қайта жиҳозлаш ва ишлаб чиқариш воситаларини муддатидан олдин янгилаш учун йўналтиришга имкон яратиш;

- экспорт хизмати учун Умумжаҳон савдо ташкилоти қоидаларига мувофиқлаштириш.

Экспорт ҳажмини кўпайтириш ва унинг таркибини кенгайтириш учун қуйидагича чора-тадбирларни кўриш лозим бўлади:

- экспортни қўллаб-қувватлашга асосланган молиявий консорциумларни тузиш;

- корхоналарнинг рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтиш жараёнларини рағбатлантириш;

- йирик, ўрта ва кичик саноат корхоналарининг экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш;

- саноат корхоналари ва тармоқларини модернизациялаштириш, диверсификациялаштириш, уларнинг моддий техникавий базасини мустаҳкамлаш, уларга янги ва юқори технологияни киритиш;

- республикамизнинг илмталаб ва асосий саноат тармоқларини ривожлантириш мақсадида хорижий бевосита инвестицияларни жалб қилиш.

Экспортга махсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг экспорт салохиятини кенгайтириш, уларнинг мулкчилик шаклларида қатъий назар, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, амалдаги солиқ имтиёзларини тартибга солиш ва экспортга мўлжалланган рақобатбардош махсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга шундай имтиёзларнинг рағбатлантирувчи таъсирини кучайтириш мақсадида 2000 йил 5 июнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экспорт махсулоти ишлаб чиқарувчиларини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чоратadbирлар тўғрисида»ги фармони эълон қилинди.

Бу фармонга асосан:

1. Экспорт қилувчи корхоналар томонидан ўзи ишлаб чиқариган махсулотлар (ишлар, хизматлар) экспортидан олинadиган даромадларнинг ҳисоб-китоби алоҳида юритилади.

2000 йил 1 июлидан бошлаб, мулкчиликнинг барча шаклларидаги экспорт қилувчи корхоналарнинг ўзи ишлаб чиқарган ва эркин алмаштириладиган валютага экспорт қилган махсулотлар (ишлар, хизматлар)дан олинadиган даромадлари (фойда) солиғи тўлашдан озод этилади. Мазкур солиқ имтиёзи ягона солиқ тўловчилари бўлмиш кичик корхоналарга ҳам жорий этилди.

2. Экспорт қилувчи корхоналар учун 2000 йилнинг 1 июлидан бошлаб умумий савдо-сотиқ ҳажмида ўзи ишлаб чиқарган махсулотлар (ишлар, хизматлар) экспорти улушига қараб мулк солиғи тўлашнинг қуйидаги тартиби жорий этилди:

экспорт улуши 25 фоиздан 50 фоизгача миқдорида бўлганда белгиланган мулк солиғи ставкаси 50 фоизга камайтирилади; 50 ва ундан кўпроқ фоиз бўлганида мулк солиғи ундирилмайди.

3. Ушбу фармоннинг юқорида айтиб ўтилган 1 ва 2-бандларида кўзда тутилган имтиёзлар экспорт махсулоти ишлаб чиқарувчи ҳамда уни мустақил равишда ёки вазирликлар, идоралар, корпорациялар, концернлар, уюшмалар ва компанияларнинг таркибий бўлинмалари ҳисобланувчи ихтисослаштирилган ташқи савдо бирлашмалари ҳамда фермалари орқали сотувчи барча мулкчилик шаклларидаги корхоналарга тадбиқ этилди.

Мазкур имтиёзлар эркин алмаштириладиган валютага ҳомашё махсулотлари – пахта толаси, ип-газлама калаваси, нефть ва нефть махсулотлари, газ конденсати, табиий газ, электр энергияси, қимматбаҳо, рангли ва қора металллар экспорт қилувчи воситачилик корхоналарига, шунингдек, ишлаб чиқариш корхоналарига тадбиқ қилинмоқда.

Мамлакат бошқа мамлакатлар учун экспорт бозори ва айни вақтда зарур импортни етказиб берувчидир. Тўсиқларни бартараф этишни рағбатлантирадиган савдо-сотиқни кенгайтириш иқтисодий ўсишга олиб келади. 70 ва 80-йилларда бир қатор ривожланаётган мамлакатларда, энг аввало Марказий Осиёда, жаҳон бозорига йўналтирилган савдо сиёсати қабул қилинди. Энг сўнгги воқеалар савдони эркинлаштириш (Уругвай раунди якунлари), эркин савдо тўғрисидаги Шимолий Америка битими (НАФТА) ва бошқалардир.

Жаҳон савдо бозорининг мантиқи аниқ ва оддий: халқаро тақсимот давлатга ўзи самарали ишлаб чиқараётган товарлар ишлаб

чиқариш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашишига имкон беради. Барча товарларни ўз кучи билан ишлаб чиқаришга ва хизматларни кўрсатишга уриниш оқилона иш эмас ва иқтисодий жихатдан самарасиздир.³¹

Биронта ҳам мамлакат ҳамма нарсани бир хил рентабеллик билан ишлаб чиқара олмайди. Бундай қоида дунёда қиёсий афзаллик сифатида маълумдир. Эркин савдо мамлакат учун ўзининг иқтисодий ресурсларини ўзи нисбатан яхши амалга оширадиган фаолият турларига йўналтиришга имкон беради. Бозорда рақобатнинг кучайиши эса фирманинг нобудгарчиликларини камайитишга, нархларни туширишга ва сифатни яхшилашга мажбур қилади.

Шу тариқа, эркин савдо сиёсатидан фойдаланади. Энг аввало нархлар кўлами кенг бўлган истеъмол товарларининг кенгроқ доирасига эга бўлган ички истеъмолчилар олишади ва энг мақбул нархларни танлашади.

Бизнесни ривожлантириш учун зарур бўлган, мақбул нархлари бўйича кенгроқ доирадаги ишлаб чиқариш воситаларини мустақил равишда танлаш имкониятини оладиган миллий ишлаб чиқарувчиларимиз (йирик, шунингдек, ўрта ва майда) ҳам ютишади. Бу эса жахон бозорида ҳам, ўзимизнинг бозорда ҳам самарали ишлаб чиқариш ва муваффақиятли рақобат учун омил бўлиб бормоқда.

³¹ Авдокушин Н.А. «Международные экономические отношения», - М., Экономика, 2003.

Кейинги ютук - самарали ва рақобатбардош фирмалар фаолиятининг кенгайишига қараб иш билан бандлилик мутлоқ ўсишига олиб келади.

Нихоят, очиқ савдо режими мамлакатнинг бевосита хорижий инвестицияларини жалб этиш қобилиятини анча оширади.

Божхона тадбирларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш кўп йиллар мобайнида халқаро савдо-сотиқни ривожлантириш билан шуғулланиб келаётган ташкилотлар эътиборини ўзига жлб қилмоқда. Божхона ҳамкорлиги кенгаши таъсис этувчи конвенция ёки шартнома 1950 йилда Брюсселда имзоланган ва 1952 йилда кучга кирган.

1969 йилда Божхона Ҳамкорлиги Кенгаши ва ГАТТ (ҳозирги Жаҳон савдо ташкилоти) аъзолари бўлган мамлакатлар божхона тадбирларини соддалаштириш ва уйғунлаштиришнинг халқаро воситасини вужудга келтириш тўғрисида таклиф киритган эдилар. Бу таклифни бошқа мамлакатлар ва ЮНКТАД, Халқаро Савдо Палатаси, Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти ва Халқаро денгиз транспорти ташкилоти сингари ташкилотлар қўллаб-қувватлади. Бунинг натижасида 1973 йилда Японияда қабул қилинган Божхона тадбирларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш халқаро конвенцияси (уни Киото конвенцияси деб ҳам аташади) ишлаб чиқилди.

Киото конвенцияси белгилаб берган божхона тадбирлари намунаси миллий божхона органларини Жаҳон савдо ташкилоти талабларини бажариш воситаси билан таъминлайди. Талабларнинг аксарияти чегарада божхона баҳосига, товарнинг келиб чиқиш

қоидаларига, божхона йиғимлари ва тўловларига, субсидияларига, ички солиқларга, миқдорий чеклашларга, лицензиялашга, стандартлаш ва сертификатлаш талабларига, товарни ортишдан олдинги текширишларга ва интеллектуал мулк ҳуқуқларига тегишлидир.³²

Шу сабабли, божхона ишини ташкил қилишни яхшилаш, ягона божхона сиёсатини юритиш, Республика божхона идоралари фаолиятининг тезкорлиги ва самарадорлигини ошириш уларнинг мамлакат иқтисодий хавфсизлигини мустаҳкамлашдаги аҳамиятини кучайтириш, шунингдек, божхона иши соҳасидаги халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида, 1997 йил 8 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-1815 сонли «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги фармони эълон қилинди.

ДБКва унинг органлари фаолиятини қуйидаги энг муҳим қонун ҳужжатлари белгилаб беради: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 8 июлдаги ПФ-1815 сонли «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг ташкил қилиш тўғрисида» фармони, Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги «Давлат божхона хизмати тўғрисида»қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 30 июлдаги 374-сонли «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси тўғрисида»ги Низом, Ўзбекистон Республикаси Олий

³² Бабашкин А.М. «Государственное регулирование национальной экономики». - М., Финансы и статистика, 2004, 477с.

мажлисининг 2015 йил № 1, 8-моддага ўзгартириш тўғрисида, Божхона тизимида товарларни электрон декларациялаш тартиби Низомини тасдиқлаш ҳақида . Мазкур Низом биринчи навбатда божхона органининг асосий вазифалари, функциялари ва ҳуқуқларини белгилайди.

Ҳуқуқ ва мажбуриятлар ўртасидаги фарқ уларни амалга оширилишини ўзига хос томонларида намоён бўлади. Ҳуқуқлар давлат идорасига турли масалаларни ҳал қилишда танлов эркинлигини беради. Мажбуриятлар орган фаолиятини қатъий тартибга солади, уни амалга ошириш шартларига эса қонунда аниқ кўрсатилиши лозим.

Шундай қилиб, бошқарув органи фаолиятини юқорида эслатиб ўтилган ҳар бир таркибий қисми (элементи) - ушбу органнинг ҳуқуқий мақомини тарифлайди. Вазифалар - фаолиятининг умумий йўналиши ва мақсадларини кўрсатади, функциялар - мазкур вазифаларни бажариш учун нималар қилиш кераклигини аниқлайди, ҳуқуқлар - божхона органини қандай ҳажмда ўз мажбуриятларини амалга ошириши мумкинлигини белгилайди.

Экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш чоғида турли ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларга чек қўйиш мониторингнинг муҳим қисмидир. Экспорт чоғида: товарларни таннарҳидан арзон нархларда сотиш; сохта экспортдан фойдаланиш; валюта тушумини қайтаришнинг кечиқиши ва тўла қайтарилмаслиги; икки хил контракт тузиш; ТИФ ТН ҳақиқий кодининг ўзгартирилиши.

Бундай найранглардан аввало асосий экспорт гуруҳига кирадиган товарларга нисбатан фойдаланишади.

2010-2016 йилларда божхона органларини ривожлантириш концепциясига мувофиқ божхона технологияларини, шу жумладан экспорт-импорт контрактлари мониторингини ташкил этиш ва такомиллаштириш ташқи иқтисодий фаолиятнинг ҳалол, қонунга итоаткор иштирокчилари билан ҳамкорлик муносабатлари асосида ва айна пайтда нопок бизнесга қарши мурасасиз ва изчил курашиш асосида амалга оширилмоқда.

Давлат божхона қўмитасининг Божхона статистикаси ва таҳлили маркази, унинг бўлимлари ҳудудий бошқармалар, божхона комплекслари ва постлари таркибида товарларнинг келиб тушиши ёки юклаб жўнатилиши тўғрисидаги маълумотларнинг ТСОга ўз вақтида ва ишончга киритилиши учун жавоб берадилар, иловалар билан биргаликда божхона юк декларациялари асосида маълумотларнинг статистика электрон базасини тузадилар, товарларни олиб кириш ва олиб чиқиш бўйича маълумотларни ҳамда улар бўйича амалга оширилган божхона тўловларини таҳлил этадилар, шунингдек маълумотларнинг электрон базаси ТСОга ўз вақтида қўшилишини таъминлайдилар.

Давлат божхона қўмитасининг контрабандага ва божхона қоидаларини бузилишларига қарши курашиш бошқармаси, унинг бўлимлари ҳудудий бошқармалар, божхона комплекслари ва постлари таркибида контрабанда операциялари амалга оширилиши йўллари ва механизмларини аниқлаш, товарлар ва бошқа моддий бойликларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ноқонуний

олиб кирилиши ҳолларига барҳам бериш, ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги бошқа жиноятларни очиш бўйича тезкор-таҳлилий ва қидирув чора-тадбирлари ўтказилишини таъминлайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги Ўзбекистон Республикасига импорт қилинадиган товарларга нарх белгиланиши тенденцияси устидан доимий мониторингини амалга оширадилар. Мониторинг натижалари бўйича ТСО маълумотлари, шунингдек ҳар ойда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинадиган ва электрон шаклида ТСОга киритиладиган муқобил манбалардаги маълумотлари бюллетени тузилади.

Бюллетень ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг импорт қилинадиган товарларга нарх ҳосил бўлишида шаклланаётган тенденциялардан хабардорлигини ошириш, шунингдек уларни божхонада расмийлаштириш тартиб-қоидаларини самарадорлироқ ва ҳосилона амалга ошириш учун хизмат қилади.

Ҳозирги кунда ахборотлаштиришни кенг йўлга қўйилиши кўпгина фуқароларни олдида турган саволларига жавоб бўлиб, улар жавобларни олишда ўз ҳаражатлари ва вақтини тежайдилар. Мисол тариқасида фуқароларни божхона тўловларини тўлашни кечиктириш ва бўлиб - бўлиб тўлаш имконияти қанча муддатга берилиши мумкин, деган саволларга «СБХ» - Солиқ ва божхона хабарларини молиявий- иқтисодий газетасини, ҳамда ДБҚ ни

расмий электрон сайтларига мурожаат қилган ҳолда бир зумда қуйидагиларни аниқлаб олиши мумкин:

- 1999 йил 20 августдаги 832-I ва 2001 йил 7 декабрдаги 320-II-сон қонунлар билан қўшимча ҳамда ўзгартишлар киритилган бўлиб Божхона кодексининг 110-моддасига кўра, тўловларни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш муддати, тўлов миқдоридан қатъий назар, икки ойдан ошиши мумкин эмас, бундан экспорт маҳсулоти ишлаб чиқариш учун моддий-техник ресурслар импортини амалга оширадиган ишлаб чиқарувчи корхоналар мустасно, уларга тўлашни кечиктириш имконияти БЮД қабул қилинган кундан бошлаб 90 кунга берилиши мумкин. Моддий ишлаб чиқариш ва хизматлар соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналарга, фермер хўжаликларига, шунингдек юридик шахс мақомига эга бўлган деҳқон хўжаликларига ўз эҳтиёжлари учун импорт қилинадиган ускуналар, хом ашё ва моддий ресурсларга божхона тўловларини тўлашга доир (божхона расмийлаштируви учун йијимлар бундан мустасно) фоиз ундирмасдан 90 кун муддат билан тўлаш кечиктирилиши мумкин. Яна бир савол божхона тўловларини кечиктириш ёки бўлиб - бўлиб тўлаш имконияти берилгани учун фоизлар қандай ҳисоблаб чиқарилади?

Жавоб: - Тўловларни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилгани учун фоизларни ҳисоблаш миллий валюта - сўмда амалга оширилади. Улар қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқарилади:

$$Кбф = \frac{С х Оо х}{Ст х 12 \times 365 х 100},$$

Бу ерда:

Кбф - кечиктириш имконияти берилгани учун фоизлар;

С - тўланиши бўйича кечиктириш имконияти берилган божхона тўловларининг умумий суммаси;

Оо - кечиктириш имконияти берилган кунларнинг ҳақиқий сони;

Ст - божхона декларацияси қабул қилинган кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган такрорий молиялаш ставкаси (МБ такрорий молиялаш ставкасининг 50 фоизи);

365 - тақвимий йилдаги кунлар сони.

Бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилганида унинг учун фоизлар қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқарилади:

$$\text{Ббф} = \frac{\text{Сп} \times \text{Ор} \times \text{Ст} \times 12}{365 \times 100},$$

бу ерда:

Ббф - бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилгани учун фоизлар;

Сп - тўланиши бўйича бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилган божхона тўловларининг умумий суммаси;

Ор - бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилган кунларнинг ҳақиқий сони;

Ст - божхона декларацияси қабул қилинган кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган такрорий молиялаш ставкаси (МБ такрорий молиялаш ставкасининг 50 фоизи);

365 - тақвимий йилдаги кунлар сони.³³

Бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилган божхона тўловлари қисман тўланганда (тузилган жадвалга мувофиқ), уларнинг

божхона юк декларациясига кўра ҳисоблаб чиқарилган умумий суммаси сўндирилган қарз суммасига камайтирилади.

Кечиктириш имкониятининг амал қилиш даврида божхона тўловларини тўлаш бўйича имтиёзлар берилган тақдирда (ҳукумат томонидан тўловлардан озод қилиш ёки тўловларни кечиктириш ёхуд бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилиши), башарти кўрсатилган имтиёзларнинг амал қилиши тўловларни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилган муддат тугашига қадар бошланса, унинг учун фоизлар ундирилмайди.

Яна бир мисол агар жисмоний шахс сифатида Москвадан шахсий машинани таъмирлаш учун тахминан 2500 АҚШ долларлик автомобиль эҳтиёт қисмлари олиб келинса, чегарадан ўтаётганда божхона тўловлари қанча бўлади? Ушбу юк тижорат мақсадлари учун мўлжалланмаганлигини қандай қилиб тасдиқлаш мумкин деган саволга электрон божхона хизмати электрон сайтлари, ҳамда «NormaNTV» да қуйидаги жавобни олишингиз мумкин:

Мазкур вазиятда аввало юк тижорат мақсадлари учун мўлжалланмаганлигини тасдиқлаш лозим. Бунинг учун божхона декларациясида товарлар ўз эҳтиёжлари учун келтирилганини кўрсатиш зарур 1-устуннинг учинчи кичик бўлимига “1” рақамини (яъни “ўз эҳтиёжлари учун”) қўйиш керак. Тасдиқлаш учун автомобилга доир ҳужжатларни, масалан, импортчи машина эгаси сифатида кўрсатилган техник паспортнинг автонусхасини, шунингдек техник хизмат кўрсатиш шохобчасининг таъмирлаш

³³ СБХ. 2015 йил № 10 (554) 28 февраль.

учун зарур эҳтиёт қисмлар тўғрисидаги маълумотномаси ва ҳоказоларни тақдим этиш мумкин.

Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали товарларнинг олиб келиниши мақсадини аниқлаш тартиби тўғрисида низомга кўра (ДБК, МВ ва ДСҚнинг Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 4 июнда 1147-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган), жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали товарларнинг олиб келиниши мақсади божхона органининг мансабдор шахси томонидан умумқабул қилинган халқаро меъёрлар ва амалиётга мувофиқ аниқланади. Бунда товарларнинг хусусияти, миқдори ва олиб ўтиш муттасиллиги, шунингдек жисмоний шахс сафарининг барча ҳолатлари ҳисобга олинади. Товарлар ўз эҳтиёжлари учун олиб кирилган тақдирда жисмоний шахслар қуйидаги божхона тўловларини тўлашлари керак:

- Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 февралдаги 80-сон қарори билан белгиланган жисмоний шахслардан йиғим бож тўламасдан олиб кириш меъёридан ошадиган қийматнинг 20%и миқдорида;

- божхона божлари белгиланган қоидалар ва бож тўламасдан олиб кириш меъёридан ошадиган қийматга доир ставкалар бўйича;

- акциз солиғи акциз солиғини тўламасдан товар олиб кириш меъёридан ошадиган қийматга доир белгиланган ставкалар бўйича;

- қўшилган қиймат солиғи бож тўламасдан олиб кириш меъёридан ошадиган қийматнинг 20%и миқдорида.

Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига бож тўламасдан товар олиб киришнинг чегараланган меъёрларига мувофиқ (Адлия вазирлиги томонидан 1996 йил 10 сентябрда 279-сон билан рўйхатдан ўтказилган) жисмоний шахсларга чегарадош бўлмаган давлатлар ҳудудидан (бу ҳолатда Россия Федерациясидан) божхона божлари ва ҚҚС тўламасдан ўз эҳтиёжлари учун умумий қиймати эквивалентда 1000 АҚШ долларида ошмайдиган товарларни олиб келишга рухсат берилади.

Бу ҳолатда қуйидагилар тўланиши керак:

- жисмоний шахслардан йиғим $(2500 \text{ АҚШ доллари} - 1000 \text{ АҚШ доллари}) \times 20\% = 300 \text{ АҚШ доллари}$;

- бож (агар эҳтиёт қисмлар ТИФ ТН 8708 кодига эга бўлса) $(2500 \text{ АҚШ доллари} - 1000 \text{ АҚШ доллари}) \times 10\% = 150 \text{ АҚШ доллари}$. ТИФ ТН бошқа кодларида бож ставкасини Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 январдаги 4-сон қарорига 1-иловадан топиш мумкин. МДХ мамлакатларида ишлаб чиқарилган ва у ердан олиб келинадиган товарлардан, агар уларнинг келиб чиқиши тўғрисида сертификат мавжуд бўлса, божхона божи ундирилмайди. Қиймати 5000 АҚШ долларида кам бўлган товарларга келиб чиқиш тўғрисидаги белги ваколатли орган томонидан товарга илова қилинувчи ҳужжатларга қўйилиши мумкин;

- акциз солиғи (агар эҳтиёт қисмлар ТИФ ТН 8708 кодига эга бўлса) жисмоний шахслар томонидан акциз солиғини тўламасдан олиб кириш меъёри белгиланмаган (Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 13 мартда 412-сон билан рўйхатдан ўтказилган жисмоний

шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига акциз солиғи солинмайдиган товарларни олиб келишнинг чегараланган меъёрлари). Шу сабабли акциз солиғининг суммаси 2500 АҚШ доллари х 10% қ 250 АҚШ доллари;

- қўшилган қиймат солиғи (1500 АҚШ доллари = 150 АҚШ доллари бож = 250 АҚШ доллари акциз) х 20% = 400 АҚШ доллари.

Жами: 300 = 150 = 250 = 400 = 1100 АҚШ доллари (ёки 950 АҚШ доллари, агар бож тўланмаса).

Мазкур мисолдан кўринадик, божхона тўловларининг суммаси кўпгина омилларга боғлиқ. Хулосада тўлов миллий валюта сўмда тўлов кунига МБ курси бўйича амалга оширилишини эслатиш лозим.³⁴

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ўзининг барча ҳудудий бўлимлари ва божхона постларини босма нусхалар билан ТСОга уланган тақдирда эса – шунингдек бюллетеннинг электрон версиялари билан мунтазам таъминлайди.

Ваколатли банклар ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-кунигача товарлар тушум тушмаганда ёки тўлиқ тушмаганда тегишли чора-тадбирлар кўриш учун ахборотни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда солиқ ва божхона органларига юборади.

Давлат божхона қўмитасининг божхона текширишлари бошқармаси ҳамда контрабандага ва божхона қоидалари бузилишига қарши курашиш бошқармаси, унинг ҳудудий

³⁴ СБХ 2014 йил № 41 (585) 10 октябрь

бошқармалар, бошқарма комплекслари постлари таркибидаги бўлинмалари қуйидаги ҳолатлар аниқланган тақдирда суриштирув олиб борадилар ва қонун ҳужжатларида белгиланган тегишли чоратadbирларни кўрадилар:

а) олиб кирилаётган товарлар божхона расмийлаштирилуvidан ўтказилишида товар божхона қийматқийматига нисбатан асоссиз оширилиши мақсадида ишончсиз маълумотлар мавжуд бўлган ҳужжатлар божхона органларига тақдим этилиши;

б) контрактлар бўйича контрагентлар ҳисобланмаган етказиб берувчилардан товарларнинг келиб тушиши;

в) товарнинг контрактда белгиланган муддатларда ёки маблағлар ўтказилган санадан бошлаб 180 календарь кундан ортиқ муддатда тушмаслиги;

г) товарлар экспорти олдиндан ҳақ тўланмасдан амалга оширилиши, аккредитив очилиши, харидорнинг банки кафолати олиниши ёки сиёсий ва тижорат таваккалчиликларидан экспорт контрактларини суғурта қилиш полиси расмийлаштирилиши;

д) экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда қонун ҳужжатлари бузилишининг бошқа ҳоллари.

Худудий божхона бошқармалари ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-кунигача хўжалик юритувчи субъект рўйхатдан ўтказилган жой бўйича солиқ хизматининг худудий бошқармалари валюта ва экспорт-импорт операциялари устидан назорат қилиш бўлимлари ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасига

юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолатлар ва улар бўйича кўринган чоралар ҳақида ахборот тақдим этадилар.

Давлат божхона қўмитаси ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-кунигача кўрсатиб ўтилган ҳолатлар ва улар бўйича кўрилган чора-тадбирлар ҳақидаги йиғма ахборотни Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Валюта назорати бош бошқармасига юборади.

Божхона органлари, ваколатли банклар ва ТСОга уланган бошқа идоралар ўз ваколатлари доирасида тизимдаги мавжуд ахборотни рухсат берилмаган фойдаланишдан, маълумотларни бузишдан ёки ташқи савдо операцияларини амалга ошираётган ҳўжалик юритувчи субъектларга ёки давлатга зарар етказиш мумкин бўлган бошқа ҳатти-ҳаракатлардан ҳимоя қилиш учун зарур бўлган ташкилий ва техник чора-тадбирларни кўришлари керак.

Божхона органлари, ваколатли банклар ва ТСОдаги мавжуд маълумотлардан фойдаланиладиган бошқа идораларнинг раҳбарлари ва бошқа ходимлари мазкур маълумотларни ошкор қилиш, улардан шахсий мақсадларда ёки учинчи шахсларнинг манфаатлари йўлида фойдаланиш, шунингдек учинчи шахсларнинг маълумотларини олишга имконият яратиш, шу жумладан ахборотни ҳимоя қилишнинг белгиланган қоидаларини бузиш оқибатида имкон бериш ҳуқуқига эга бўлмайдилар.

ТСОдаги мавжуд ахборотни ҳимоя қилишнинг белгиланган қоидалари бузилганлиги, улардан ташқи савдо операцияларини амалга оширувчи ҳўжалик юритувчи субъектларга ёки давлатга

зарар етказилишига олиб келган шахсий мақсадларда ёки учинчи шахсларнинг манфаатлари йўлида фойдаланганлиги учун идораларнинг раҳбарлари ёки бошқа ходимлари қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

3.3. Ўзбекистон Республикасида ахборот технологияларини ривожланиши ва божхона тизимида қўлланилишини истиқболлари

Ўзбекистон Республикаси божхона тизимида ахборот технологияларини қўлланилишини истиқболлари хусусида иқтисодий таҳлил ўтказиш, башорат қилиш, алоқанинг ривожланишини лойиҳалаштириш, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари режаларини асослаб бериш, янги техникаларни тайёрлаш ва жорий қилиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш ва ҳоказоларда самарадорликни аниқлаш тармоқ ва унинг таркибидаги кичик тармоқларни ривожлантиришнинг тезлашган суръатларини асослаб бериш, ривожланишнинг энг самарали йўналишларини танлаб олиш, ишлаб чиқариш структураси ва бошқарув тизимини такомиллаштиришнинг асоси бўлиб хизмат қилиши, тармоқда самарадорликнинг ўсиши ва умуман ишлаб чиқаришнинг ўсишини рағбатлантириши лозим. Бу эса ишлаб чиқариш самарадорлигини аниқлаш услубиятига жиддий талаблар қўяди. Алоқа самарадорлигини баҳолашнинг асосида инфратузилманинг яхлит тармоғи сифатида алоқанинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ривожланган ижтимоий

ишлаб чиқариш самарадорлигини аниқлаш услубиятининг умумий тамойиллари ётади.

Ягона автоматлаштирилган ахборот тизимининг ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва уларни беришнинг технологик жараёнларини комплекс автоматлаштиришни, барча даражалардаги божхона органларининг ягона маълумотлар базасидан тезкор маълумот олишни таъминлашга, божхона назорати остидаги товарлар билан аниқ вақт кўламида содир этилаётган барча тартиб-қоидаларнинг мониторингини олиб боришга қаратилган ташкилий-функционал тузилмаси белгиланди. Яъни Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси лойиҳанинг буюртмачиси ҳисобланиши, «HetNet-Crown» компаниялар консорциуми (АҚШ) эса тендер асосида унинг бажарувчиси этиб белгиланганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси билан «HetNet-Crown» компаниялар консорциуми ўртасидаги фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш контрактининг чекланган қиймати 7,77 млн. АҚШ доллари эканлиги;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда «Даврхитект-қурилиш» қўмитаси билан келишган ҳолда лойиҳанинг 2-иловага мувофиқ асосий кўрсаткичлари билан биргаликда техник-иқтисодий ҳисоб-китоби тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин деб эътироф этилиб, белгилаб қуйилдики – импорт контракт қийматининг 1,17 млн АҚШ доллари миқдоридаги 15 фоизи Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг махсус жамғармаси маблағлари ҳисобига молиялаштирилади;

Импорт контракт қийматининг Эксимбанкнинг (АҚШ) суғурта мукофоти суммаси кўшилган 6,60 млн АҚШ доллари миқдоридаги 85 фоизи хорижий банкнинг маблағларини Эксимбанкнинг суғурта қопламаси остида қайта молиялаштириш йўли билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг кредити ҳисобига молиялаштирилади;

Асосий қарзни, ҳисобланган фоизларни, воситачилик тўловини ва хорижий кредитга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ молиявий бошқа харажатларни қайтариш қарз битимлари муддатлари ва шартларига мувофиқ, шунингдек лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасидаги харажатларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг махсус жамғармаси маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси:

Махсус жамғарманинг 2005 йилга ва кейинги йилларга харажатлари сметасини рўйхатдан ўтказишда ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишишда мазкур лойиҳани амалга ошириш учун зарур маблағларни назарда тутсин;

Жалб этилётган кредитга хизмат кўрсатиш учун кўрсатиб ўтилган жамғарма маблағларини Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банкида очилган махсус ҳисоб Рақамида устувор тартибда олдиндан тўлаб борсин.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки кўрсатиб ўтилган лойиҳани амалга ошириш учун хорижий банк билан белгиланган тартибда қарз битими тузсин ва хорижий

банк маблағлари Ўзбекистон Республикаси давлат божхона қўмитасига қайта молиялаштирилишини таъминласин.

Мазкур лойиҳани амалга ошириш доирасида хорижий банк, экспорт-кредит агентлиги ва суғурта компаниялари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тўлов манбаида даромад солиғи тўлашдан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирлиги мазкур лойиҳани белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига киритсин.

Ўзбекистон Республикаси давлат божхона қўмитасининг буюртманомалари бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги лойиҳани амалга оширишда қатнашадиган хорижий мутахассисларга кўп марталик визалар консулик йиғимлари ундирилмасдан белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги лойиҳани амалга оширишда қатнашадиган хорижий мутахассисларга давлат божлари ундирилмасдан кўп марталик визалар берилишини ва уларнинг муддати узайтирилишини, шунингдек улар яшаш жойида вақтинча рўйхатдан ўтказилишини ва вақтинча рўйхатдан ўтказиш муддати узайтирилишини таъминласин.³⁵

Ўзбекистон Республикаси ягона иқтисодий ахборот тизими шаклланишини ҳозирги ҳолати хусусида гапирадиган бўлсак қуйидагиларга эътибор беришимиз лозим бўлади, ҳозирги пайтда Ўзбекистонда 50 тадан ортиқ Интернет провайдери фаолият

³⁵ www.interpress.uz

кўрсатмоқда. Уларнинг аксарияти Тошкент шаҳрида жойлашган. Интернет ва бошқа алоқа воситаларини янада кенгайтириш, уни такомиллаштириш борасида Ўзбекистон Республикаси Президенти йил якунларида таъкидлаганларидек: “Иқтисодиётимиз ва жамиятимиз ҳаётида ахборот-коммуникация технологияларининг алоҳида ва муҳим ўрин тутишини ҳисобга олиб, 2013 йилда 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастури қабул қилинди. Ушбу дастур доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар 2014 йилда мамлакатимизда барча автомат телефон станцияларини рақамли тизимга ўтказишни якунлаш учун замин яратди. Бу эса халқаро ахборот тармоқларидан фойдаланиш тезлигини сезиларли даражада ошириш имконини берди.”³⁶

Бу Ўзбекистон аҳолисининг ярми Интернетга улангандир. Кўрсаткичнинг бу қадар юқорилигини компьютер савдохонлигининг юқорилиги, иш жойлари, компьютер техникаси билан етарли даражада жиҳозланганлик, шунингдек, шахсий компьютерлар ва Интернетга уланиш нарҳининг ҳам сабабли республика аҳолисининг катта қисмида Интернет тармоғига уланиш имкониятларининг чекланганмалиги билан изоҳлаш мумкин. Хозирда ушбу соҳага янги технологиялар, таълим ва тайёргарлик дастурлари ва асбоб-ускуналар бўйича малакали мутахассислар етишмаслиги кузатилмоқда. Интернет тармоғида

³⁶ Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи 18 январ 2015 йил.

Ўзбекистон ҳақида, унинг тарихи, ривожланиши, анъаналари, республикада яшовчи кишилар ҳақида маълумот жуда кам. Ўзбекистон ҳақидаги Web-саҳифалар сони ҳам жуда кам. Бироқ шунга қарамай, республикада Интернет жадал суръатлар билан ривожланмоқда.³⁷

Хозирда “Ахборот жамияти ўлчови” маълумотларига кўра дунёда 3.2 миллиард киши Интернетдан фойдаланиладилар.³⁸ Интернет хизматлари кўрсатувчи провайдерларни уч гуруҳга тақсимлаш мумкин. Бирламчи провайдерлар - Интернет тармоғига уланиш учун ўз хусусий каналига эга бўлган провайдерлар. Иккиламчи провайдерлар Интернетга уланиш каналини бирламчи провайдерлардан ижарага оладилар. Учинчи даражадаги провайдерлар эса иккиламчи провайдерлардан ижарага оладилар ёки уларнинг диллерларига айланадилар.

Ўзбекистон провайдерлар бозорида етакчи ролни «UzPAK» ахборот узатиш давлат тармоғи корхонаси ўйнайди. Бирламчи провайдерлар орасида етакчи ўринлардан бири айнан унга тегишли. Корхона «Искра» ҳукуматга тегишли тезкор ахборот узатиш тизими асосида шаклланган бўлиб, Ўзбекистон телекоммуникация бозорида 6 йилдан бери фаолият кўрсатмоқда. «UzPAK» бутун республика ҳудудида хизмат кўрсатади. Корхона ўз абонентларига ажратилган линиялар ва коммутацияланувчи портлар орқали хизмат кўрсатади, шунингдек, RadioEthernet тармоғи орқали уланиш имкониятини тақдим этади.³⁹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралда қабул қилган қарорига асосан «UzPAK»


³⁷ www.net.uz

³⁸ Народное слово, 7 января 2015 года.

Миллий ахборот узатиш тармоғини эксплуатация қилиш ва ривожлантириш бўйича Миллий оператор ҳисобланади (жумладан, Интернетни). Шундай қилиб, «UzPAK» мамлакатда Интернет халқаро каналларига бевосита чиқиш имкониятига эга бўлган ягона корхона ҳисобланади. Қолган провайдерлар халқаро тармоқларга фақат «UzPAK» орқали, унинг канлларини ижарага олиш йўли билан чиқишлари мумкин. Бироқ Интернет хизматлари таъминотчиси бўлган бошқа йирик компаниялар ҳам мавжуд. Биринчи навбатда бу «Найтов» компаниясидир. Мазкур компания республикамизда «Совам Телепорт» Россия-Америка провайдери ҳамкорлигида ташкил этилган. «Найтов» компанияси ўзининг ўтказиш тезлиги 3 Мбит/сек бўлган ер усти сунъий йўлдош станциясига эга бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг етакчи Интернет провайдери ҳисобланади (2-гистограмма).

2-гистограмма

2015 йилда Республиканинг ўзбек ва бошқа тиллардаги сайтлар сони



³⁹ СБХ №5 2014 йил феврал.

Шунингдек, 1996 йилда таъсис қилинган «Sarcor-Telecom» компанияси ҳам Интернет хизматлари кўрсатувчи энг йирик компаниялардан бири саналади. Компания ўз ишини тармоқ интегратори сифатида бошлаган ва Ўзбекистон учун янги бўлган RadioEthernet симсиз тармоқ технологияларини жорий этиш билан шуғулланган. 1999 йилда «Sarcor-Telecom» ахборот узатиш ва Интернет хизматлари кўрсатиш учун лицензия олиб, Интернет тармоғига корпоратив симсиз уланишга ихтисослашди. 2001 йилдан бошлаб мазкур компания Cisco Systems технологиялари асосида Интернетга коммутацияланувчи уланишни таъминламоқда. 2001 йилнинг июнида компания Хитойдан 1 Мбит/с сиғимли дастлабки оптик толали халқаро канални олди.⁴⁰ Бироқ бу канал 2000 дан ортиқ сайтга уланиш учун имкон бермайди. Буни Хитойнинг Интернетга бўлган муносабати ва давлат сиёсати билан изоҳлаш мумкин. Компания бу камчиликни «UzPAK» каналлари орқали тўлдирмоқда. Юқорида санаб ўтилган компаниялардан ташқари бирламчи провайдерлар қаторига, шунингдек, «Uzcхnet» ва «SITA» компанияларини ҳам қўшиш мумкин. Бироқ улар аҳолининг кенг қатламларига Интернет хизматларини тақдим эмайди. Шу сабабли Ўзбекистонда бирламчи провайдерлар бозори амалда «UzPAK» ва «Найтов» компаниялари орасида бўлиб олинган. Бу икки компания ушбу бозорнинг тахминан 80-85% қисмини назорат қилади ва республиканинг қарийб бутун ҳудудини қамраб олади. Иккиламчи провайдерлар орасида энг йириклари Альбатрос, TShTT, ТКТ

⁴⁰ www.infocom.uz / январ № 1, 2015 год.

(“Телекоммуникация тармоғи”), TPS («Technoprosystem»), ВСС (Ишбилармонлик алоқалари Маркази) саналади.

Републикада масофадан ўқитишни жорий қилиш учун ҳозирги кунда зарур телекоммуникация инфратузилмаси мавжуд. Ҳисоб-китобларга қараганда 10 миллионга яқин Ўзбекистон аҳолиси бугунда таълим соҳаси субъектлари ҳисобланади. Улар қаторига мактаб ўқувчилари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари, олий ўқув юртлари талабалари, ўқитувчилар, шунингдек, малака ошириш ва билимини оширишга эҳтиёж сезаётган мутахассисларни киритиш мумкин. Ҳар ОЎЮда масофадан ўқитиш дастури ишлаб чиқилган ва амалга оширилмоқда.

Бунинг устига ҳамма жойда масофадан ўқитишнинг жорий этилиши республика вилоятларида юқори малакали мутахассислар етишмаслигининг ўрнини босиши лозим. Талабалар ва ўқувчиларнинг электрон дарсликлардан фойдаланиши ўқув материалларини тез-тез янгилаб туришга имкон беради, босма китоб ва дарсликларга эҳтиёж камаяди, сифатли билим олиш учун узоқ мамлакатларга бориш керак бўлмай қолади. Бу ишларнинг барчасини 2002 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги ҳузурида ташкил этилган Ахборот технологиялари ва масофадан ўқитишни ривожлантириш Маркази мувофиқлаштириб боради.

Қисқача хулоса

Давлат божхона қўмитаси экспорт-импорт контрактларини ҳисобга олишни яхшилаш ва улар юзасидан мониторингни амалга оширишни такомиллаштириш борасида узлуксиз иш олиб бормокдлар. Божхона – банк валюта назоратининг самарадорлигини ошириш учун ДБК Ягона электрон ахборот тизимини такомиллаштиришни давом эттирмоқда, бу тизим аниқ бир вақтда барча зарур маълумотларни айирбош қилиш ва ташқи савдо контрактларининг бажарилиши мониторингини амалга ошириш имконини беради. Ҳозирги вақтда ягона электрон ахборот тизимини ривожлантиришнинг «Ягона электрон ахборот тизими маълумотлар базасига қўшиш учун бартер, аралаш ва биржа контрактлари дастурий таъминоти модулларини ишлаб чиқиш» деб номланган босқични бажарилиши ўрганилмоқда. Хориждаги божхона органларининг товарлар хатарли гуруҳларини аниқлаш тажрибасини ўрганиш ва жорий этишга ҳам катта эътибор берилмоқда.

Мустақил ишлаш ва ўз – ўзини назорат қилиш учун саволлар:

- 1.Ташқи савдо операциялари мониторингини амалга оширишда ахборот технологияларини қўллашни афзалликларини гапириб беринг?
- 2.Божхона тизимида компьютерлаштириш ва ахборот технологияларини жорий этишдаги муааммолар
- 3.Ташқи савдо операцияларини мониторинги қандай амалга оширилади?

- 4.Божхона хизматида қўлланиладиган замонавий ахборий дастурлар.
- 5.Электрон рақамли имзонинг афзалликлари.
- 5.Электрон декларациялашни ўзига хос хусусиятлари.
- 6.Электрон бошқарув деганда нимани тушунаси?

Тавсия этилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов томонидан 2015 йил 17 январдаги Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи 18 январь 2015 йил

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи 18 январь 2014 йил.

3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги 30 май 2002 йилдаги ПФ. 3080 – сонли фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 11 июл «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига истеъмол товарларини олиб

келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги ПФ-3105 сонли Фармони ва ушбу Фармонга 2002 йил 6 ноябрдаги ПФ-3159 сонли қўшимча Фармон.

5. «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот – коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. «Халқ сўзи» газетаси, 2002 йил, 6 июнь.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 31 июлдаги 393-сонли «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалари ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали олиб кириш, олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тўғрисида»ги Қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитаси фаолиятини ташкил этиш масаллари тўғрисида»ги 30 июль 1997 й. 974 – сон қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона Қўмитасини ташкил қилиш тўғрисида»ги 1997 йил 8 июлдаги ПФ-1815 Фармони.

9. «Ахборот технология соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори «Халқ сўзи» газетаси, 2005 йил, 3 июн.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси давлат божхона қўмитасининг ягона автоматлаштирилган ахборот тизимини ташкил этиш тўғрисида»ги 28 сентябрь 2004 йилдаги 450 – сон қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги 30 май 2002 йилдаги ПФ. 3080 – сонли фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 11 июл «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига истеъмол товарларини олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги ПФ-3105 сонли Фармони ва ушбу Фармонга 2002 йил 6 ноябрдаги ПФ-3159 сонли қўшимча Фармон.

13. «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот –коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. «Халқ сўзи» газетаси, 2002 йил, 6 июнь.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 31 июлдаги 393-сонли «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалари ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали олиб кириш, олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тўғрисида»ги Қарори.

IV-бoб. КОНТРАБАНДА ВА БОЖХОНА ҚОИДАЛАРИНИ БУЗИЛИШИГА ҚАРШИ КУРАШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

4.1. Контрабанда ва божхона қоида бузарлигига қарши курашишда божхона назоратида қўлланилаётган техник воситаларнинг тутган ўрни

Ўзбекистон Республикаси дунёдаги кўпгина давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини урнатмокда, миллий иктисодиётни ривожлантириш ҳамда уни жаҳон хужалиги иктисодиётига интеграллашувини жадаллаштириш бўйича кўпгина чора тадбирларни амалга оширмокда. Мамлакатимиз иктисодий хавфсизлигини таъминлаш, аҳолини соғлигига зиён етказувчи сифати паст истеъмолга яроксиз товарларни кириб келишини олдини олиш, контрабанда ва божхона қоида бузарлигига қарши курашишни такомиллаштириш чора тадбирлари изчил амалга оширилмокда.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари олдида божхона ҳақидаги конун ҳужжатларини бузилиши билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларга ва контрабанда жиноятига қарши кураш энг долзарб вазифалардан бири бўлиб турибди.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси Бирлашган миллатлар ташкилотига тенг ҳуқуқли аъзо бўлгандан сунг кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислom Каримов ва ҳукуматимиз томонидан божхонага катта эътибор берилиб, божхона тизими ва моддий таъминот базаси кучайтирилди.

Мамлакатимизда ахборот технологиялари ва моддий техник база тизимини жорий килган ҳолда контрабанда ва божхона қоида бузарлигини олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида божхона билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда халқаро ташкилотлар билан бирга кўпгина ишларни амалга оширмоқда.

Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш назорат ва алоқа техник воситаларини модернизациялаштирмасдан амалга оширилмайди. Замонавий техника ютуқларни божхона амалиётига жорий этиш Давлат божхона қўмитасининг энг муҳим стратегик вазифаларидан бири ҳисобланади. Фақат охирги йилнинг ўзидагина ҳудудий органларни ренген аппаратураси, наркотик моддаларни идентификациялаш воситалари ва радиацион назорат, автомобиль торозилари, мураккаб кузатув оптикasi каби техник воситаларининг кенг доираси билан таъминлашда сезиларли ўзгаришлар юз берди.

90 – йиллар аввалида Ўзбекистон божхона хизматида бор йуғи юзтадан ортиқ шахсий компьютер, техник назорат воситалари эса бир неча эскирган Хайменлардан иборат бўлган. Ҳозирги кунда Heimann немис фирмасининг “HI-SCAN” инспекцион кузатув мажмуалари божхона текшируви таомилларини утказишда зарур техник ёрдамчи сифатида аввалгиларидан анча фарқ қилади.⁴¹ Улардан аэропортлар, темир йул вокзаллари ёки автотрассалардаги давлат чегараларини кесиб утадиган барча пунктларда фойдаланилади. Уларнинг асосини юк ва багажларни таркибини

⁴¹ СБХ №3 (495) 2014 йил 16 январ

уларни очмасдан туриб ута аникликда белгилаб бера оладиган ренген курилмаси ташкил этади. Хусусан курилманинг рангли мониторида турли предметлар сифат тавсифларига кура уч хил рангда ёритиб берилади. Масалан, органик моддалар Еркин кизил рангда, метал буюмлар – хаворанг, шу жумладан пластмассада ясалган буюмлар-яшил рангда куринади. Бирон бир буюм канчалик кўп жой олган булса ранг шунчалик туклашади, бир хил турдаги маҳсулот жойланган булса, мониторда кора ранг пайдо бўлади. Бу техник воситанинг қўлланилиши декларацияланмаган ёки нотўғри декларацияланган товарларни топишга, куздан кечириладиган юк автомобиллари ва контейнерлар кўламининг кўпайишига имкон яратади. Товарлар ва транспорт воситаларининг божхонада расмийлаштирилиши ва божхона назорати таомилларини соддалаштиради ва тезлаштиради. Ўз хусусиятига кўра “HI-SCAN” назорат курик мажмуалари божхоначиларга текшириладиган объект у юк автомобили бўладими, контейнер ёки катта хажмдаги юк бўладими ичидагиси кузатув ҳужжатларида кўрсатилганига мувофиқми-йуклигини аниклашда ёрдам беради. Бундан ташқари гиёхвандлик воситалари, портловчи мода, қурол яроғ, ўқ-дори каби контрабанда объектларини аниклаш шунингдек хуфия жойларни топиш имконини беради чунки мажмуанинг кузлари 200 миллиметрча қалинликдаги пўлат ортига яширилган нарсани ҳам кўра олади.

АҚШнинг собиқ давлат котиби Мадлен Олбрайт ўзининг Ўзбекистонга ташрифи жараёнида мамлакат божхона хизмати фаолияти билан танишди ва у наркотиклар, радиацион моддалар,

курол-яроғ контрабандасига қарши кураш натижаларини юксак баҳолаб, божхона органларига 50 га яқин турли хил техник воситаларни совға қилди.⁴²

Радиоактив материалларни ноқонуний олиб ўтилишининг олдини олиш учун «Тошкент-Аэро», Фишткўприк (Тошкент вилояти), «Айритом ва Сариосиё» (Сурхондарё вилояти), «Олот» (Бухоро вилояти) божхона мажмуалари каби Ўзбекистоннинг йирик божхона объектлари радиацион назоратнинг замонавий тизимлари билан жиҳозланган. Бу ерда «Янтарь» турғун мажмуаларидан фойдаланилади. Улар божхона органлари ходимларига радиоактив материалларни ноқонуний олиб ўтиш аниқланганда тезкор ҳаракат қилиш ва зарур чораларни қўллаш имконини беради.

Кўтариб юрса бўладиган, алоҳида ва шу жихати билан фойдаланиш учун осон, турган ускуналар йўқотиш жойида қўл келадиган мўжаз асбоблар- “Spectrometr” портатив радиация детекторлари ҳам жуда қулайдир. Уларнинг ёрдамида ҳатто энг кам миқдордаги радиоактив моддалар борлигини аниқлаш мумкин. Ҳажми сигарет қутисидай келадиган, камарга осиб юриш мумкин бўлган радиацион пейзажлар ҳам фойдаланиш учун қулай ва самарадорли.

Махсус техник идентификациялаш воситалари, масалан «ITEMISER» детекторлари катта аҳамиятга эга. Улар хусусан героин, кокаин, циклотриметилентринитрамин, пентаэритритетранитрат, тринитротолуол, динамит, семтекс ва

⁴² СБХ №5 2014 йил феврал. 3 бет.

ҳаказо ажал ташувчи воситаларнинг 40 тага яқин турини аниқлаб бера олади. Наркотиклар турини аниқлаш учун тезкор таҳлиллар ва тестлар ўтказишда божхона эксперт лабораториялари томонидан кенг фойдаланиладиган “NIK” ва “BESTON DIKINSON” реактивларининг ўрни беқиёс. Контрабанда ва жумладан, энг кутилмаган жойларга яширилган хавфли моддаларни аниқлашда божхоначилар сезгирлигига “BUSTER-2” асбоби ажойиб қўшимча ҳисобланади. Яна бир асбоб божхоначилар эътиборига сазовор бўлган. Бу икки томонларни қўриш учун қаттиқ ва ярим қаттиқ эндоскоплардир, улар автомобиллар ва темир йўл транспортини текширишда қўлланилади. У автотранспорт ғилдираклари ва бошқа ғовак жойларида ноқонуний олиб ўтилаётган товарни аниқлаш имконини берадиган ўзига хос сканер. Божхоначилар томонидан фойдаланиладиган асбоб ускуналар ичида ултратовуш ташхиси асбоблари. Улар ёрдамида бензобакларнинг катталиги ва тўлалиги аниқланади, шунингдек, автомашиналар, ҳаракатдаги темир йўл составлари кузовларини йиғиш ва сочиш инструментал тўпламлари бор.

Чегарадаги туманларда рейдлар ўтказишда, ҳар турли айланма йўллар сўқмоқларда текширишлар ўтказилганда, бундай портатив алоқа воситалари, тунда қуриш асбоблари керакли.

Божхона органларининг моддий-техникавий базасини, шу жумладан божхона атрофи инфраструктурасини ривожлантириш божхона органларини ривожлантириш махсус жамғармаси ҳамда ҳомий ва хўжалик юритувчи субъектлар маблағларини жалб қилиш ҳисобига амалга оширилиши назарда тутилмоқда.

Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида тузилган, Наркотиклар билан боғлиқ биргаликдаги ҳаракатлар тўғрисидаги ҳукуматлараро битим доирасида АҚШ ҳукумати республика божхона хизматида техник ёрдам берди. У 2 млн АҚШ долларида ортиқ суммада техник ускуналар, шу жумладан бахайбат юкларни кўрикдан ўтказиш учун портал мониторлар, 9 та “Жип” автомобили, кўрикдан ўтказиш ускунаси, радиостанциялар, наркотикларни аниқлаш учун тестлар, юкни кўрикдан ўтказиш учун рентген аппаратураси ва ҳоказоларни тақдим этди. Шу жумладан турли техник воситалар ва ускуналар энг замонавий кўрикдан ўтказиш мажмуалари тақдим этилган. Бу техник воситалар контрабанда товарларини ноқонуний айланишига тўсиқ қўйган ҳолда миллий хавфсизлигимиз таъминланади.

Божхона лабораторияси-божхона тизимининг ажралмас бир бўлаги. Божхона экспертизасини ўтказиш ҳозирги даврда божхона лабораторияларидан мамлакат иқтисоди учун ўта зарур бўлган товарларни идентификациялаш ва уларни назорат қилиш соҳасида фаол катнашишни талаб қилади.

Амалга ошириш лозим бўлган вазифалар бизнингча қуйидагилардир:

- божхона экспертизасини янада такомиллаштириш, божхона экспертизаси ўтказишнинг янги усул ва воситаларини ишлаб чиқиш ва мавжудларини эса такомиллаштириш, ҳамда божхона ишидаги жиноят ва қонунбузарликларни олдини олишни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

- замонавий фан ва амалиёт ютуқларидан фойдаланиб божхона экспертизасини ривожлантиришнинг илмий асосланган истиқболини аниқлаш ҳамда унинг усули ва воситаларини ривожлантириш йўналишларини ишлаб чиқиш;

- божхона лабораториясининг экспресс таҳлиллар учун аналитик қурилмалар ва асбоб-ускуналар билан техник жиҳозлашни янада ривожлантириш;

- экспертиза ва тадқиқотларнинг услубий базасини шакллантириш, божхона иши манфаатлари йўлида фойдаланиш учун услубий қўлланма ва йўриқномалар ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

- эксперт тадқиқотларининг сифати ва самарадорлигини яхшилаш ва фойдаланиш мақсадида фан ва техниканинг турли соҳаларида эришилган энг янги ютуқларни таҳлил қилиш ва тизимлаштириш;

- божхона лабораторияси ходимларининг хорижий давлатларда ўтказиладиган илмий-услубий йиғилиш ва конференцияларда қатнашишларини ташкиллаштириш;

- айрим турдаги товарларни ТИФ ТН бўйича классификациялашда дуч келинадиган мураккаб ҳолларда ягона фикр яратиш мақсадида Бутунжаҳон божхона ташкилоти билан уйғунлашган тизим бўйича ишчи алоқаларни янада ривожлантириш.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона органларини контрабанда ва божхона қоидаларини бузилишига қарши курашда

мамлакатимиз ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари билан ҳамкорликда олиб бораётган чора-тадбирлари яхши натижалар бераяпти.

2005 йилда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи сифатида божхонанинг роли анчагина ошди. Президентимиз ва республика ҳукумати томонидан қўйилган Ўзбекистоннинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишга оид вазифаларнинг бажарилишида унинг улуши салмоқли бўлди. Бунга божхонага тегишли бўлинмаларининг тезкор-кидирув фаолиятини тартиблаштириб берувчи меъёрий-ҳуқуқий базанинг такомиллаштирилиши ҳам кўп даражада имкон яратди. Шу муносабат билан таъкидлаш жоизки, божхона тушумларининг ўсиши божхона органлари фискал вазифаларини такомиллаштириш билан бир қаторда товарларни контрабанда йўли билан олиб ўтиш ва божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишига қарши курашни кучайтириш, товарларни декларация қилмаслик ёки тўғри декларация қилмаслик йўли билан, хусусан, товарларнинг божхона қийматини, оғирлигини камайтириб кўрсатиш, товар туркумларининг келиб чиқиш мамлакатини ўзгартириш ва ҳоказо йўللар билан божхона тўловларини тўлашдан қочиш фактларини аниқлашга оид самарали ишлар билан ифодаланади.

4.2. Ўзбекистон Республикаси контрабанда ва божхона қоида бузарлигига қарши курашишда ахборот технологияларини жорий этиш чора тадбирлари

Божхона органларининг ахборот технологияларининг жорий этиш республика ҳукумати амалга ошираётган ягона дастурнинг бир қисми эканлигини таъкидлаш зарур. Ҳукумат миллий ахборот –

теллекоммуникация инфратузилмасини ривожлантиришга ва уни халқаро ахборот тармоғига интеграциялашга жуда катта эътибор бермоқда. Республика Олий Мажлиси «Ахборотлаштириш тўғрисида» ва «электрон рақамли имзо тўғрисида»ги қонунлари «Электрон тижорат тўғрисида», «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги қонунлари қабул қилинди. Моҳиятан бу ҳужжатлар президентнинг 2002 йил 30 майдаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги⁴³ ПФ – 3080 – сон фармони билан асос солинган ишнинг мантикий давомидир, бу фармон билан мамлакатимизда мазкур фармон тармоқни ривожлантиришга асос солинган эди. Яқинда Тошкентда бўлиб ўтган «Электрон ҳукумат» ахборот жамияти йўлидаги ҳаракат «Халқаро конференция»си Ўзбекистоннинг ахборот технологияларини ривожлантиришга қўшган хиссаси бўлди

Контрабанда ва божхона қоида бузарлигига қарши курашиш бўйича тажриба ошириш мақсадида ходимлар ўқитилмоқда. Бутун божхона тизимида ягона автоматлаштирилган тизим қулайликлари шундаки: жойлардан керакли ахборот олиш унуми кўпаяди, вақт тежалади, харажат камаяди, ва шунга ўхшаш қулайликларни яратади. Бундан ташқари контрабанда ва божхона қоидаларини бузган шахсларни ушлашда хатарлар таҳлил қилинади, ундан химояланиш йўллари ва қарши курашишда керакли ускуналардан фойдаланиш, ёрдамчи гуруҳларни ишга жалб этиш учун ЯААТни ролини ошириш керак.

⁴³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот – коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги фармони. Халқ сўзи 2002 й. 1 июль № 116.

Божхонада катта ўзгаришлар бўлиши аник. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек ТСОЯЭАТ ни жорий этиш божхона органларининг автоматлаштирилган яхлит дастурининг фақат бир кисми бўлиб уни амалга оширишга бир неча йил ажратилган. Ушбу лойиха ўзаро боғлиқ вазифаларнинг уч туркумини хал этиши керак: янги божхона кодексини ва қайта кўриб чиқилган Киото конвенциясига бош илова талабларини ҳисобга олган ҳолда меъёрий – конунчилик базасини такомиллаштириш, божхона омиллари, ахборот технологиялар.

Қандай ўзгаришлар кутилади, биринчидан, товарлар, транспорт воситалари ва ТИФ иштирокчилари тўғрисида ахборот манбалари доираси кенгаяди. Иккинчидан, зарур маълумотларни айти керак бўлганда божхона расмийлаштирувчи пайтида олиш мумкин бўлади. Нихоят ҳужжатлар қоғозда эмас, балки электрон кўринишда тақдим этилади. Буларнинг ҳаммаси товар айланмасини тезлаштириш, амалда куриқдан утказиладиган, юклар микдорини, ундирилган туловлар ҳажмини кўпайтириш имконини беради. Истикболда божхона расмийлаштирувчи технологияси қуйидаги кўринишга эга бўлади: ҳужжатларнинг автоматик қабули ва текширилиши, товарларнинг автоматик сараланиши сўнгра хатарлар таҳлили ва қарорлар қабул қилиниши. Ана шу таомилларни барпо этишда, шубҳасиз, ДБКнинг барча амалий бошқармалари жалб этилади. Хатарлар таҳлили ва уларни бартараф этиш, товарлар ишлаб чиқиш ва божхонадан кейинги аудитдан сўнг назоратни кучайтириш, транзит юклар мониторинги тизимини жорий этиш тизими асосида танлаб божхона назоратидан ўтказиш

алгоритмини ишлаб чиқариш зарурлиги шубҳасиз. Айтмоқчи, назорат вазифаларининг ушбу жиҳатлари божхона ҳамкорлиги қўмитаси ишчи гуруҳларнинг Олмаота шаҳрида ўтказилган биринчи учрашувида мақулланган умумий ҳаракатлар режасининг институционал тадбирларда яхши акс эттирилган. Шу тариқа хизматни ахборотлаштириш даражасини ошириш, божхона назоратини ташкил этиш билан боғлиқ янги ахборот технологияларни жорий этиш даврининг қатъий талабидир.


Шунга кўра биз контрабандага қарши кураш билан шуғулланувчи ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида таҳлилий ишларни ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқишимиз мумкин. Давлатнинг контрабандага қарши сиёсати фаол эканлигини, бу борада олинган натижалар ҳамда амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлиги юқори эканлигини кўрсатади.

Ўзининг келиб чиқиш жиҳатидан контрабанда муаммоси чуқур ижтимоий илдизларга эга бўлиб, ўз навбатида давлатнинг иқтисодий, сиёсий, маданий характердаги салбий детерминантларни бартараф қилиш, ҳамда ноқонуний талаб ва таклифини қисқартириш вазифаларини ҳал қилаётган пайтда, бу иллат жамиятнинг изчил ривожланиши натижасида вужудга келмоқда. Шу билан бирга, контрабандага қарши курашни тўғри ва моҳирона ташкил этиш маълум маънода вазиятнинг ўткирлашувини тўхтатиб турувчи омил бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Кузатувлар шундан далолат берадики ҳозирги пайтда гиёҳванд воситаларинин ноқонуний муомаласи, яъни контрабандаси сезиларли даражада кўпайгандир. Давлат контрабанда ва гиёҳвандлик воситалари устидан назорат қўмитаси тузилгандан сўнг, ҳозирги пайтда гиёҳвандлик воситалари ноқонуний муомаласининг ҳолати ва гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ жиноятларга қарши курашувчи субъектлар сони ва уларнинг штати ўртасида бир хилликка эришилганлик ҳақида гапириш мумкин.

Ҳозирда бу борада вазиятнинг сезиларли даражада яхшиланишига олиб келганини кўриш мумкин. Бунинг асосий сабабларидан бири, бизнингча, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида таҳлилий фаолиятни ташкил этиш даражасининг юқори эканлигидир.

Бу соҳада ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан ўз вазифа ва функцияларини муваффақиятли амалга ошириш кўп жиҳатдан таҳлилий ишларнинг тўғри қўйилишига боғлиқдир. Таҳлилий ишлар гиёҳвандлик воситалари ноқонуний муомаласига қарши курашни кучайтириш, мавжуд куч ва воситалардан оқилона фойдаланиш, мос келувчи ҳуқуқий ва ташкилий қарорларни қабул қилиш манбаси бўлиб хизмат қилмоқда.




3-расм. Ахборотнинг ўтиш йўли

«Таҳлилий иш», «таҳлилий фаолият» тушунчалари «таҳлил» атамасидан келиб чиққан.

Таҳлилий ишларни умумий тушунчаси: мақсадлар, йўналишлар ва вазифалардир. Ҳар қандай таҳлилий иш бирон-бир мақсадда амалга оширилади. Ахборот олишдан тортиб то қарор қабул қилишгача бўлган жараёниги схема шаклида қуйидагича акс эттириш мумкин.


Илмий фаолиятда «таҳлил» атамаси универсал умумилмий усул сифатида кўриб чиқилади. Таҳлил бошқа бир умумилмий усул – синтез билан узвий боғлиқ бўлиб, унинг ёрдамида таҳлил натижаларини умумлаштириш ва тартибга солиш рўй беради. Таҳлилий фаолият кенг маънода янги билим натижаларни олиш усули сифатида инсоннинг нафақат илмий, балки бошқа барча фаолият турларига хосдир. Таҳлилий фаолият қуйидаги босқичларни қамраб олади:

- ахборот тўплаш;
- тушуниш;
- объект ва алоқаларни ажратиш;
- алоқалар релевантлигини аниқлаш;
- таҳлил қилиш;
- натижаларни мос келувчи шаклда расмийлаштириш;
- истёъмолчига етказиш.



4-расм. Ахборотнинг ўтиш йўли

Умуман бу жараён куйидаги кўринишга эга. Ахборот қанчалик кўп тўпланса, уни таҳлил қилиш ва қарор қабул қилиш самарадорлиги шунчалик юқори бўлади. Бу таҳлилчининг ишига ишонч ва бундай мутахассисларга эҳтиёжни оширади, натижада иш ҳажми ҳам ортади. Бошқача қилиб айтганда, юқори малакали таҳлилчилар ўз муваффақиятининг гаровига айланади.



5-расм. Таҳлилчининг иши самарадорлиги ва эҳтиёжлар ўртасида фарқ

Тор маънода таҳлилий ишлар бирон-бир ҳодиса ва жараёнларнинг қонуниятларини, давлат, жамият, хусусий ташкилот ва муассасалари, кишилар уюшмаси ва бутун жамият фаолияти тури ва йўналишларини ўрганиш, тадқиқ этиш учун махсус ажратилган (ваколатли) субъектлар фаолиятини англатади. Таҳлилий ишлар кенг доирадаги ахборотларни олиш ва ўрганиш

билан узвий боғлиқ. *Ахборот таъминоти* ва таҳлилий ишларнинг бир-бири билан узвий ва чамбарчас боғлиқ эканлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ, албатта. Таҳлил билан шуғулланувчи субъект доимо ахборотга муҳтожлик сезади. Бошқа томондан эса, исталган соҳада амалий фаолият кўрсатувчи субъект, қоидага кўра, оддий ахборот таъминотидан ташқари, уни интерпретациялаш, яъни таҳлилий ўзгартиришга эҳтиёж сезади.

Ахборот таъминоти ва таҳлилий ишлар ўртасидаги асосий фарқ шундаки, ахборот таъминотининг мақсади амалий фаолият субъектини унинг олдида турган муайян вазифаларни ҳал қилишга имкон берувчи ахборот билан таъминлаш билан боғлиқ. Бу ахборот таъсир кўрсатиш объектлари, мақсадга эришишнинг илгари маълум бўлмаган усуллари ҳақидаги маълумотлардан иборат бўлиши мумкин.

Шунингдек, таҳлилий ишлар ҳам амалий фаолиятга йўналтирилган объект ва жараёнлар ҳақида фикрлашни қамраб олади. Бу амалиётчига субъектнинг фаолияти, шунингдек, атроф-муҳит билан ўзаро алоқалари бўйича тўлиқ таъсир кўрсатувчи ҳодиса ҳақида объектив фикрлашга имкон беради.

Ахборот ишлари билан биргаликда таҳлилий ишлар бошқарув фаолияти билан ҳам чамбарчас боғлиқ, лекин бу ерда таҳлилий ишларни бошқарув фаолияти билан айнан ўхшатиш ва уларнинг бирини иккинчисини таркибий қисми деб кўрсатиш нотўғри бўлар эди⁴⁴.

⁴⁴ Основы управления в органах внутренних дел: Учебник. — М.: Московская академия МВД России, Щит-М., 2010. С. 135.

Таҳлилий ишларнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:


- амалий фаолиятга йўналтирилган ҳодиса, жараён ва объектлар таҳлили;
- ушбу ҳодиса, жараён ва объектлар ҳақида янги маълумотларни аниқлаш;
- амалиётга қизиқтирувчи ҳодиса, жараён ва объектларнинг ривожланиш тенденцияларини белгилаш;
- кишиларнинг турли соҳалардаги амалий фаолиятини, уларнинг ўзаро алоқаларини таҳлил қилиш ҳамда ушбу фаолиятни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ноқонуний муомаласига қарши кураш бўйича таҳлилий ишлар тамойилларига эътибор берадиган бўлсак қуйидагиларни кўришимиз мумкин.

Мазкур босқичда индуктив мантиқ усулларида фойдаланган ҳолда таҳлилчи ўз хулосаларини шакллантирувчи асосларни яратади.

Таҳлилий жараён таҳлилчини айна пайтда мавжуд ахборотга асосланган аниқ ва тўғри хулосаларга олиб келувчи маълум бир босқичлар кетма-кетлигини ифодалайди. Ҳар бир босқичда ходим маълум бир функцияларни бажаради, жараённинг ўзи эса таркибий қисмларини мураккаб тузилмага бирлаштирилган яхлит тизим сифатида ифодалайди.

Жараённинг дастлабки босқичларида ахборотни тўплаш, баҳолаш ва тартибга солиш амалга оширилади.




6-расм. Таҳлил жараёни алгоритми⁴⁵

Жараённинг таҳлилий қисми зарур маълумотларни ажратиб олиш ҳамда таҳлилчига уларнинг маъноси ва вазифаларини тушунишга имкон берувчи шаклда расмийлаштиришдан бошланади. Бу босқич маълумотларни тавсифлаш деб номланиб,

етишмаётган ахборотни аниқлашдан ташқари уни келгусида тўплаш ва қидириш йўналишларини аниқлашга имкон беради.

Мантиқий фикрлаш бу — ҳар бир таҳлилчи учун зарур бўлган хусусиятдир. У таклиф этувчи версиялар маълумотларни тўплаш, баҳолаш ва тавсифлаш циклини қайтариш (эҳтимол бир неча марта), шунингдек, индуктив мантиқий мулоҳазалар воситасида текширилади. Бу циклни ҳар бир такрорлашдан сўнг тадқиқ этилаётган масалалар доираси таклиф этилган ғояларни тасдиқлаш ёки инкор қилиш учун зарур бўлган муайян ахборот турлари атрофида торайиб боради. Бунда мулоҳазалар занжирида



7-расм. Ахборотни йўналтирган ҳолда излаш

боғловчи бўғинга айланиши мумкин бўлган етишмаётган ахборот аниқланади. Маълумотлар доираси кенгайиб, таҳлил жараёнида яна тораяди ва бу бир неча марта давом этади. Охир-оқибатда бу ахборотнинг маъносини аниқлаштириш, яширин алоқаларни очиш ва келгуси хулосаларни ишонч билан асослаш мумкин бўлган хулосаларни шакллантириш имкониятини аниқлашга олиб келади.

⁴⁵ Противодействие незаконному обороту наркотических средств и психотропных веществ. Учебно-методическое пособие. — М.: Издательство «Цит -М» - стр.902. 2014.

Ахборот таъминоти — таҳлилий фаолиятнинг асоси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти натижалари асосида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар ноқонуний муомаласи ҳолатини тавсифловчи ахборот базаси ҳисобланади; бу базанинг қолган барча элементлари ушбу асоссиз таҳлилий ишлар учун етарли эмас;

ахборотнинг тўлиқлиги — ахборотнинг тўлиқлигини талаб қилиш таҳлилчини таҳлилий фаолият предмети таҳлил қилиш, ортиқча, кераксиз ахборотни («ахборот шовқини») чиқариб ташлаш учун зарур ахборот билан таъминлашни англатади; бу умумий ахборот оқимидан гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар ноқонуний муомаласи соҳасидаги жиноятларга тааллуқли зарур ахборотларни ажратиш усуллари ва танлаб олиш мезонларини аниқлашни назарда тутди. Ахборотнинг тўлиқлигини таъминлаш унинг яширинлигини юқорилиги, шунингдек, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар ноқонуний муомаласи ҳақида маълумотлар банкига эга кўп сонли субъектларнинг мавжудлиги туфайли мураккаблашади, чунки булар инобатга олинмаса ахборот тўлиқлиги таъминланмайди;

ахборотнинг ишончлилиги — келиб тушаётган ахборотларнинг ҳақиқий аҳвол ва реал воқеликка мослиги. Шу сабабли ижтимоий ва криминологик тадқиқотлар, турли сўров натижаларига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиши зарур. Улар асосида таҳлил қилишдан аввал ўтказилган тадқиқотлар услубиятининг тўғрилигини текшириб кўриш зарур. Тезкор

манбалардан келиб тушувчи ахборотларни ҳам пухта текшириш зарур;

ҳар томонламалик — ҳеч бир ўрганиш объектини бошқа ҳолатлардан алоҳида, бевосита таҳлил объектининг ички ва ташқи алоқаларини очиб бермасдан кўриб чиқиш мумкин эмас ва бу объект, субъект ва муҳитнинг органик бирлигидан келиб чиқади. Масалан, у ёки бу жиноятнинг ўзини таҳлил қилиш билан чекланишда, унга таъсир кўрсатувчи сабаб ва омилларни эътиборга олмаслик мумкин, бу эса мақсадга мувофиқ эмас;

объективлик — таҳлил реал криминологик тавсифномаларга, муайян ҳудуд ва вақтга асосланиши ҳамда бутун минтақа, мамлакат ва дунё миқёсидаги умумий тасаввурларга мослаштирилмаслиги лозим;

оммавийлик — катта ҳажмда бошланғич материалларга мурожаат қилиш зарурати мавжуд бўлиши ва статистик маълумотларни таҳлил қилишни ўз ичига олади;

илмийлик ва муайянлик: илмийлик — илмий фикрлаш ютуқлари, энг янги атама ва тушунчалардан фойдаланиш, таҳлилий ишларга илмий таҳлил кўникмасига эга бўлган ходимларни жалб қилиш, бу кўникмаларга ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари илмий ва таълим муассасаларида ўқитиш; муайянлик — ҳақиқат доимо муайян бўлади. Шу билан бирга муайянлик объектнинг кўрсатилган хусусиятларини тавсифлаш учун маълум бир шаклий-белгили тил тизимини, жиноятчиликни ўрганиш тажрибасини кўзда тутади.

Бунда илмий таҳлил турларидан бири сифатида махсус лексика, ўзига хос услуб, баён қилиш усули, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти билан боғлиқ ҳолатларни тавсифловчи махсус атамалардан фойдаланишни назарда тутувчи таҳлилий фаолиятда қўлланувчи тилни ҳисобга олиш зарур. Буларнинг барчаси фойдаланувчига тушунча ва атамаларнинг расмий талқинига мос келиши; тушунча ва атамаларнинг кўп маъноли бўлмаслиги; илмий бўлмаган ёки етарлича асосланмаган ва юридик жиҳатдан тасдиқланмаган атамаларни (масалан, «наркотизм», «психоактив моддалар») чиқариб ташлаш; таҳлил натижаларини баён қилишда қатъий мантиқийлик билан боғлиқ талабларнинг бажарилишини кўзда тутати.

Ушбу талабни эътиборга олмаслик у ёки бу атаманинг нотўғри талқин қилинишига сабаб бўлади, бу эса таҳлилий ишларда атамаларга оид хатоларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Шунини қайд этиб ўтиш керакки, таҳлилнинг абстракт, ноаниқ натижалари ҳар доим янглишиш ва катта хатоларга олиб келади;

профессионаллик — таҳлилий ишларда таҳлил қилинаётган фаолият соҳасида амалий иш тажрибасига, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар ноқонуний муомаласига қарши курашда амалий фаолият тажрибасига эга ходимлардан фойдаланиш; таҳлилий бўлинмалар ходимларини вақти-вақти билан тезкор-қидирув, тезкор-профилактика ва бошқа тезкор-хизмат тадбирлари ўтказишда қатнашиш йўли билан стажировкадан ўтказиш;

автоматлаштириш — албатта замонавий таҳлилий фаолиятни махсус талабларга бўйсунувчи расмий ва норасмий тиллардан фойдаланувчи автоматлаштирилган ахборот тизимларисиз тасаввур қилиш қийин;

амалга оширилувчанлик ва рационаллик — бирон-бир режа ва ғояни амалга ошириш, ўтказилаётган таҳлилни кутилишини ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти учун зарур тадбир сифатида режалаштирилганлигини назарда тутати.

Бир қатор ҳолларда таҳлил натижалари уларнинг фойдалилигига қарамай, турли сабабларга кўра амалга оширилмаслиги мумкин бўлиб, бу охир-оқибатда уларни олиш билан боғлиқ жараёнларга салбий таъсир кўрсатмаслиги лозим. Бундай ҳолларда уларни кейинчалик қўллаш учун мос келувчи ҳисобларда бир тизимга келтириш керак.

Таҳлилий ишлар бу соҳада жинойтчиликка қарши кураш вазифаларини ҳал қилиш, уларнинг сабаблари, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар ноқонуний муомаласига қарши кураш борасида давлат сиёсатини такомиллаштиришда долзарб бўлмаган хулоса ва ҳужжатлар олишнинг ўзи учунгина ўтказилмаслиги зарур. Айрим ҳолларда таҳлил натижалари мазмунининг долзарблигини қисман ёки тўлиқ йўқолишга олиб келиши мумкин бўлган битта омилни ортиқча сарфлаш ҳам рационалликнинг пасайишига олиб келиши мумкин;

самарадорлик — бирон-бир ҳаракатлар натижасида маълум бир оқибатларнинг вужудга келишидан иборат бўлиб, таҳлилий фаолият натижалари ва бошқа натижаларини (масалан, у ёки бу

тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш харажатларини қисқартириш, тезкор-қидирув фаолият воситаларини тайёрлаш ва б.) қўллаш оқибати сифатида ижобий сифат ўзгаришларида намоён бўлади; самарадорлик шунингдек, миқдор кўрсаткичларида ҳам (масалан, жиноятларни аниқлаш, олдини олиш ва фoш қилиш; тергов, суриштирув ва суд органларидан яшириниб юрган шахсларни аниқлаш ва ҳоказо) намоён бўлади.

Йиғилган ахборот турли усуллар билан, жумладан, автоматлаштирилган ахборот-қидирув тизимлари ёрдамида тўплаб борилади. Бу таҳлилий ишларнинг дастлабки босқичини самарали бажариш – энг кам вақт сарфлаган ҳолда турли **электрон маълумотлар** тўпламларидан тўла ҳажмда ишончи маълумотлар олишга йўл қўяди ва қуйидагиларга имкон беради:

- интеграцияланган ахборот сақлаш манбаларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш;
- тизимга турли ташқи манбалардан (маълумотлар тўплами, Интернет) чекланмаган миқдорда маълумотлар киритиш;
- бирон-бир объектга тааллуқли зарур ахборотни барча уланган манбалар бўйича қидирувни амалга ошириш;
- чекланмаган объектлар сонини яратиш;
- объектларни атрибутлар ёрдамида ва бошқа кўплаб объектлар билан алоқада тавсифлаш.

Бошқача қилиб айтганда, таҳлилчи бирон-бир шахс ёки объект ҳақида ягона сўров шакллантиради ва тизимга юборади, дастур эса уланган маълумотлар тўпламлари бўйича қидирувни амалга

оширади ва умумлаштирилган ахборотни белгиланган кўринишда тақдим этади.

Илмий техника жараёнларини жадаллаштиришнинг муҳим омилларидан бири, бошқарувни унинг барча бўғинларида бошқариш шакли ва усулларини такомиллаштиришдан иборатдир. Ҳисоблаш техникасининг замонавий воситаларини фойдаланиш асосида иқтисодий-математика усулларида куллаш ва алоқа воситаларидан фойдаланиш бошқариш тизимини бундан буён такомиллаштириш учун янги имкониятлар яратади. Иқтисодий математик усуллар ва ҳисоблаш техникаси воситаларидан фойдаланишнинг муҳим йўналишларидан бири бошқарувнинг автоматлашган тизимини барпо этиш бўлади. Ахборот технологияларни жорий этиш давлат божхона қўмитасининг энг муҳим стратегик вазифасидир. Божхона тизимининг келажагини уларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

4.3. Божхона тизимида контрабанда ва божхона қоида бузарлигига қарши курашишни ривожлантиришда ягона автоматлаштирилган ахборот тизимини аҳамиятини ошириш

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг ягона автоматлашган ахборот тизими, божхона фаолиятлари жараёнларини бошқаришнинг автоматлашган тизимидан иборатдир. Ўзбекистон Республикаси божхона хизматининг ЯААТ нинг асосий вазифаси давлатнинг ягона божхона сиёсатини ва божхона органларини бошқаришни амалга ошириш, ҳамда унинг самарадорлигини шакллантириш ҳисобланади. ЯААТ божхона хизматининг асосий ахборот технологиясини амалга ошириш

воситаси деб тушунилади. ЯААТ нинг ривожланиши, бу соҳа бўйича янги ахборот технологияларининг босқичма-босқич яратилиши ва жорий килиниши соҳаларининг замонавий-техникавий комплексларга асосланган жараёнлардир. Ўзбекистон Республикаси ДБК фойдаланувчилари учун замонавий WEB технологиялари асосида ўзининг марказий ахборот ресурсларига киришни таъминлай оладилар. Ўтказилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, ташқи савдо ЯИАТни яратиш жараёни қуйидаги ишларни амалга оширишни тақозо қилади:

- турли хилдаги маълумотлар базасини бошқариш тизимларини электрон хабарлар бўйича ўзаро боғликлигини таъминлаш;

- вазирлик ва идоралар ахборот ресурслари ёрдамида ташқи савдо маълумотлар базаси бўйича ЯИАТни яратиш;

Юқорида баён этилганларга асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг ЯААТ вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси бўлинмалари ва ҳукумат органларини божхона статистикасини юритиш учун зарур бўлган маълумотлар билан таъминлаш;

- божхона органларини бошқаришнинг барча бўғинларидаги ташкилий-иқтисодий тизимни такомиллаштириш;

- товарларнинг ҳужжатларини божхона расмийлаштирилувини автоматлаштириш;

- чегарадан ўтаётган йўловчиларнинг юкларини божхона назоратидан ўтказишнинг самарадорлигини ошириш;

-божхона тўловларини ҳисоблашни назорат қилиш ва марказлашган ҳолда, уларни ундириб олишни таъминлаш;

-контрабанда ва божхона қоидаларини бузишга қарши кураш ишларини маълумотлар билан қўллаб қувватлаш;

-нотариф равишда тартибга солиш, рухсатномалар ва чеклашларни назорат қилиш усуллари ва воситаларини такомиллаштириш;

-ташқи иқтисодий фаолиятнинг божхона банк назоратида валюта назоратини амалга ошириш мақсадида ва бошқаларда ахборот технологиясини яратиш.⁴⁶

Ўзбекистон Республикаси божхона хизматининг ЯААТ асосан республиканинг мустақилликка эришганидан сўнг ривожланиб божхона ахборот технологиясининг барча босқичларида божхона постидан Ўзбекистон Давлат божхона қўмитасининг марказий аппаратиغا бўлган ривожланишнинг ажойиб воситасига айланди.

Ягона автоматлашган ахборот тизимининг кейинги ривожланиш ва такомиллашиш асосларидан бири, Ўзбекистон Республикаси божхона сиёсатини кетма-кет ва босқичма-босқич аҳамиятини оширишнинг комплекс дастури ҳисобланиб, Республика Президенти, Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1991-1995 йилларда қабул қилинган катор фармонлар, қарорлар ва қонунлар муҳим аҳамиятга эга бўлди.

ЯААТ ўхшаш тизимлар барча ривожланган мамлакатларнинг барча божхона хизматларида мавжуддир.

⁴⁶ Тоиров Ш., Боев О. «Давлатнинг бож тариф сиёсати» маъруза матни ТДИУ. 2010 йил

Масалан, АКШ, Англия, Франция, Германия каби мамлакатларда бундай тизимлар божхона қоидаларига мослаштириш асосида 20 йилдан ортиқ вақт ичида яратилиб фойдаланилмоқда.

ЯААТнинг босқичма-босқич дастурини амалга ошириш бўйича ишларни ташкил қилиш учун ЎзР ДБК қошида Бош илмий-ахборот ҳисоблаш маркази (БИАХМ) ташкил қилиниб, ЯААТни яратишни жорий қилиш ва фойдаланишни ташкил қилиш юзасидан илмий-ишлаб чиқариш ташкилоти ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг мураккаб, кўп босқичли тизимлар таркиби ҳисобга олиниб, уларнинг кўп қиррали хизматлари ва вазифаларини ҳисобга олиб, божхона хизматининг ЯААТ яратишда ЎзРДБК ва унинг асосий таркибий бўлинмалари (бошқаришнинг I босқичи), ихтисослаштирилган ва ҳудудий божхона бошқармалари (бошқаришнинг II босқичи), божхона (бошқарувнинг III босқичи), чегара олди ва ички божхона постлари (бошқарувнинг IV босқичи) ташкил топди.

Буларнинг ҳаммаси ЯААТ нинг божхона органлари тизими ва уларга хизмат кўрсатиш бўлинмаларининг мураккаб таркибини белгилади. Таркиб топган ЯААТ хусусиятларидан бири шуки, улар турли хилдаги ҳужжатлар айланиши объектларини ахборот билан таъминлашга мўлжалланган. Ўзбекистон Республикаси божхона органларида ҳужжатлар айланиши ва бошланғич ахборотларнинг асосий ҳажмини божхона юк баёотлари (БЮБ) ташкил қилади. Божхона юк баёотларининг мамлакат божхоналарига тушиши турлича бўлиб, ҳар ойда 7-8, айрим даврларда 20-30 мингтани

ташкил этади. ЯААТ тузишнинг асосий мақсади амалдагиларни такомиллаштириш, шунингдек янги автоматлашган божхона ахборот технологияларни яратиш ва ривожлантириш, замонавий дастур техника воситаларига асосланган тузилишни яратишдир. Ўзбекистон Республикаси ДБК нинг ЯААТ биринчи навбатда божхона технологиясининг асосий ахборотларини амалга оширади, бунда божхона органларининг барча даражадаги вазифаларини таъминлайди. Автоматлаштириш юқоридан пастга қараб жорий қилинади. Натижада Ўзбекистон Республикаси божхона органларида бақувват техника имкониятлари вужудга келиб, улар комплекс автоматлаштириш вазифаларини ечишга киришиш, алоҳида иш жойларини автоматлаштиришдан мувофиқлаштириш тизимларига ва божхона ахборот технологияларини автоматлаштиришга киришиш имкониятларини яратади. Янги дастурий-техникавий ҳаракат дастури дейилганда, ҳисоблаш техникасининг замонавий кучли воситалари ва телекоммуникациялари билан биргаликда, тараққиёт умумтизимли дастурий воситалар тушунилади: яъни Windows, Unix жараёнлар тизими, Windows, Novell тармоқ жараёнлар тизимлари, ORACLE асосларидаги маълумотларнинг бошқариш тизими ва ORACLE CASE тўпламига кировчи тизимни лойиҳалаш.

Янги дастурий-техникавий ҳаракат дастурини қўллаш:

- автоматлаштирилган вазифаларни кенгайтириш имкониятларини яратади;
- тизимнинг фаоллик кўрсатиш юзасидан ишончини оширади;

-ахборотларни рухсат этилмаган шахслар томонидан фойдаланишдан ҳимоя қилишда самарали қисмларини жорий қилиш имкониятларини яратади.

Шу боисдан ЯААТ тизимининг иккинчи навбатини яратилаётгандаги асосий вазифаларидан бири бўлиб, мавжуд тизимларнинг ворислиги, биргаликда ишлатилаётган ва янгидан яратиладиган, ёки такомиллаштириладиган (иккинчи навбат доирасида) амалий ва умумтизим дастурий воситаларини таъминлашдан иборат бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси ДБК нинг Ягона автоматлашган ахборот тизимини (ЯААТ) яратиш ва жорий қилиш ривожланаётган иккита тизим жараёнларининг ўзаро бир-бирига киришиши ва уни бойитиши ҳисобланади: ЎзР божхона органларининг бошқариш тизими таркиблари ва бошқарувнинг янги ахборот технологияларини амалга оширишни таъминловчи информатсион-технологик туркумлардан иборат. Бинолар ичидаги иқлим, овоз даражаси ва шовқинлар ЯААТ жойлашган жойларда давлат санитария нормалари томонидан белгиланган кўрсаткичлардан ошиб кетмайди. Тизим шундагина ўзининг вазифаларини бажара оладики, агар улар тўғри ишлатилса, хизмат кўрсатилса ва таъмирланса. Хизматларнинг турлари ва уларнинг даврлари (хафталик, ойлик, чораклик) ЯААТ техник воситаларининг улардан фойдаланиш юзасидан ҳужжатларида берилгандир. Техник кафолат даврида тизимдаги техника воситаларининг хизмати юзасидан ЯААТ тизимининг ҳисоблаш техникаларининг таъмирлашини,

тизим кафолатланган хизматини кўрсатиш Низомларига асосан олиб борилади.

Кафолат муддатлари ўтгач ЯААТ тизими ҳисоблаш техникаларини умум тизим техника хизмат кўрсатиш шартномаларига биноан, яъни ЎзР ДБК ҳудудий бошқармалари билан Давлат илмий-ахборот ҳисоблаш маркази ўртасидаги ва унинг жойлардаги бўлинмалари билан тузилган шартномаларига асосан амалга оширилади. Таъмирлашнинг муддати ва шартли шартномаларда келишилган бўлади. Хизмат кўрсатадиган ишчилар сони ЯААТ таркибидаги техник воситалардан фойдаланиш учун зарур бўлган хизматчиларнинг энг кам бўлган миқдоридан кам бўлмаслиги зарурдир. Тизим техника воситаларининг ЭХМ техник хизматларини бажариш учун техник воситаларга хизмат кўрсатиш учун гувоҳномалари бўлган кишиларга рухсат берилади.

Контрабанда ва божхона қоида бузарлигига қарши курашишда ягона автоматлаштирилган тизимнинг аҳамияти. Демак, ЯААТ нинг контрабандага қарши курашдаги аҳамияти қандай? Давлатимиз божхона қўмитасини ягона автоматлаштирилган тизими асосида жойларга мунтазам ахборот билан таъминлаш, контрабанда ва божхона қоида бузарлигига қарши курашиш усуллариини такомиллаштириш бўйича ахборотлар билан таъминлаш, постлар, бошқармалар ўртасида доимий ахборот алмашиш, хатар юз берганда бартараф этиш, божхона органлари бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар шу билан бирга давлатлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш орқали олди олинади.

Қисқача хулоса

Шу муносабат билан ЯААТ нинг ривожланиши божхона органларининг бошқариш тизимларини такомиллаштириш мақсадлари ва вазифаларига бўйсундирилган бўлиши лозим бўлиб, ЎзР божхона назоратининг самарали давлат тизимидаги умумий вазифаларнинг шаклланиши ва ривожланишидаги асосий вазифалардан келиб чиқади. Тизимни яратиш ва ундан фойдаланишдаги хавфсизлик талабларининг аҳамиятини баҳолаш анча муҳимдир. Ўзбекистон Республикаси ДБК нинг ЯААТ тизимининг техника воситалари шундай ўрнатилганки, бунда уларнинг хавфсиз равишда фойдаланиш ва техника хизмат кўрсатиш таъминланган. Техника воситаларидан фойдаланиш биноларидаги ёнгинга қарши чоралар давлат стандартлари талаблари асосида таъминланган. Ёнгинга қарши чораларга айниқса, ЯААТ техник воситалари комплексига техник хизмат кўрсатиш пайтларида алоҳида аҳамият берилади.

Мустақил ишлаш ва ўз – ўзини назорат қилиш учун саволлар:

1. Контрабанда ва божхона қоида бузарлигига қарши курашиш деганда нимани тушунасиш?
2. Контрабанда ва божхона қоида бузарлигига қарши курашишда божхона назоратида қўлланилаётган техник воситалар?
3. Ўзбекистон Республикаси контрабанда ва божхона қоида бузарлигига қарши курашишда ахборот технологияларини жорий этишнинг асослари.
4. Контрабанда ва божхона қоида бузарлигига қарши курашишда ахборот технологияларини қўллашни самарадорлиги.

5.Божхона тизимида контрабанда ва божхона қоида бузарлигига қарши курашишни ривожлантиришда ягона автоматлаштирилган ахборот тизимини аҳамияти.

6.Электрон бошқарув деганда нимани тушунасиш?

Тавсия этилган адабиётлар:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов томонидан 2015 йил 17 январдаги Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи 18 январь 2015 йил

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи 18 январь 2014 йил.

3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги 30 май 2002 йилдаги ПФ. 3080 – сонли фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 11 июл «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига истеъмол товарларини олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги ПФ-3105 сонли

Фармони ва ушбу Фармонга 2002 йил 6 ноябрдаги ПФ-3159 сонли қўшимча Фармон.

5. «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот – коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. «Халқ сўзи» газетаси, 2002 йил, 6 июнь.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 31 июлдаги 393-сонли «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалари ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали олиб кириш, олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тўғрисида»ги Қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитаси фаолиятини ташкил этиш масалари тўғрисида»ги 30 июль 1997 й. 974 – сон қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона Қўмитасини ташкил қилиш тўғрисида»ги 1997 йил 8 июлдаги ПФ-1815 Фармони.

9. «Ахборот технология соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори «Халқ сўзи» газетаси, 2005 йил, 3 июн.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси давлат божхона қўмитасининг ягона автоматлаштирилган ахборот тизимини ташкил этиш тўғрисида»ги 28 сентябрь 2004 йилдаги 450 – сон қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги 30 май 2002 йилдаги ПФ. 3080 – сонли фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 11 июл «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига истеъмол товарларини олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги ПФ-3105 сонли Фармони ва ушбу Фармонга 2002 йил 6 ноябрдаги ПФ-3159 сонли қўшимча Фармон.

13. «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот –коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. «Халқ сўзи» газетаси, 2002 йил, 6 июнь.


14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 31 июлдаги 393-сонли «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалари ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали олиб кириш, олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тўғрисида»ги Қарори.

V-боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ ВА БОЖХОНА ТИЗИМИДА САМАРАЛИ ҚЎЛЛАНИЛИШИНING ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ

5.1.Божхона тизимини фаолиятини самарадорлигини оширишда ахборот- коммуникация технологиялари борасидаги халқаро ҳамкорликни аҳамияти

Божхона хизматини ривожлантириш ва такомиллаштиришга ҳар томонлама ёрдамлашиш, божхона қонунчилигининг халқаро стандартлар билан мутобиқлаштириш ва уйғунлигини таъминлаш, божхона хизматини бошқариш самарадорлигини ошириш, халқаро савдо соҳасида содир бўлаётган улкан жараёнлар билан ҳамоҳанг бўлиш бугунги кун талабидир. Унда назарда тутилган вазифалар қуйидагилардан иборат:

6-диаграмма



Манба: www.rubrucon.com – “Ахборот-технологиялари” бизнес-маълумотномаси

Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларининг, жумладан, божхона ишига оид мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш;

-хорижий давлатлар божхона ва бошқа мутасадди органлари, божхона иши масалалари билан шуғулланувчи халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни амалга ошириш.

Республика божхона хизмати умум қабул қилинган халқаро меъёр ва тажрибалар билан яқинлашиш йўналишида ривожланмоқда ва халқаро божхона ҳуқуқларини қабул қилиш ва қўллашга тайёргарлик кўрмоқда. Мазкур ҳамкорлик қуйидаги асосий йўналишларда ўз аксини топади:

- МДХ мамлакатлари билан ҳамкорлик;
- хорижий давлатлар билан ҳамкорлик;
- божхона ишига оид халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик.

Халқаро алоқаларининг жадаллашуви ва кенгайиши ҳозирги босқичда Ўзбекистон божхона хизмати халқаро фаолиятининг фарқловчи хусусияти ҳисобланади. Божхонани ривожлантиришнинг бугунги кундаги устуворликлари Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг ажралмас қисми ҳисобланишидек аниқ-равшан тушунчадан келиб чиқади, бу нарса эса халқаро божхона ҳамкорлиги учун катта имкониятлар очади. Бундай ҳамкорлик нафақат БЖБТ доирасида, балки Ўзбекистон ва дунёдаги бошқа давлатларнинг божхона хизматлари ўртасидаги икки тарафлама алоқалар ёрдамида ҳам амалга оширилади.

Осиё тараққиёт банкининг Божхона ҳамкорлиги қўмитаси (БХҚ) божхона соҳасида минтақавий ҳамкорликка ва минтақавий

божхона ислоҳотлари ҳамда минтақанинг миллий божхоналарини замонавийлаштиришда кенг қамровли ёндошувга кўмаклашади. У 2002 йилда ташкил этилган ва шарқий ҳамда марказий Осиё мамлакатларининг минтақавий иқтисодий ҳамкорлиги кенг миқёсида дастурининг муҳим бўғини ҳисобланади. БХҚ таркибига Озарбайджон, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон, Муғилистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистоннинг божхона хизматлари киради.⁴⁷ БХҚнинг ахборотни жамлаш ва айирбошлаш масалалари, божхона операциялари, хатарларни бошқариш ва постлардан ўтиш аудитини шунингдек, маълумот тўплаш минтақавий тизимларини ривожлантириш учун ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича ишчи гуруҳига Ўзбекистон божхона хизмати раҳбарлик қилиб, у халқаро божхона амалиётини ислоҳ қилишга жаҳон божхона ишининг олға қараб ривожланишига ўз хиссасини қўшмоқда.

Бугунги кунда халқаро терроризм, диний экстремизм ва наркобизнес бутун жаҳон ҳамжамиятига ва хусусан, Марказий Осиё минтақасига ғоятда жиддий таҳдид солмоқда. Мустақилликнинг дастлабки кунларидан Ўзбекистон дунёдаги бошқа мамлакатлар билан биргаликда ушбу таҳдидга қарши туриб, минтақага ташқаридан таъсирини кучайтиришга уринаётган қора кучларга қарши мурасасиз курашнинг машаққатли йўлини танлади.

Афғон муаммосини дархол ҳал қилишнинг ғоятда муҳимлигини республика раҳбари 1993 йилдаёқ, БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида, 1999 йилда – Истамбулда, ЕХХТ

⁴⁷ Манба: www.interpress.uz, СБХ 27 (623)-сон 2014 йил 11 июль, (СБХ 07-сон(14 февраль)

саммитида 2000 йил сентябрида Нью - Йоркдаги БМТнинг минг йиллик саммитида қайд этди. Афғонистон вақт ўтиши билан шимолга ҳарбий юриш қилиш учун платцдармга айланди. Мозори Шариф, Кундуз, Кандахор, Жалолобод ҳарбий лагерларига халқаро террорчилар жойлашиб олди.⁴⁸

БМТнинг наркотиклар устидан назорат қилиш халқаро агентлиги ҳисоб-китобларига кўра, 2002 йилда Афғонистонда кўкнори ҳосилини ҳажми тахминан 1900-2700 тоннани ташкил этган бўлиб бунга қарши кураш натижасида бу кўрсаткич 2006 йилга келиб сезиларли даражада қисқарган бўлсада ўзини хавфли оқибатлари билан ҳанузгача халқаро майдонда хавотирга тушишни сабаби бўлиб келмоқда. Бирлашган миллатлар ташкилотининг маълумотига кура, ҳозирги кунда бутун дунеда 8 миллиондан ортиқ киши героин истеъмол қилар экан, 13,8 миллиондан ортиқ киши кокаин, 142 млн. киши марихуана, 280 млн.дан ортиқ киши эса синтетик гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилар экан. Наркотик моддаларни дунё бўйича бир йиллик обороти 400 млрд. АҚШ доллариға ёки бутун дунё савдо айланмасининг 8 фоизини ташкил этар экан. Чуқурроқ ўйлаб кўрилса, бу ХХІ аср бошларида инсоният олдида турган мушкул муаммолардан биридир. Террорчиларга қарши операциялар давомида на героин захиралари, на уни тайёрлайдиган мини- заводлар амалда зарар кўрган. Марказий Осиё худуди орқали жаҳон бозорларига, баъзи маълумотларга кўра, ушбу давлатда тайёрланган гиёҳванд

⁴⁸ Манба: www.interpress.uz, www.customs.uz, СБХ 27 (623)-сон 2014 йил 11 июль.

моддаларнинг 65% ўтади ва бу хажмнинг 20%га яқини минтақа мамлакатларида қолади.

Бундай шароитда Ўзбекистон божхона органларига алоҳида маъсулият юкланади, уларнинг хушёрлиги ва фидокорлиги тинч фуқаролар хавфсизлигининг гаровларидан биридир. Улар томонидан ҳар бир муvвафақиятли ўтказилган операция ортида юзлаб қутқарилган ҳаёт, минглаб сақлаб қолинган тақдир турибди.⁴⁹

Ўзбекистон божхонаси олдига қўйилган вазифаларнинг муҳимлиги ҳақида 2002 йили Тошкентда ЖБТ хомийлигида бўлиб ўтган божхона хизматлари раҳбарларининг халқаро конференцияси ёритиб ўтилган бўлиб Ўзбекистон республикаси вакиллари мазкур анжуманда иштирок этаётган бошқа мамлакатлар каби наркотик моддаларнинг ноқонуний айланиши ва тарқатилишига қарши кураш муаммоларига алоҳида аҳамият бериб, тобора кўпроқ ҳудуд ва давлатларни қамраб олаётган бу мудҳиш жиноятчиликнинг авж олиши ана шу иллатга қарши курашда жаҳон ҳамжамиятининг сайъи ҳаракатларини зудлик билан жипслаштиришни тақазо этмоқда. Айтиш жойизки наркобизнесга қарши курашда ғоят кескин чоралар тарафдори бўлмиш Ўзбекистон бу борада зарур бўлган ҳамма ишни қилиб келган бўлиб ва ҳозирги пайтгача йўлда қатъий турмоқда. Таъкидлаш лозимки ҳозирги замон учун ғоят долзарб мавзудаги анжуманни ўтказишда Ўзбекистонга ишонч билдирилганлиги мамлакатимизнинг бу олижаноб ишига

⁴⁹ Манба: 2002 йили Тошкентда ЖБТ хомийлигида бўлиб ўтган божхона хизматлари раҳбарларининг халқаро конференциясидан.

қўшаётган салмоқли ҳиссасининг ЖБТ томонидан эътироф этилишидир.

Ушбу халқаро анжуманда имзоланган Тошкент декларациясида қуйидагилар баён этилган:

Буюк Ипак йўли йўналишида наркотикларнинг ғайри қонуний айланишига қарши курашга бағишланган халқаро конференция иштирокчилари:

- наркотик воситалар ва психотроп моддаларнинг ғайриқонуний айланиши саломатликка ва жамиятнинг гуллаб яшнашига жиддий ҳамда ошиб борувчи таҳдид солинаётганлигини эътироф этган;

- наркоркорчалонларнинг фаолияти, хусусан, ғайриқонуний наркотик воситалар ва психотроп моддаларни халқаро миқёсда олиб ўтишдан иборатлиги ва уюшган жиноятчиликни жалб этишини тушунган;

- халқаро терроризм, гиёҳванд моддаларни контрабанда қилиш ва уюшган жинотчиликнинг бошқа турлари ҳисобидан молияланишини билган;

- Буюк Ипак Йўли йўналишининг иқтисодий ва тижорий аҳамиятини, Шарқ ва Ғарбни бирлаштирадиган ушбу стратегик йўл ва темир йўл артерияси бўйича қонуний савдонинг тўсиқсиз оқимига ёрдам бериш заруратини, шунингдек, божхона маъмуриятларнинг жамиятни ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида савдога ёрдам бериш билан назорат ўртасида тўғри мувозанатни қўллаб қувватлаш мажбуриятини таъкидлаган;

- наркотикларга қарши кураш бўйича халқаро шартномалардан, шунингдек бир-бирларини тушуниш тўғрисидаги битимлар, резолюциялар, меморандумлардан келиб чиқадиган, иштирокчилар томонидан қўлланадиган мажбуриятларни эътиборга олиб;

- гиёҳванд моддалар контрабандасига қарши кураш ЖБТ аъзоларининг божхона маъмуриятлари учун муҳим аҳамият касб этишини ва фақат миллий даражада чораларнинг қабул қилиниши, ушбу кулфатнинг глобал хусусиятини ҳисобга олганда, чекланган самарага эга бўлишига алоҳида аҳамият бериб;

- ЖБТ аъзоси бўлган мамлакатларнинг наркотиклар контрабандасига қарши кураш учун маъсул бошқа хизматлари, шунингдек бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишдаги саъй-ҳаракатларини кайд этиб;

- ЖБТ билан Интерпол, ЮНДСП, Европол ҳамда гиёҳвандлик устидан назорат бўйича Европа маркази, шунингдек Европа иттифоқи билан ҳамкорликка эътиборни жалб этиб;

- тузилма ва механизмларни, хусусан ЖБТнинг божхона ҳуқуқни муҳофаза қилиш тармоғи (БХМКТ) ва хизматлари ўртасида ҳамкорлик қилиш, ахборот ҳамда тезкор маълумотлар алмашишга кўмаклашиш мақсадида барпо этилган Минтақавий алоқа узеллари (РИЛО) тармоғини эътиборга олиб;

- минтақавий ва халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорлик қилиш уюшган жиноятчиликка қарши самарали ҳаракат қилиш учун муҳим шарт ҳисобланади деб фикрлаб;

- бундай ҳамкорлик барча манфаатдор тарафларга айниқса халқаро даражада қилинаётган саъй ҳаракатларни такомиллаштириш учун мустақил амалга ошириладиган тадбирларни ўтказиш чоғида бир-бирини такрорлаш ва аралаштиришга йўл қўймаслик мақсадида фойдали бўлишига комил ишонч билан;

Наркотик воситалар ва психотроп воситаларнинг ғайриқонуний айланишига қарши курашиш шунингдек прекурсорлар устидан назоратни кучайтириш бобида қуйидаги тадбирларни тавсия қиладилар:

- мавжуд алоқа тармоқларидан фойдаланган ҳолда ахборот, тезкор маълумотлар ва ҳужжатлар алмашишнинг мавжуд механизми амал қилиш доирасини кенгайтириш;

- ахборот алмашишнинг мавжуд механизми, шу жумладан, Буюк ипак йўли бўйича Болкон ахборот тизими (BASIS) Марказий осий давлатларига, уларнинг миллий қонунчилиги ва тегишли халқаро шартномаларни ҳисобга олган ҳолда тадбиқ этилади.

- наркотик воситалар ва психотроп моддаларни, уларни ғайриқонуний ишлаб чиқаришда ишлатиладиган наркотиклар, прекурсорлар ва кимёвий моддаларни ғайриқонуний олиб ўтиш ҳолларига таълуқли бўлган тезкор ахборот шунингдек, янги тамойиллар яшириш жойлари, ташиш усуллари ва олиб ўтиш хавфлари тўғрисидаги ахборот БХМКТ ёрдамида, мавжуд коммуникация тармоқлари воситасида йиғилади;

- Йиғилган ахборот ғарбий Европа, марказий ва шарқий Европа, Осиё-Тинч океан минтақаси ва МДҲ мамлакатлари бўйича РИЛО томонидан унинг таҳлилини глобал даражада амалга

ошириш ҳамда манфаатдор божхона маъмуриятларига тақдим этиш учун фойдаланилади, бу эса наркотик воситалар ва психотроп моддалар ғайриқонуний айланишининг олдини олиш ва уни тергов қилиш бўйича янада самарали ҳаракатларга кўмаклашади.

ЖБТ аъзоси бўлган мамлакатлар:

- ахборот алмашиш ўзаро мақбул, тўлиқ ва очик бўлиши мақсадида мавжуд ахборотдан фойдаланишни ўз саъй-ҳаракатларини бирлаштирадилар;

- контрабандага қарши кураш билан шуғулланадиган бўлинмаларнинг хабардорлигини оширади ва уларни ўқитиш жараёнини ривожлантирадилар;

- давлат органлари билан хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантирадилар ва такомиллаштирадилар.

Хар бир мамлакат наркотикларга қарши кураш масалалари бўйича миллий контакт алоқа пунктларини тайинлайди, улар ахборот ва тезкор маълумотларни олиш ҳамда узатиш учун жавоб бериб, уларни ахборот ва тезкор маълумотларга энг яхши ишлов бера оладиган хизматларга йўналтирадилар, шундан сўнг олинган жавоб-сўров юборган маъмуриятларга юборилиши керак.

Контакт алоқа пункти хизматининг имкониятлари ва унинг ҳуқуқни муҳофаза қилишдаги яъни айнан наркотиклар контрабандасига қарши кураш бобидаги тажрибасини ҳисобга олиб белгиланади.

Бундай ҳамкорлик доирасида ЖБТ аъзоси бўлган мамлакатлар уларнинг мансабдор шахсларига бошқа божхона маъмуриятларининг сўровларига кўра тергов ўтқозиш ва шахслар,

бинолар, транспорт воситалари, битимлар ҳамда товарлар устидан назоратни амалга ошириш имконини берадиган қоидаларни қўллашни кўриб чиқадиладар. Зарур техник ҳамкорлик ва техник кўмакни амалга ошириш.

Мазкур минтақа мамлакатларининг божхона маъмуриятлари ҳамкорликнинг кўриб чиқиладиган соҳасидаги ўз ютуқлари тўғрисида мунтазам маслаҳатлашишларни ўтказадилар. Улар нафақат бир-бирлари билан, балки бошқа ваколатли миллий органлар ва халқаро ташкилотларнинг минтақавий вакиллари билан ҳам фикр алмашадилар. Бундай ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида манфаатдор божхона маъмуриятлари наркотиклар контрабандасига қарши кураш билан шуғулланадиган мансабдор шахслар билан алмашиш дастурини амалга ошириш имкониятини кўриб чиқадиладар, улар ишлаб чиқарувчи мамлакатлар, транзит мамлакатлар ёки истеъмолчи мамлакатлар бўлишидан қатъий назар мазкур минтақа мамлакатларида наркотикларни ғайриқонуний олиб ўтилишига қарши самарали курашиш мақсадида тезкор тадбирларни амалга ошириш ва назоратни кучайтиришни рағбатлантирадиладар ва бунга кўмаклашадиладар. Амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар:

- наркотиклар контрабандасига қарши курашиш, назорат қилиш, ўзига хос маҳаллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда курашни самарали ташкил этиш, хатар таҳлили мақсадни танлаш усулларига ўргатиш;

- хизматларни ташкил этиш: кинология бўлинмалари ва контрабандага қарши кураш учун аниқ жавобгар бўлган хизматларни ташкил этиш, тезкор ахборот йиғиш ва хатар тахлили;

- ускуналарни такдим этиш: наркотикларни топиш учун компакт-тестлар, тананинг ичида яширилган наркотикларни топиш учун аппаратлар, хуфиёна яшириш жойларини топиш учун хажмдор аппаратлар, кичик хоналарда (масалан, автомашиналар, юк машиналарининг кабиналари, дам олиш учун вагонлар) мавжуд бўлган чанг тўзонни таҳлил қиладиган тўзонни таҳлил қиладиган ускуналар шунингдек ренген ускуналари билан таъминлаш. БМТ нинг наркотиклар ва прекурсорлар устидан назорат қилиш дастури доирасидаги ҳамкорлик жўшқин ривожланмоқда. БМТ кўмагида ДБҚ нинг минтақавий кинологик маркази барпо этилди, қурол-яроғ ва портловчи моддаларни қидирадиган хизмат итлари ўргатилиши самарали олиб борилмоқда.

БМТ нинг «Ўш тугуни» лойиҳасини амалга ошириш доирасида Ўзбекистон божхона хизмати ходимлари наркотиклар савдосига қарши кураш масалалари бўйича ўқув семинарларида, Марказий Осиёда наркотиклар ва прекурсорлар устидан назорат қилиш муоммолари бўйича халқаро конференцияда иштирок этди. БМТ нинг наркотиклар устидан назорат қилиш ва жиноятларнинг олдини олиш бошқармасининг «Ўзбек- Афғон чегарасидаги «Айритом» назорат қилиш-ўтказиш пункти» да фаолиятни бошлашда Ўзбекистонга ёрдам бериш лойиҳаси доирасида республика лойиҳасига божхоначилар йўловчилар юклар ва транспортни кўрикдан ўтказиш учун асбоб-ускуналар, назорат-

техник воситаларнинг узлуксиз ишлаши учун электр энергияси генераторлари бир неча маротаба берилди. Ўзбекистон божхоначилари героин тайёрлаш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган сирка кислота ангидридининг ғайриқонуний айланишини ўрганиш ва бартараф этиш бўйича «Топаз» халқаро операциясида ҳам фаол иштирок этдилар. Чунончи, Афғонистон ва Тожикистон билан чегарадош бўлган ДБКнинг Сурхондарё вилоят бошқармаси ходимлари бир неча бор республика орқали ушбу наркотик хом ашёни ғайриқонуний олиб ўтиш ҳолатларининг олдини олишда 72 тоннадан ортиқ шундай модда ушланди.⁵⁰

Ўзбекистон божхона органларининг фаол ва муваффақиятли фаолияти халқаро ҳамжамият томонидан ижобий баҳоланди.

Халқаро даражадаги ҳамкорликка келганда мисол тариқасида Германия Федератив Республикасининг божхона криминал хизмати (Zollkriminalamt-ZKA) делегацияси мамлакатимизда бўлиб ўтганини таъкидлаш мумкин. Бу ташрифга мазкур идора президенти жаноб Карл-Хайнц Маттиас бошчилик қилган бўлиб, ташрифнинг асосий мақсади - наркотик воситаларнинг ғайриқонуний айланмасига қарши курашиш соҳасида мамлакатларимиз ўртасидаги икки тарафлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш эди. Германиялик ҳамкасбларнинг қизиқиши наркотик моддаларни топиш учун энг замонавий кўрикдан ўтказиш ва махсус ускуналар, видеокузатув ва радиацион назорат тизимлари, автотарозилар ва назорат қилишнинг бошқа махсус техник воситалари билан жихозланган божхона объектининг

⁵⁰ Манба: www.interpress.uz, (СБХ 07–сон (14 февраль), СБХ 27 (623)-сон 2015 йил 11 июль).

инфратузилмаси ва хизмат арсеналини батафсил ўрганиш билан чекланмади. Улар божхона назоратини амалга оширишда ғоятда фаол иштирок этдилар. Учрашувда ушбу соҳада ва божхона терговлари бобида ҳамкорликнинг ахволи ва истиқболлари, шунингдек 2001 йилда Берлинда имзоланган, наркотиклар контрабандасига қарши курашда ҳамкорлик ва ўзаро маъмурий кўмакни яхшилаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси билан Германия Федератив Республикаси Божхона бошқармасининг қўшма баёнотига мувофиқ тезкор ва таҳлилий ахборотни айирбошлаш масалалари муҳокама қилинди. Иккала томон икки тарафлама ҳамкорликни кенгайтириш, ГФР ва Ўзбекистон божхона хизматлари ўртасида бевосита алоқа ўрнатишнинг муҳимлигини таъкидлади.⁵¹

Шу борада Ўзбекистон Республикасини ДБКси Россия федерал божхона хизматида Жаҳон савдо ташкилотининг “CEN” (Customs Enforcement Network) божхона ҳуқуқни муҳофаза қилиш тармоғи билан ишни ташкил қилиш бўйича семинар олиб бормоқда. Унда Озарбайжон, Арманистон, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдавия, Россия, Тожикистон ва Ўзбекистон вакиллари иштирок этишди. Контрабандани ушлашга доир маълумотларни киритишдан ташқари Жаҳон божхона ташкилоти “антинаркотик” лойиҳаларни, хусусан, Афғонистон атрофида хавфсизлик зоналарини барпо этиш бўйича самарали ишлар олиб бормоқдалар.

⁵¹ Манба: www.interpress.uz, СБХ 27 (623)-сон 2014 йил 11 июль, (СБХ 07-сон (14 февраль)

2003 йилнинг ўрталаридан буён курол-яроғ, ўқ-дори, портловчи моддалар, ядровий, радиоактив ва хавфли материалларни ушлаб қолиш тўғрисидаги ахборот тўпланмоқда. Бу маълумотларни Россия ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, МДХ Аксилтеррор маркази, МДХ Хавфсизлик органлари ва махсус хизматларининг раҳбарлари кенгашига электрон воситалар орқали йилнинг ҳар чорагида, хорижий ҳамкорлар номига эса “CEN” ҳуқуқни муҳофаза қилиш тармоғи каналлари орқали реал вақт режимида етказиш ташкил қилинган.

Халқаро ҳамкорлик борасида Ўзбекистон Республикаси ДБҚсининг вакиллари Жаҳон божхона ташкилоти (WCO) Кенгашининг Бельгия пойтахти - Брюсселда ўтказилган навбатдаги 105/106-сессияларида иштирок этиб, бунда WCO ни аъзоси бўлган 150 мамлакат, ҳамда кузатувчи сифатида бир қатор халқаро ташкилотлардан вакиллар қатнашган бўлиб, бу сессияда янги асрнинг даҳшатли аломати бўлган террорчилик ҳаракатлари дунё янада хавфлироқ бўлиб қолганлиги ҳақида ва чегараларни ёпиб қўйишнинг иложи йўқлиги сабабли савдога кўмак бериш чораларини унинг хавфсизлигини таъминлаш чоралари билан бирлаштирадиган механизмни яратишга зарурат пайдо бўлди. Иқтисодий, молиявий хавфсизлик ҳам муҳим. Зеро ҳозирги пайтда божхона универсал дастак ҳисобланади, унинг зиммасига нафақат ташки савдога кўмак бериш, ички бозорни ҳимоя қилиш ва иқтисодий хавфсизликни таъминлаш вазифалари, балки бюджетга пул йиғиш ҳам юклатилган.⁵²

⁵² Жаҳон божхона ташкилоти (WCO) Кенгашининг Бельгия пойтахти - Брюсселда ўтказилган навбатдаги 105/106-сессия материаллари асосида олинган.

Бу борада ҳужжатларнинг айланишини, вақтида узатиш, ахборот бериш борасидаги коммуникация технологияларини самарали ишлаши жуда муҳимдир. Чунки электрон ҳужжатли божхона расмийлаштируви эртага қандай бўлиши ва хавфсизликнинг нималиги тўғрисида тасаввур берадиган тўртта асосий қоидани белгилайди. Биринчи қоида - улар бўйича маълумотларни автоматик режимда олдиндан айирбошлаш йўли билан барча турдаги транспортлар учун товарлар етказиб беришнинг халқаро занжирини комплекс бошқаришни таъминлаш. У нафақат бутун дунёда қоғозли технологиялардан воз кечиш, балки импорт мамлакатада божхона расмийлаштирувини олдиндан тайёрлаш имконини ҳам беради, бу эса бюджет хавфсизлигини таъминлаш учун жуда муҳимдир.⁵³ Иккинчи муҳим жиҳат - ҳақиқатда хавф туғдирадиган товар етказиб беришларини кўрикдан ўтказиш имкониятига эга бўлиш учун хатарларни таҳлил қилиш ва бошқариш тизимини яратиш. Учинчи қоида - чегарада транспорт воситаларини назорат қилиш, физик назорат технологияларини такомиллаштириш ва жорий этиш ва тўртинчи қоида - бизнес ҳамжамияти билан кучли ҳамкорлик муносабатларини яратиш. Бундай ҳамкорликка ихтиёрий бош қўшадиган ва божхона ҳамда давлатнинг хавфсизлиги бўйича меъёрлари ва тавсияларига риоя қиладиган ташкилотлар уларга божхона расмийлаштируви чоғида афзалликларни кафолатлайдиган мақом оладилар. Шу тариқа ҳадли ҳужжат икки омилга - турли мамлакатлар божхона органларининг

⁵³ СБХ 2014 йил N 23 (567) 30 май

ҳамкорлигини ривожлантиришга ва ушбу ишда ихтиёрий иштирок этишни хоҳловчи божхона билан тадбиркорлар ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларига асосланади. Ҳадли ҳужжат меъёрларининг мазмуни мавжуд халқаро қоидаларга мослиги, шу сабабли улар жаҳон савдосини ривожлантиришга халақит берадиган янги ғовларни яратмаслиги ҳам жуда муҳимдир.

Шуни таъкидлаш лозимки ҳозирги пайтда кушни республикалардан хусусан Тожикистон божхона идорасининг вакиллари республикамиз Давлат божхона қўмитасининг ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ)ни жорий этиш, хусусан, Ташқи савдо операциялари ягона электрон ахборот тизими (ТСОЯЭАТ)нинг пилот лойихаси, шунингдек божхона органларининг Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими (ЯААТ)ни татбиқ этишга доир тажрибасини ҳар томонлама ўрганиб келмокда.⁵⁴

Айтиш жоизки божхоналар ҳамкорлиги қўмитасининг ахборотни консолидациялаш ва айирбошлаш, божхона операциялари учун ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш масалалари бўйича ишчи гуруҳига бошчилик қилувчи Ўзбекистон божхона хизмати томонидан амалга оширилган, Божхоналар ҳамкорлиги қўмитасининг Боку учрашувида ўтказилган учинчи мажлисида ушбу ноёб ахборот технологиялари, шунингдек давлатлараро ахборот айирбошлаш концепцияси лойихасининг тақдимот маросими ҳамкасбларда катта қизиқиш уйғотди. Қозоғистон ва Хитой божхоналари

⁵⁴ Манба: СБХ 2014 йил № 22 (561) 12 май

делегацияларининг раҳбарлари ўзбекистонликларнинг катта муваффақиятга эришганларини тан олиб, унинг услубиятини ўрганиш хоҳишини билдирдилар, Қирғизистон, Озарбайжон, Тожикистон ва Мўғулистон божхона хизматлари эса бундай тизимларни ўзларида ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш ҳамда шу тариқа давлатлараро маълумотлар айирбошлаш учун замин яратишга тайёрликларини билдирдилар.⁵⁵

Ана шу мақсадда 2004 йил декабрь ойининг сўнгги кунларида мамлакатимизга қирғизистонлик божхоначилар ташриф буюрдилар. Эндиликда эса божхона соҳасига АКТни жорий этиш бўйича ДБҚ тажрибасини ўрганишнинг кенг кўламли дастури билан Тожикистондан ҳамкасблар келишди. Шунини айтиб ўтиш жоизки, Осиё тараққиёт банки иккала мамлакатнинг миллий божхоналарига автоматлаштирилган ахборот тизимларини ишлаб чиқишлари ва татбиқ этишлари учун кредит ажратган.

Хозирги кунда мамлакатларимиз божхона соҳаларида АКТнинг ривожланиш даражалари бир-биридан анча фарқ қилади. Агар Ўзбекистон божхонаси айти пайтда татбиқ этилаётган ЯААТ доирасида маълумотлар базасини бошқаришнинг кўпчилик фойдаланадиган тизимини қўллаган ҳолда янги дастурлар яратиш устида ишлаётган, божхона юк декларациялари, божхона қиймати декларацияларини киритиш, жамлаш ва ишлов бериш, божхона тўловларини ҳисоблаб ёзиш ва ундиришни назорат қилиш жараёнлари эса аллақачон автоматлаштирилган бўлса, биз эндигина бу йўналишдаги ишни бошлашимиз керак.

⁵⁵ Манба: СБХ 2014 йил № 17 (561) 18 апрель

Тожикистонлик ҳамкасбларимизнинг тақсимланган, олисдан кириш мумкинлиги билан ахборот узатиш, айирбошлаш ва сақлашнинг кўп функцияли дастаги бўлган ТСОЯЭАТ билан танишуви назарий ахборот билан чекланиб қолмади. Улар ушбу тизим воситасида ваколатли органларнинг идоралараро тезкор ҳамкорлик қилиш жараёни билан ДБҚнинг Тошкент шаҳар бошқармасида экспорт-импорт контрактларининг ҳисобга қўйилишини кузатиб танишдилар. Маълум вақт ичида бир нечта вазирлик ва идораларнинг ахборот ресурсларини таҳлил қилиш ва улардан фойдаланиш имконини берувчи ТСОЯЭАТ имкониятларини ўз кўзлари билан кўрдилар. Бу тизим татбиқ этилаётган ЯААТнинг таркибий қисми эканлиги божхонамизнинг ахборот имкониятларини кенгайтиришга доир ўтказилаётган ишлар ҳажми тўғрисида гувоҳлик беради.⁵⁶

Пойтахтимиздаги 11-сон “Акциз” пости инспекторларининг ишини кузатган тожик ҳамкасбларимиз божхона таомилларини анча соддалаштириш ва Божхона технологияларини автоматлаштириш департаменти томонидан жорий этилган таомилларни расмийлаштириш вақтини қисқартириш имконини берувчи дастурий маҳсулотлар амалда қандай қўлланаётганини кўрдилар. Ўзбекистон божхона ҳудудига олиб келинувчи юklar божхонада тозалангунича айнан шундай назорат қилиниб, БЮДлар киритилади ва ишлов берилади.

ДБҚ Тошкент вилоят бошқармасининг “Ғишткўприк” божхона мажмуига ташриф ҳам Тожикистон божхоначиларини лоқайд

⁵⁶ Манба: СБХ 2005 йил № 17 (561) 18 апрель

қолдирмади. Бу ерда уларга АҚШ Мудофаа вазирлиги томонидан молияланадиган “Экспорт назорати ва чегаралар хавфсизлиги” (EXBS) дастури доирасида тақдим этилган, радиацион назоратни амалга ошириш учун портал мониторлар ва бизнинг божхона амалиётимизда фаол қўлланадиган назорат қилишнинг бошқа самарадор техник воситаларини намойиш қилдилар.

Узини навбатида қўшни республикадан келган меҳмонлар олган тажрибалари ҳақидаги таассуротлари ва уларни жорий этиш ниятлари билан ўртоқлашдилар. Улар пилот лойиҳалар воситасида синовдан ўтказилгандан кейин янги ахборот тизимларини татбиқ этишнинг ўзбекистонликлар амалиёти уларга мос келишини билдирдилар. Меҳмонларнинг фикрича, бундай ёндашув мақсадга мувофиқ келади. Ўз навбатида Ўзбекистон Давлат божхона қўмитаси ТСОЯЭАТ ва ЯААТ яратишга доир тажрибамизни ўрганишга қизиқиш билдирган мамлакатларнинг барча божхона идоралари билан икки томонлама асосда ҳамкорлик қилишга тайёрлигини билдирди.

Жаҳон божхона ҳамжамиятининг ажралмас қисми ҳисобланган Ўзбекистон божхонаси мамлакатимиз божхона ишини умумқабул қилинган халқаро меъёрлар ва амалиёт билан бирхиллаштириш ва уйғунлаштиришга қаратилган кўп томонлама иш олиб бормоқда. Республика божхоначиларининг турли халқаро ва минтақавий таълим тадбирларида иштирок этишлари ана шу вазифаларни ҳал этишга ёрдам бермоқда. Ҳозирда автоматлаштирилган ахборот тизимини қўллаган ҳолда маълумотлар интеллектуал таҳлили асослари мавзусида махсус

курс ташкил этилмоқда. Айтиш лозимки, махсус тренингнинг бутун мавзувий доираси бўйича иштирокчиларга ўқув қўлланмалари тақдим этилмоқда, улардан бевосита жойларда миллий кадрларни ўқитиш чоғида ўқув-услубий мақсадларда фойдаланиш мумкин.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки Ўзбекистон бугунги кунда ўз келажаги учун ХХІ аср унинг тарихидан эркинлик, фаровонлик ва барқарорлик даври сифатида ўрин олиши учун курашмоқда.

5.2. Ахборот технологияларининг божхона тизимида самарали қўлланилишининг жаҳон тажрибаси

Жаҳон божхоналаридан бири жамият фаровонлигини яратишда янги технологиялар ва эртанги кун тўғрисида ғамхўрлик қилишда швеция божхона хизматини европадаги энг такомиллашган хизматлардан бири деб ҳисоблашади.

Швеция божхона хизмати (ШБХ)ни Карин Старрин хоним бошқара бошлади. Бунинг ҳайратланарли жойи йўқ: Швецияда эркак ва аёлларнинг тенг ҳуқуқли эканлиги ҳар қадамда таъкидланиб, у ёки бу ташкилотда раҳбарликда иккала жинснинг нисбати синчиклаб ҳисобланади. Бу эса швед жамиятининг асосий ютуқларидан бири бўлиб ҳисобланади. Божхона ҳам бундан истисно бўлмай, тенг ҳуқуқлиликтан ташқари, ўз ишини ташкил этишда салмоқли натижаларга эришди. У ўз олдига иззатга боғлиқ вазифа - Европада энг яхши божхонага айланиш вазифасини қўйди.

Рекордлар сари йўлни ШБХни кенг миқёсда ислоҳ қилиш очиб берди, бунга эса **ахборот технологияларининг** ривожланиши ва Европа Иттифоқининг шарққа қараб кенгайишини ундади. Божхона декларацияларининг 90 фоиздан кўпроғи электрон кўринишда тақдим этиладиган (уларнинг 70 фоизига автомат тарзда ишлов берилади), ЕИга аъзо бўлган мамлакатлардан келтириладиган товарларнинг назорати эса энг кам саъй-ҳаракатларни тақозо этадиган ҳолатда кўп ходимлар талаб қилинмайди. Шу сабабли 2004 йил ўртасига келиб минтақавий божхона бошқармалари бутунлай тугатилди, бунда 350 га яқин божхоначи ишдан бўшатилади. Бутун ШБХда 2200 ходим борлиги боис, ходимларни қисқартириш салмоқли бўлди.⁵⁷

Мамлакатда кўп йўналишли олти марказ ташкил этилган, уларнинг ҳар бири ўз масъулият зонасига эга. Улар фаолиятнинг икки асосий тури - ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва савдога кўмаклашиш билан шуғулланади. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш хизмати товарлар, йўловчилар ёки авиаташишлар билан ишлайди, божхона расмийлаштириши эса 2002 йилдан бошлаб “Зина” тизимига асосланади, унга божхона брокерлари, декларантлар ва сертификатлаштириш ташкилотлари жалб этилган.

“Зина”нинг моҳияти шундаки, ЕИга кирмайдиган мамлакатлар билан савдо қиладиган ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари уларнинг ташқи бозорда ишлашга тайёрлиги, ишончлилиги, савдо ҳажмлари ва ҳоказоларга қараб биринчидан бешинчигача пиллапояга қўйилади. Божхона ТИФ иштирокчисининг

⁵⁷ www.customs.uz. Давлат Божхона қўмитаси вебсайти. www.interpress.uz

пиллапоясига мувофиқ назорат усуллари қўллайди. Олий - бешинчи пиллапоядагилар энг кўп эркинликка эга бўлиб, уларга нисбатан соддалаштирилган таомилларнинг энг кўп миқдори қўлланади. Бинобарин, уларда товар оқими анча тез ва харажатлар кам бўлади, бу эса экспорт-импорт операцияларининг бошқа иштирокчиларини янада кўпроқ тер тўкишга ундайди.

2004 йилда ШБХ базавий тизимидан 180 компания фойдаланди. Айти “Зина”да рўйхатдан ўтказилган ТИФ иштирокчилари “Яшил йўлак” Россия-фин-швед лойиҳасида иштирок этиш ҳуқуқига эгалар.⁵⁸

Бироқ ҳамкасбларимиз “Ишонгин, бироқ текшир!” деган мақолга қўшиладилар. Ўтган йилги янгилик - “Зина” хавфсизлиги компьютер дастури жорий этилди. Унинг ёрдамида божхона инспектори компьютер олдида нарига кетмай, хатарлар таҳлили тизими ва швед божхоначиларининг бошқа касбий сирларидан фойдаланиб, баён этилган маълумотларнинг ишончлилики даражасини баҳолаши мумкин.

Энг янги компьютер техникаси ва илғор технологияларнинг мўл-кўллиги катта таассурот қолдиради. Божхона ичида ҳужжатлар айланиши деярли тўлалигича электрон кўринишда амалга оширилади. ТИФ иштирокчилари учун эса беш йилдан бери виртуал офис ишляпти, у куну тун ва ҳар куни божхона расмийлаштиришининг ҳамма хизматларини таклиф қилади. Йил сайин виртуал божхона такомиллашмоқда ва бугунги кунда божхона декларациясини мобил телефон, SMS тизимидан

⁵⁸ www.interpress.uz, СБХ 27 (623)-сон 2014 йил 11 июль, (СБХ 07-сон (14 февраль).

фойдаланиб, тўлдириш мумкин. Мобил телефонга жавоб эса божхонадан келади.

Виртуал офисда кичик ва ўрта бизнес корхоналари учун алоҳида бўлим очилган. Фитосанитария назорати хужжатларини расмийлаштириш, ҳайвонларни ташишни ташкил этиш бўйича электрон тизим мавжуд. “Сандра” деб ном олган маслаҳатчи робот сизни қизиқтирадиган саволга жавоб беради.

ШБХда ички ва ташқи порталлар бор. Ташқи портал тўққиз тилда бўлиб, улар орасида инглиз, француз, немис, рус тиллари мавжуд. Жамоатчилик билан алоқалар бўйича мутахассисларнинг саъй-ҳаракатлари беҳуда бўлмаяпти. Ҳамма ерда “Божхона жамият фаровонлигини яратади” шиорини баён этиб, улар ўз мамлакатларида ШБХ фаолиятига ҳурмат билан қаралишини таъминладилар.

Йигирма йил аввал божхона “камроқ ишон” позициясида эди. Бироқ савдо ҳажмлари ўсди, божхона эса уларга етиша олмай қолди. Шу боис бу сиёсатдан воз кечилди ва хатарларни бошқариш тизимига ўтилди.

Бу ерда яқин истиқболда халқаро савдо қандай бўлади, божхона швед товарлари экспортига қандай ёрдам бериши мумкин, Швеция ва ЕИ чегараларида хавфсизликни мустаҳкамлаш учун нима қилиш лозим деган ғоятда муҳим масалалар устида ўйлашади. Бўлғуси ШБХ марказида бир неча лойиҳа ишланяпти (дарвоқе, “Зина” ва “Гетеборг” тизимлари - уларнинг иши), Европада вазиятни ривожлантириш вариантлари прогноз қилиняпти. Масалан, ШБХ яқин вақт ичида электрон декларациялардан

фойдаланишга 100 фоиз ўтганда қандай иқтисодий самарага эга бўлиниши ҳисоблаб чиқарилди.⁵⁹

ШБХнинг ичида ҳам кенг миқёсли ўзгаришлар режалаштирилган. Хизматни ривожлантириш дастури бўйича 2006 йил охиригача раҳбар лавозимларидаги аёллар миқдорини 40 кишига етказиш зарур (ҳозир улар 36 нафар). Эркак божхоначилар 1200, аёл божхоначилар эса 1000 нафарлигини ҳисобга олсак, бунда ишларнинг адоғи кўринмайди. Ушбу вазифа бажарилганида ШБХ дунёдаги энг яхши муассасалардан бири бўлиши кутилмоқда.

Божхона картаси муқобил тўловнома. Бугунги кунда Ўзбекистон божхона хизмати олдида юкларнинг божхона расмийлаштиришини соддалаштириш ва жадаллаштириш ҳамда божхона тўловлари тушумлари ва жорий этилаётган таъминотнинг тегишли даражасини сақлаб қолишдек мушкул вазифа турибди. ДБК мутахассисларининг фикрича, уни ҳал этишда Россия Федерал божхона хизмати томонидан тўпланган, "Божхона картаси" микропроцессор карталаридан фойдаланган ҳолда божхона тўловлари бўйича электрон ҳисоб-китоблар тизимини жорий этиш тажрибаси фойдали бўлади. Ушбу тизимнинг тақдимооти ШХТга аъзо давлатларнинг Божхона ҳамкорлиги бўйича қўшма гуруҳнинг тўртинчи мажлисида бўлиб ўтган бўлиб унда ихтисослашган банклараро тизимнинг хусусиятлари, уни мамлакатимизда жорий этишнинг афзалликлари ва истикболлари тўғрисида сўз юритилган.

Бунда электрон банк картаси технологияси асосида яратилган "Божхона картаси" ягона электрон тўлов тизими банк ва божхона

⁵⁹ Манба: www.interpress.uz. СБХ 15-сон (11 апрель) 2015 йил.

тузилмалари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилганлигига эътибор бериш зарур. У Россия Федерациясида 2000 йилдан буён муваффақият билан қўлланиб келмоқда. Ушбу тизим ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига бевосита божхона постида реал вақт режимида ҳисоб-китобларни юритиш ва шу тариқа божхона тўловларини тўлашга исталган ҳажмдаги нақд пулсиз пул ўтказмаларини амалга ошириш, шунингдек ушбу ўтказмаларнинг юз фоиз ишончилигини таъминлаш имконини беради.⁶⁰ Ҳозирги кунда ТИФ иштирокчилари учун энг асосийси тезкорлик ҳисобланади. Аввалги чизма бўйича товар туркумини расмийлаштиришга пул гарови кўринишида таъминот киритилишига бир неча кун кетар эди, чунки божхона ишини фақат пул унинг ҳисоб рақамига келиб тушган пайтдан бошларди. "Божхона картаси" тизимига ўтгандан сўнг барча операциялар беш дақиқадан кўп вақтни олмаяпти. Яна бир ғоятда муҳим афзаллик: божхона органига таъминот ёки бўлак тўловини киритаётганда тадбиркор кўпинча зарур сумманинг аниқ миқдорини билмайди, натижада эҳтиёт юзасидан ортиқча тўлайди, яъни ўзининг маблағларини "музлатади". Божхона картасидан фойдаланилганда бундай муаммога энди дуч келинмайди. Бундай шароитда асосан Россиянинг янги Божхона кодекси жорий этилиши билан божхона тўловларини тўлаш бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш зарур бўлган ҳоллар кўпайганлигига қаратиш лозим. Шу сабабли ҳисобни тизимлаштириш ва таъминотни киритишни соддалаштириш учун божхона карталарини қўллаш соҳаси

⁶⁰ Манба: СБХ 15-сон (11 апрель) 2014 йил.

кенгайтирилган. Божхона картасидан тўловчининг махсус карта ҳисоб рақамида маблағларни резервлаштириш операцияси асосида божхона тўловларини тўлаш мажбуриятини таъминлаш чоғида фойдаланилади.

Фикримизча, бундай тизимни мамлакатимизда жорий этиш чоғида қуйидаги тажрибани қўллаш мумкин: "Божхона картаси" бир қатор тижорат ва жамоат ташкилотлари, шу жумладан Божхона брокерлари миллий уюшмаси, ҳамда ТИФ иштирокчилари ва божхона иши соҳасида фаолиятни амалга оширувчи бошқа шахслар учун Россия божхона органлари олдида кафил бўлиш ҳуқуқини ҳам олди. Россия ФБХ вакиллари аввал-бошдан тўлов дастаги бўлиши кўзланган божхона картаси тўловларни кузатиб бориб, экспорт-импорт операцияларини амалга оширадиган бизнес вакилларининг мажбуриятларини ҳисобга оладиган янада самарали ва мураккаб воситага айланганлигини таъкидладилар.

Айтиш лозимки, ҳозирга келиб 2015 йилда 3 мингдан ортиқ божхона картаси чиқарилган (эмиссияланган). Бироқ, эмиссия "Божхона картаси" тўлов тизимида белгиловчи кўрсаткичи ҳисобланмайди. Асосий кўрсаткич транзакция миқдори. Ўтган йили божхона картаси бўйича транзакциянинг ўртача суммаси бир миллион Россия рублидан ошиб кетди, бу эса халқаро тўлов тизимларининг карталари бўйича транзакциянинг ўртача суммасидан тахминан 80 марта кўпдир.

2015 йил охирига келиб божхона карталари ёрдамида Россия ТИФ иштирокчилари барча тўловларининг 12%га яқини тўланган, икки йил аввал эса бор-йўғи 3%и тўланган эди. "Божхона картаси"

тизимига божхона карталари эмитенти бўлган 60 дан ортиқ банк кирган, бутун Россия бўйлаб 100 божхонада 400 дан ортиқ терминал ўрнатилган. Бунинг устига божхона карталари эмитенти бўлган банкларнинг бир қисми 2004 йилдан бошлаб кредит карталари чиқара бошлаган. Бундай карталарнинг эгаларига банклар махсус карта ҳисоб рақами бўйича овердрафт (овердрафт - банкнинг мижозга (одатда ишончлисига) ҳисоб-китоб рақамида қисқа муддат дебет сальдосига эга бўлишга рухсатномаси) режимида божхона карталаридан фойдаланган ҳолда божхона тўловларини ўтказиш учун юридик шахсларни кредитлаш хизматларини тақдим этади.

Амалиётда "Божхона картаси" бошланғич маҳсулоти вақт ўтиши билан ҳамроҳ бўладиган хизматларнинг бутун бир пакетига эга бўлиши ва бу фақат ижобий омил эканлигига қаратилди.

Биз Россия Федерацияси божхона органлари тизимида Федерал хазина тизими орқали ҳисоб-китобларнинг самарали муқобил усули ҳақида анча батафсил тўхтаб ўтдик. Энди бизнинг республикамызда бунга ўхшаш тизимни жорий этиш қандай истиқболларга эга эканлиги ҳақида сўз юритадиган бўлсак айтиш керакки россиялик ҳамкасблар тажрибаси ғоятда қизиқарлидир. Божхона хизматимизнинг асосий устувор йўналиши савдога кўмаклашиш ва ташқи иқтисодий фаолият учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳисобланиши инobatга олинса, истиқболда бундай тизимни жорий этиш уни амалга ошириш сари қўйилган қадам бўлар эди. Зеро ТИФ иштирокчилари қулай ва тезкор божхона

расмийлаштиришига, пул маблағлари тўлиқ назорат қилинишига, улар билан муомала эркинлигига эга бўладилар.

Бунда шуни қайд этиш лозимки, илгари Евросиё иқтисодий кенгашига аъзо мамлакатларнинг божхона хизматлари томонидан божхона ҳамда банк технологияларининг интегратори сифатида Россия банклар ҳамжамияти ва "Божхона картаси" нинг тажрибаси маъқулланган эди. Шу билан бирга шуни назарда тутиш лозимки, бундай таомилни жорий этиш кўп қиррали узоқ давом этадиган иш, юридик, молиявий, технологик ва техник тусдаги бир қатор муаммоларни ҳал этиш зарурати билан боғлиқ. Аввало божхона карталарини қўллаш имкониятини Марказий банк билан ҳамкорликда кўриб чиқиш зарур, чунки божхона карталарининг эмитенти сифатида бутун республика бўйлаб филиалларнинг кенг шохобчали тармоғига эга бўлган бирор-бир ваколатли банк чиқиши керак. Божхона расмийлаштириши бутун жараёнини ахборотлаштириш, режалаштирилаётган истиқболда электрон декларациялашга бутунлай ўтиш доирасида микропроцессор карталаридан фойдаланган ҳолда божхона тўловлари бўйича электрон ҳисоб-китоблар тизимини жорий этиш ушбу жараёнларнинг муҳим поғоналаридан бирига айланиши мумкин. Россиялик ҳамкасбларнинг тажрибасига қараганда, божхона картаси божхона расмийлаштиришининг реал дастагидир.⁶¹

Ахборот технологияларининг божхона тизимида самарали қўлланилишининг жаҳон тажрибасига назар соладиган Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлар сирасига қирадиган Шарқдаги етакчи

⁶¹ Манба: www.interpress.uz. СБХ 15-сон (11 апрель) 2015 йил.

божхоналардан бири - Сингапур божхона хизматининг иш тажрибаси билан танишиб чиқсак бўлади.⁶²

Бунга Сингапур халқаро тадбиркорлар уюшмаси (IE Singapore) ОТБ билан ҳамкорликда тайёрланган дастури савдога кўмаклашиш ва божхона хизматини замонавийлаштириш (Сингапур Халқаро савдо институти); ички йиғимлар ва солиқлар бўйича интеграцияланган ахборот тизими (Даромадлар ва йиғимлар вазирлиги); божхона ва солиқ хизматларини замонавийлаштириш, хусусий секторни жалб этиш ва унинг ушбу жараёни тезлаштиришдаги роли; божхона ахборотининг ягона автоматлаштирилган тизими (Trade Net); Сингапур божхона хизмати ишининг самарадорлигини оширишда хатарларни бошқариш ва логистика марказларининг аҳамияти каби масалалари бўйича маълумотлар киради.

Бунда позицияларнинг келишиб олингани ва савдо учун қулай шарт-шароитлар яратишга комплекс ёндашув уларга қонунлар, божхона декларацияларига ишлов беришдан бошлаб божхона омбори фаолиятига лицензиялар ва савдо қилиш учун сертификатлар беришгача бўлган турли божхона таомилларини такомиллаштириш, солиқ юкини камайтириш, божхона ва божхона муҳитининг ривожланишига инвестициялар учун кичик ва ўрта бизнесга қулай шароитлар яратиш ва бошқа масалалар устида самарали ишлашлари учун имкон яратади. Божхона таомилларини соддалаштирувчи янги *ахборот технологияларининг* жорий этилишига алоҳида аҳамият берилади. Дарвоқе, божхона

⁶² Манба: «Солиқлар ва божхона хабарлари» 2013 йил 5 март № 11 (555).

бошқарувини такомиллаштиришга доир асосланган ва аниқ дастур давлат томонидан божхона хизматини замонавийлаштиришга инвестициялар кўринишида қўллаб-қувватланган.

Қисқача Сингапур божхона хизмати хусусида изох берадиган бўлсак қуйидагиларни айтиб ўтиш мумкин. Сингапур божхона хизмати Молия вазирлиги таркибига киради, унинг штатида 500 киши бор. 94 йиллик тарихи давомида унинг тузилмаси бир неча бор ўзгарган. Сўнгги қайта ташкил қилиш 2003 йилда ўтказилган.⁶³ Бунинг натижасида 1 апрелдан бошлаб божхона ва акциз департаментларидан ташкил этилган Сингапур божхонаси иш бошлади. Шунингдек, унга Сингапур халқаро тадбиркорлар уюшмаси (анжуман ташкилотчиси) кирди. Ўтказиш пунктларидаги назорат иши вазифалари янги ташкил этилган миграция назорати органига (ICA) топширилди, у илгари Иммиграция ва рўйхатга олиш хизмати деб аталарди.

Сингапур божхонасининг асосий вазифаларига импорт божлари ва акциз тўловларини ундириш киради. Айни пайтда Сингапурда бож солинадиган товарларнинг 4 гуруҳи мавжуд: сигарета ва тамаки маҳсулотлари, ўткир спиртли ичимликлар, бензин ва автомобиллар. қўшилган қиймат солиғи ставкаси 5% ни ташкил этади, у барча импорт ва маҳаллий товарлардан ундирилади. Сингапур товар айланмаси 2004 йилда 320 млрд АҚШ долларига етди. Давлат бюджетидаги божхона тўловларининг улуши 20-30% ни ташкил этади. Божхона хизмати тузилмасига 5 та бошқарма: тезкор, савдо, назорат, режалаштириш ва корпоратив

⁶³ Манба: «Солиқлар ва божхона хабарлари» 2015 йил 5 март № 11 (555).

ривожлантириш бошқармалари киради. Бундан ташқари иккита ихтисослаштирилган бўлинма - ички аудит ва суд тергови бўлинмалари мавжуд. Наркотикларнинг ноқонуний айланмасига қарши кураш билан махсус Наркотиклар устидан назорат қилувчи агентлик шуғулланади.

Таъкидлаш лозимки Сингапурда режали ва илмий ёндашувларсиз бунга эришиб бўлмайди. Сингапур Халқаро савдо институти интеллектуал ва маслаҳат маркази вазифасини бажаради, у билан ҳамкорликда лойиҳа ишлаб чиқилиб, эндиликда божхона хизматини замонавийлаштириш комплекс дастури жадал жорий этилган.⁶⁴

Ахборот технологиялари қимматга тушади, бироқ уларсиз замонавий божхонани барпо этиб бўлмайди. Айнан улар айна вақтда назорат самарадорлигини оширган ҳолда божхона расмийлаштируви жараёнини тезлаштиради. Crimson Logic компанияси офисида анжуман иштирокчиларига намоёиш қилинган божхона ахборотининг ягона автоматлаштирилган тизими (Trade Net) бундан гувоҳлик беради, у жаҳон амалиётидаги дастлабки савдо операциялари бўйича умуммиллий электрон ҳужжатлар юритиш тизимларидан бири ҳисобланади. У тезкор равишда, мен ҳатто бир зумда (1-2 дақиқа) деб айтган бўлардим, савдо билан боғлиқ турли хил рухсатномаларни олишга берилган сўровларни тасдиқлаш имконини беради. Оралиқ ахборот тизимларидан фойдаланиб, он-лайн режимида ишлаш самарадорлиги савдо ҳамжамиятини ғоятда ўзига жалб этади.

⁶⁴ Манба: СБХ. № 11 (555) 2015 йил 5 март.

Миллий божхона хизмати фаол қўллайдиган хатарларни бошқариш тизими ва савдога кўмаклашиш бўйича логистика маркази фаолияти билан танишиб чиқсак.

Хатарларни – баҳолаш услуги божхона расмийлаштирувини тезлаштиради. Хатарларни бошқаришда электрон ҳужжатлар алмашинуви ва божхона технологияларини автоматлаштиришнинг юқори даражаси муҳим аҳамият касб этади. Таомилларни тезлаштиришдан ташқари, ахборот тизимлари мансаб ҳуқуқбузарликлари эҳтимolini анча камайтиради. Сингапурда бунга қарорларни қабул қилишда инсон омили ролини камайтириш ҳисобига эришилган. Чунончи, масалан, компьютер дастури божхона тозалашини ўтказиш учун «кутилмаган тарзда» инспекторни тайинлаб, хатарлар таҳлили асосида божхонада расмийлаштиришнинг тезлаштирилган таомилини қўллашни тавсия этади ёки тақиқлайди, шунингдек кўрикдан ўтказиш даражасини тавсия этади.

Сингапур порти замонавий техник назорат воситалари билан яхши жиҳозланган, бизга намоиш қилинган энг янги сканерли ускуна юқори эҳтимоллик даражаси билан контрабандани аниқлаш имконини беради. Шунини қайд этиш керакки, юкларни кўздан кечириш самарадорлиги кўп функцияли ва ўзаро бир-бирини тўлдирувчи мажмуага бирлаштирилган кўрикдан ўтказиш техникасини фаол қўллаш билан шартланган.

ОТБ мутахассисларининг баҳолашига кўра, логистика соҳасида хизматлар халқаро стандартига мос келадиган ва энг замонавий технологияларга таяниб ишлайдиган савдога кўмаклашиш бўйича

логистика марказининг иш тажрибаси қизиқарлидир. У тўлиқ доирадаги логистик хизматлар кўрсатади: ташиш, божхона расмийлаштириши, сақлаш, мураккаб чизмалар, шу жумладан турли хил транспортлар мос келиши билан юкларни етказиб бериш тезлашадиган мультимодал ташишлар бўйича экспедицияни амалга оширади. Логистика маркази турли хил жўнатмалар учун товарларни ўраш хизматларини ҳам кўрсатиб, уларни ишлаб чиқарувчи заводларга буюртма қилиб, божхона омборларидаги товар захираларини кузатиб боради. Йирик савдо компанияларининг ўзларида шундай хизматни ташкил қилгандан кўра, бу ишни логистик операторга топшириши осонроқ. Савдога кўмаклашиш бўйича логистика марказларининг вазифаси - миждозларни ортиқча ташвишлардан холос қилиб, уларга асосий фаолиятлари билан шуғулланиш - кўпроқ сотиш имконини беришдир, марказлар эса миждозлар харажатларини тежаган ҳолда товарлар ҳаракатини самарали бошқаришни ўз зиммаларига оладилар. Айтиб ўтиш лозимки, Сингапур Жануби-Шарқий Осиёдаги энг катта логистик марказдир. 5000 дан ортиқ йирик трансмиллий компания уни ўз дистрибьютер бўғини сифатида танлаган.⁶⁵

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ҳам жорий этилаётган божхона органларининг Ягона автоматлаштирилган ахборот тизимига жаҳоннинг турли мамлакатларининг божхона хизматлари вакилларини қизиқишини ҳисобга олиб, ДБҚ раҳбарияти божхона хизматимиз ТСОЯЭАТ ва ЯААТни барпо этиш бўйича БХҚга аъзо барча манфаатдор мамлакатлар билан тажриба алмашишга

⁶⁵ Манба: «Солиқлар ва божхона хабарлари» 2015 йил 5 март № 11 (555).

тайёрлигини билдириб ўтган. Қирғизистон, Озарбайжон, Тожикистон ва Мўғулистон божхона хизматлари бундай тизимларни ўзларида жорий этиш истагини ва бунга тайёрликларини билдириб, шу тариқа давлатлараро ўзаро маълумотлар айирбошлаш пойдеворини яратмоқчилар. Қозоғистон ва Хитой божхоналари делегацияларининг раҳбарлари Ўзбекистон божхона хизматининг анча муваффақиятга эришганини тан олиб, унинг услубиятини ўрганиш истагини билдирдилар. Ўзбекистон томонидан ахборот-коммуникация технологияларини (АКТ) ривожлантиришга доир аниқ ташаббуслар такдим этилган.

5.3. Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологиялари ва электрон рақамли имзо, электрон декларациялашни ривожлантириш


Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов томонидан 2015 йил 17 январдаги Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ўсишини таъминлаш, макроиқтисодий ва молиявий барқарорликка эришиш борасида бир қатор устувор йўналишларни ва вазифаларни белгилаб берган. Натижада 2015 йилда олиб борилган ислохотларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши натижасида давлатимизнинг деярли барча соҳаларида стабил иқтисодий ўсиш кузатилди.

Ахборотлаштиришни ривожлантириш, иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида замонавий ахборот технологияларини, компьютер техникаси ва телекоммуникация воситаларини оммавий равишда жорий этиш ҳамда улардан фойдаланиш, фуқароларнинг ахборотга ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондириш, жаҳон ахборот ресурсларидан баҳраманд бўлишни кенгайтириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш алоқа ва ахборот-коммуникация соҳасини ривожлантиришни асосий вазифалари ҳисобланади. 2015 йил давомида олиб борилган иқтисодий ислохотлар, таркибий ўзгаришлар, иқтисодий ва ижтимоий сиёсат алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ҳам ўзининг натижаларини берди. Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш 2016-2018 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастури, Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан қабул қилинган дастурлар ва Кенгашнинг иш режасига мувофиқ амалга оширилади.⁶⁶

Хозирги пайтда ахборот технологияларини ҳамма соҳада фойдаланишни йулга куйиш, жумладан божхона тизимида ушбу замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш узини ижобий натижаларини курсатиб келмокда. Бунга мисол тарикасида яқинда қабул қилинган «Электрон рақамли имзо тўғрисида» ва «Электрон ҳужжатлар айланиши тўғрисида»ги қонунлар божхона хизматида ахборот технологияларини ҳар томонлама жорий этишга йўл очиб берди.⁶⁷

⁶⁶ www.Uzreport.com Infocom журнали: 27-09-2015.

⁶⁷ Манба: СБХ. 22 (618) —сон 2012 йил .30 май.



Манба: www.uzreport.com.

Юқорида кўрсатилган ахборот коммуникация тармоғини жаҳон бозоридаги ўсиш суратлари яққол кўриниб турибди. Ҳозирги вақтда ДБҚ божхона бўлинмалари орасида электрон декларациялаш, товарнинг электрон божхона паспорти, олдиндан электрон хабардор қилиш каби электрон ҳужжатлар айланишини жорий этиш устида фаол ишламоқда. Маълумотлар базасини бошқаришнинг кўп фойдаланиладиган тизими қўлланадиган бир қанча янги дастурлар жорий этишга қаратилган.

Бу янгиликларнинг икки қисми яхлит вазифаси божхонада расмийлаштиришни имкон қадар жадаллаштириш билан бир вақтда божхона назорати самарадорлигини оширишдан иборат. Асосий бўғин – божхона масканларидир. Айни шу ерда ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари ва давлат манфаатлари тўқнашади, божхона органларининг ходимлари давлат номидан унинг

манфаатларини ҳимоя қиладилар, кўпинча айти шу ерда келишмовчиликлар вужудга келади.

Ҳозир товарни расмийлаштираётган божхона ходими фақат бир манбадан – декларантнинг ўзидан ахборот олади. БЮД (божхона юк декларацияси) ва бошқа қоғоз ҳужжатлардаги маълумотларни текшириш, одатда, кўп вақтни олади. Бу эса божхона учун ҳам, ТИФ иштирокчиси учун ҳам мақбул эмас. Янги технологиялар бу ерда нимани ўзгартиради?

Биринчидан, товарлар, транспорт воситалари ва ТИФ иштирокчилари тўғрисидаги ахборот манбалари доираси кенгаяди.

Иккинчидан, зарур маълумотларни керак бўлган пайтда – божхонада расмийлаштириш чоғида олиш мумкин бўлади.

Учинчидан, ҳужжатлар қоғоз тусида эмас, электрон тусда бўлади. Келажакда, божхона декларациясидаги маълумотларни автомат тарзда текшириш назарда тутилади. Келгусида божхонада расмийлаштириш бундай кўринишда бўлади: ҳужжатлар автоматик равишда қабул қилинади ва текширилади, назоратнинг махсус чораларини талаб қиладиган товарларни аниқлаш учун товарлар автомат тарзда селекция қилинади, сўнгра хатарлар таҳлил қилинади ва қарор қабул қилинади. Шу ўринда декларациялашга алоҳида тўхталиб ўтсак.

Ҳозирги кунда хатарларни бошқариш тизими билан боғланган, тўғри тузилган электрон декларациялаш тўловлар тўпланишини оширади ҳамда декларантлар ва божхона органларининг ходимлари йўл қўядиган тартиб-қоида бузилишларини камайтиради. Бу албатта божхона хизмати

фаолиятини янада самарали амалга оширишда катта аҳамиятга эгадир. Четдан қараганда, электрон декларациялаш натижасида назоратнинг тўлалиги камайгандек кўринади, бироқ ҳақиқий вазият мумкин қадар тўла назорат қилинадиган бўлади.⁶⁸ Бу ерда таъкидлаб ўтиш лозимки, электрон декларациялашни жорий этишни вазифаларидан бири ТИФнинг қонунга риоя қилувчи иштирокчилари учун божхонада расмийлаштиришни қисқа ва имкони борича қулай жараёнга айлантиришдир.

Шубҳасиз, амалда ахборот технологияларини кенг қўлланишга янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ёрдам беради. Бу нарсга ўша божхона юк декларацияси мисолида аниқ намоён бўлади. У декларантнинг божхона органлари билан муносабатларини белгилабгина қолмай, товарлар қонунийлиги тўғрисида далолат берувчи ҳужжат бўлиб хизмат қилади.

Назорат қилувчи органлар ягона тизимнинг маълумотлар базасига қараб, унинг ҳақиқийлигига ишонч ҳосил қилишлари мумкин. Шу тариқа, турли давлат тузилмалари ўртасида ахборот айирбошлашни кенгайтириш – бошқарув ва назорат самарадорлигини оширишнинг энг муҳим дастакларидан бири бўлиб қолади.

Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими (ТСО ЯЭАТ)да бўлгани каби айирбошлаш форматини тартибга солиб, икки томонлама ахборот айирбошлашни қўллаб-қувватлаш, мантиқий иш бўлади.⁶⁹ Божхона органлари бошқа

⁶⁸ Манба: СБХ. 22 (618) –сон 2012 йил .30 сентябрь.

⁶⁹ Манба: СБХ. 24 (714) –сон 2014 йил.28 июнь.

идоралардан олган ахборот, шу жумладан хатарларни таҳлил қилиш ва бошқариш тизимида ҳам тўпланади, тизимларга ажратилади ва фойдаланилади. ДБК божхона технологияларини автоматлаштириш департаменти бу ахборотни олиш, сақлаш, излаш ва ундан фойдаланишни алгоритмга солиш билан шуғуллана бошлади.

Яқин келажакда электрон декларациялаш технологияси ва таомил қоидаларини пухта ишлаб чиқиш лозим бўлади. Божхона инспектори декларантдан электрон декларацияни олгач, БЮД (божхона юк декларацияси) да келтирилган маълумотларни текширади ва товарни чиқариш ёки божхона назоратининг қўшимча чораларини қўллаш тўғрисида тегишли қарор қабул қилади. Божхона ходимида қўшимча саволлар туғилиши мумкин. Балки декларант электрон декларацияга киритилган ахборотни аниқлаштириши, тузатиш киритишига тўғри келар. Бундай ҳолларда улар реал вақт тартибида электрон хабарларни айирбош қиладилар. Электрон декларациялаш декларантнинг божхона инспектори билан бевосита мулоқот қилиш заруратини бартараф этади. ТИФ иштирокчиси божхона постидан юзлаб чақирим олисда компьютер олдида ўтириб, ахборотни ишлаш тармоғига уланиб, божхона декларациясини тўлдириши, унга электрон рақамли имзо қўйиши, бошқа зарур маълумотларни киритиши ва барча ахборотни ўз хабари сифатида ҳудудий божхона бошқармасига юбориши мумкин. Рақамли имзонинг мавжудлиги ушбу маълумотлар юридик кучга эгалигини билдиради.

Шу уринда *электрон божхона паспорти* тўғрисида гапириб
утиш зарурдир. Ишлаб чиқиладиган дастурнинг асосий
унсурларидан бири битимнинг электрон божхона паспортидир. Уни
автоматик равишда – чегарада расмийлаштириш таомилининг
бошланишида расмийлаштиришади. Бу хужжатга товар
тўғрисидаги маълумотлар (коди, вазни, фактура қиймати), БЮД
(божхона юк декларация)нинг ва товарни вақтинча сақлаш
омборида ҳисобга олиш хужжатлари нусхаларини киритиш
мўлжалланмоқда. Булардан ташқари, унда божхона ходимларининг
ҳамма ҳаракатлари қайд этилади. Шу тариқа, чегарани кесиб ўтган
пайтдан бошлаб, божхонада расмийлаштиришнинг охиригача товар
ва транспорт воситасининг тарихи тўла ёзилади. Бу технологияни
шартли равишда тўла хужжатли назорат деса бўлади. Бунда эса
биз албатта *олдиндан хабар қилиш технологиясига* эътибор
беришимиз лозим. У божхонада расмийлаштиришни тезлатишнинг
яна бир имкониятидир. Технология тахминан бундай: товар
тўғрисидаги электрон хужжатлар пакети божхона органларига
олдиндан юборилади. Товар чегарага етиб келганда божхона
инспектори ахборотнинг дастлабки таҳлили ва назорат шаклини
танлашга вақт сарфламайди. Бундан импортчи ҳам ютади – унинг
юкки божхона омборида ётмайди, бинобарин уни сақлаш билан
боғлиқ чиқимлар ҳам бўлмайди. Бундай технология жараённинг
барча иштирокчиларига ўз ҳаракатларини режалаштириш
имконини беради. Божхонада расмийлаштиришни етарлича
тезкорлик билан амалга ошириш имкони пайдо бўлади. Юкни
келтириш устидан назорат автомат дастурининг яратилиши ва

унинг ҳозир ДБҚ божхона назоратини ташкил этиш бўлинмасида қўлланилиши бунга яққол мисол бўла олади.⁷⁰

Қисқача хулоса

Биринчидан, электрон божхона паспортининг барпо этилиши ва олдиндан хабар қилиш технологиясининг жорий этилиши – яқин икки йилда амалга ошириладиган ишдир. Сўнгра электрон декларациялаш ҳам аста-секин жорий этилади. Бу ишга тўсқинлик қилаётган омиллардан бири божхона органлари ва бошқа давлат ташкилотлари ўртасида электрон маълумотларни айирбошлаш тизимининг етарлича самарали эмаслигидир. Бу нарса кўп жиҳатдан ахборот соҳасига маблағлар қўйишга боғлиқ, чунки янги алоқа каналларини ётқизишга ва техникани янгилашга кўп маблағ зарур бўлади. Давлат божхона қўмитаси компьютерларни ва бутловчи деталларни мунтазам янгилаб бормоқда. Аммо, ҳозир фойдаланилаётган шахсий компьютерларнинг тўртдан бир қисми ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари ўртасида сотиб олинган маънавий ва жисмоний эскирган техникадан иборат.

Иккинчидан, ахборот технологияларнинг энг охирги русм компьютер ва ускуналарини қўллаш божхона органлари олдида турган энг қулай ва тежамкор усуллардан биридир. Шунинг учун Республикамиз ҳукумати ва ЖБҚнинг раҳбарияти божхона органларига охирги техник ускуналарни қўйиш ва улардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиб доим назоратда ушлаб келмоқда.

⁷⁰ Манба: СБХ. 22 (618) –сон 2014 йил .30 август.

Учинчидан, товар чегарага етиб келган божхона инспектори ахборотнинг дастлабки таҳлили ва назорат шаклини танлашга вақт сарфламайди. Бундан импортчи ҳам ютади – унинг юки божхона омборида ётмайди, бинобарин уни сақлаш билан боғлиқ чиқимлар ҳам бўлмайди. Бундай технология жараённинг барча иштирокчиларига ўз ҳаракатларини режалаштириш имконини беради. Божхонада расмийлаштиришни етарлича тезкорлик билан амалга ошириш имкони пайдо бўлади. Юкни келтириш устидан назорат автомат дастурининг яратилиши ва унинг ҳозир ДБК божхона назоратини ташкил этиш бўлинмасида қўлланилиши бунга яққол мисол бўла олади

Ҳозирги кунда ТИФ иштирокчилари учун энг асосийси тезкорлик ҳисобланади. Аввалги чизма бўйича товар туркумини расмийлаштиришга пул гарови кўринишида таъминот киритилишига бир неча кун кетар эди, чунки божхона ишини фақат пул унинг ҳисоб рақамига келиб тушган пайдан бошларди. "Божхона картаси" тизимига ўтгандан сўнг барча операциялар беш дақиқадан кўп вақтни олмаяпти. Яна бир ғоятда муҳим афзаллик: божхона органига таъминот ёки бўлак тўловини киритаётганда тадбиркор кўпинча зарур сумманинг аниқ миқдорини билмайди, натижада эҳтиёт юзасидан ортиқча тўлайди, яъни ўзининг маблағларини "музлатади". Божхона картасидан фойдаланилганда бундай муаммога энди дуч келинмайди. Бундай шароитда асосан мисол тариқасида оладиган бўлсак Россиянинг янги Божхона кодекси жорий этилиши билан божхона тўловларини тўлаш бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш зарур бўлган ҳоллар

кўпайганлигига қаратиш лозим. Шу сабабли ҳисобни тизимлаштириш ва таъминотни киритишни соддалаштириш учун божхона карталарини қўллаш соҳаси кенгайтирилган. Божхона картасидан тўловчининг махсус карта ҳисоб рақамида маблағларни резервлаштириш операцияси асосида божхона тўловларини тўлаш мажбуриятини таъминлаш чоғида фойдаланилади.

**Мустақил ишлаш ва ўз – ўзини назорат қилиш учун
саволлар:**

1. Ўзбекистон Республикасида ахборот – коммуникация технологияларини ривожлантириш истиқболлари хусусида гапириб беринг?
2. Божхона тизимида замонавий ахборот технологияларини қўллашнинг жаҳон тажрибасининг аҳамияти.
3. Божхона тизимини фаолиятини самарадорлигини оширишда ахборот – коммуникация технологиялари борасидаги халқаро ҳамкорликнинг аҳамиятини тушунтириб беринг?
4. Божхона тизимида электрон рақамли имзони қўллашнинг жаҳон тажрибаси.
5. Электрон декларациялашни қўллашни жаҳон тажрибаси.
6. Ахборот технолгияларининг ривожлантириш истиқболларидаги мавжуд тўсиқлар ва муаммолар ҳақида гапириб беринг?

Тавсия этилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов томонидан 2015 йил 17 январдаги Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий

ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи 18 январь 2015 йил

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи 18 январь 2014 йил.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги 30 май 2002 йилдаги ПФ. 3080 – сонли фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 11 июл «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига истеъмол товарларини олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги ПФ-3105 сонли Фармони ва ушбу Фармонга 2002 йил 6 ноябрдаги ПФ-3159 сонли қўшимча Фармон.

5. «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот – коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. «Халқ сўзи» газетаси, 2002 йил, 6 июнь.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 31 июлдаги 393-сонли «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалари ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудуди

орқали олиб кириш, олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тўғрисида»ги Қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси фаолиятини ташкил этиш масалари тўғрисида»ги 30 июль 1997 й. 974 – сон қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона Қўмитасини ташкил қилиш тўғрисида»ги 1997 йил 8 июлдаги ПФ-1815 Фармони.

9. «Ахборот технология соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори «Халқ сўзи» газетаси, 2005 йил, 3 июн.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси давлат божхона қўмитасининг ягона автоматлаштирилган ахборот тизимини ташкил этиш тўғрисида»ги 28 сентябрь 2004 йилдаги 450 – сон қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги 30 май 2002 йилдаги ПФ. 3080 – сонли фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 11 июл «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига истеъмол товарларини олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги ПФ-3105 сонли Фармони ва ушбу Фармонга 2002 йил 6 ноябрдаги ПФ-3159 сонли қўшимча Фармон.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 31 июлдаги 393-сонли «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалари ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали олиб кириш, олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тўғрисида»ги Қарори.

ХУЛОСА

Сўнгги йилларда божхона органларини ахборот – техник таъминлашда, уларнинг барча давлат идоралари билан ўзаро алоқаларида катта сифат ўзгаришлари юз берди. 2003 йилдан бошлаб ДБҚ худудий бошқармаларида локал ҳисоблаш тизимлари (ЛХТ)ни ўрнатиш ишлари ниҳоясига етди. Ушбу ахборот ташқи савдо операцияларининг ягона тизимига киритилган.

Қарор ва Низомга кўра экспорт-импортни тартибга солиш соҳасида ахборий таъминотнинг «икки тарафлама» тизими белгиланади, у ваколатли давлат органлари (мониторинг юритиш доирасида фойдаланилади) ва ташқи савдо фаолияти субъектларини ахборий таъминлашни назарда тутди. Мониторинг юритиш асосини ташкил этадиган ахборот айирбошлашнинг асосий бўғини бўлиб Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими (ТСОЯЭАТ) ҳисобланади. Ўз моҳиятига кўра, у экспорт-импорт соҳасида мониторинг ва назоратни амалга оширишга ваколатли органларга экспорт-импорт контрактларининг бажарилиши тўғрисида маълумотларни тезкор олиш ва ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда қонун ҳужжатларида белгиланган чораларни кўриш имконини беради.

Шуни таъкидлаш лозимки, кўрсатилган тизимга фақат ваколатли органларнинг ходимлари кириш ҳуқуқига эга, унга юридик ва жисмоний шахсларнинг кира олиши мумкин эмас. ТСОЯЭАТда мавжуд бўлган барча ахборот қатъиян махфий ҳисобланади ва учинчи шахслар ўртасида тарқатилмайди.

Ташқи савдо фаолияти субъектлари шуни назарда тутишлари лозимки, қарорга кўра импорт қилинаётган товарлар нархи тўғрисида зарур ахборот олишнинг қўшимча имконияти белгиланган: ДБҚ ва ТИАА ҳар ойда оммавий ахборот воситаларида қуйидаги асосда шакллантирилган бюллетени чоп этишлари лозимдир:

- ТСОЯЭАТ да мавжуд бўлган маълумотлар;
- бошқа давлатларнинг ваколатли органлари томонидан расмий равишда чоп этиладиган ўхшаш нархлар ахбороти маълумот тўпламлари, бюллетенлар ва шу сингари мажмуалар;
- ОАВ (оммавий-ахборот воситалари)да чоп этиладиган, шунингдек Internet тармоғи орқали тарқатиладиган, товар хом-ашё биржалари орқали сотиладиган товарлар нархлари (биржа котировокаларининг маълумотлари);
- ватанимиз ва хорижий юридик шахслар – товар ишлаб чиқарувчилар ёки уларни етказиб берувчиларнинг чоп этиладиган прайс-варақлари;
- юридик шахслар – ишлаб чиқарувчилар ёки етказиб берувчиларнинг йиғма нархлар ахбороти;
- Ўзбекистонда аккредитацияланган, товар ишлаб чиқарувчи хорижий компанияларнинг расмий ваколатхоналари, шунингдек уларнинг расман рўйхатдан ўтказилган дилерлари ёки дистрибьюторлари томонидан жойлаштириладиган маълумотлар.

Бундан ташқари, товарлар нархининг жаҳондаги конъюнктура ҳолати тўғрисидаги ахборот манбалари сифатида Жаҳон савдо ташкилоти, Халқаро савдо палатаси ва бошқа

ихтисослаштирилган халқаро ташкилотлар томонидан чоп этилган ахборий маълумотлардан фойдаланиш мумкин.

Божхона ва солиқ органлари, ваколатли банклар, ташкилотлар ва давлат бошқаруви бошқа органларининг тезкор ва сифатли ўзаро ҳаракатларини амалга оширишда ахборотни узатиш айирбошлаш ва сақлашнинг узоқдан тақсимланиши, фойдаланиши мумкин бўлган бундай кўп вазифали ва воситасининг стратегик аҳамиятини баҳолаш кийин. Божхона органларининг автоматлаштирилган ахборот – ҳисоблаш тизимининг барпо этилиши уларни фаолиятининг барча асосий йўналишларини автоматлаштириш имкониятини берди, яъни:

- ташкил этилаётган ягона автоматлаштирилган тизимнинг технологик ва аппарат платформасини белгилаб берадиган базавий концептуал ҳужжатлар ишлаб чиқарилди;

- божхона юк декларацияларини божхона кийматини декларацияларини базага киритиш, туплаш ва ишлаб чиқиш, божхона туловларини ҳисоблаш ва ундиришни назорат қилиш жараёнлари автоматлаштирилди;

- божхона таомилларининг соддалаштириш, юкларни расмийлаштиришга кетадиган вақтини қисқартириш имконини берди;

- юкларни Ўзбекистон божхона ҳудудига келишидан бошлаб улар божхонада тозаланишга қадар назорат қилишнинг бир қатор дастурлари ишлаб чиқарилди.⁷¹

⁷¹ «Ватан иқтисодий манфаатларининг посбони».СБХ, 2014 йил 25 октябрь № 43.

Божхона бўлинмалари ўртасида электрон хужжатлар айланмасини электрон деклорациялаш, товарнинг электрон божхона паспорти, олдидан электрон ахборот беришни жорий этиш юзасидан фаол иш олиб борилмокда:

- хар томонлама фойдаланиладиган маълумотлар базасини боқариш тизимининг бир канча янги дастурлари тайёрланди ва улар жорий этилди;

- асосий мақсадга ДБК турли бўлинмаларининг маълумотлари билан бир вақтнинг ўзида ишлаш ва божхона тузилмасининг қуйи даражасидан ахборотни марказий аппаратгача бир вақтда узатишни амалга ошириш имкониятига эришилди;

- интернет ёрдамида бошқа мамлакатларнинг ахборот ресурсидан фойдаланишга йўл очилди.

Ҳозирги кунда ХХІ асрдаги фан-техника таррақиёти ютуғларидан илм-фанни, иқтисодиёт, таълим ва бошқа турли соҳаларни ривожлантиришда самарали фойдаланишдан ташқари Ўзбекистон Республикасини нарқобизнес ва қурол-яроғ контрабандаси, экстремизм ва терроризмга қарши халқаро майдонда барча давлатлар билан биргаликда курашиш жараёнида кен фойдаланишни йўлга қўйиш лозимдир.

Чунки божхонага доир қонунбузарликлар иқтисодий жиноятларнинг ўзига хос тури бўлиб, суверен давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига катта зарар етказади. Божхона органларининг фаолиятлари йўналишларидан бири, Республикага ноқонуний тарзда айланма йўллар орқали, ўрнатилган қонун қоидаларини бузган ҳолда божхона

декларациясидан ўтказмай, товарларни олиб киришни олдини олишдир. Давлат хавфсизлигига таҳдид солаётган жиноятлар қонунни муҳофаза қилувчи органлар томонидан муносиб равишда қаршиликка дучор бўлиши керак. Ўз навбатида, буларнинг ҳаммаси бизни бу ходисаларга қарши мустақил қонуний асосларни яратишимизга зарурият туғдиради.

Чунки, хавфсизлик, ҳозирги кунда бутун дунёни ларзага солаётган халқаро терроризм, экстремизм, сепаратизм, гиёҳвандлик, уюшган жиноятчилик каби иллатлардан қандай қилиб ўзимизни ҳимоялашимиз, юртимиз, минтақамиз тинчлигини турли хил тажовузлардан, қандай сақлашимиз лозим деган масалалар билан боғлиқ бўлиб, булар ўз ўрнида эътиборимиз марказида бўлиши шарт.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Қонулари

1. «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 19 август 1999 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Ташки иктисодий фаолият тўғрисида»ги қонуни. Т: Иктисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 2000 й.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида» ги Қонуни, «Халқ сўзи» газетаси, 2004 йил, 11 февраль
4. Ўзбекистон Республикасининг «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги қонуни. Т: Адолат. 2004 й.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва Қарорлари

1. «Ахборот технология соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори «Халқ сўзи» газетаси, 2005 йил, 3 июн.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси давлат божхона қўмитасининг ягона автоматлаштирилган ахборот тизимини ташкил этиш тўғрисида»ги 28 сентябрь 2004 йилдаги 450 – сон қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги 30 май 2002 йилдаги ПФ. 3080 – сонли фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 11 июл «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига истеъмол товарларини олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги ПФ-3105 сонли Фармони ва ушбу Фармонга 2002 йил 6 ноябрдаги ПФ-3159 сонли қўшимча Фармон.
5. «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот – коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. «Халқ сўзи» газетаси, 2002 йил, 6 июнь.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 31 июлдаги 393-сонли «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалари ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали олиб кириш, олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тўғрисида»ги Қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитаси фаолиятини ташкил этиш масаллари тўғрисида»ги 30 июль 1997 й. 974 – сон қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона Қўмитасини ташкил қилиш тўғрисида»ги 1997 йил 8 июлдаги ПФ-1815 Фармони.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг “2005 йилда ижтимоий –иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари тўғрисида” Қарори “Халқ сўзи” газетаси, 2006 йил, 15 феврал.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 29 октябрдаги 472-сонли «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалари ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиш тартибини белгиловчи Низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори.

3. “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот – коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори “Халқ сўзи” газетаси, 2002 йил, 8 июнь.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси фаолиятини ташкил этиш масаллари тўғрисида», 1997 йил 30 июлида 374-сонли Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 — 2018 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида 353-сон Қарори “Халқ сўзи” газетаси, 2015 йил 4 декабрь.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 87-сон Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида “Халқ сўзи” газетаси, 2015 йил 10 апрель.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 120-сон Давлат хизматлари кўрсатиш ҳамда давлат органлари ва бошқа

ташкilotларнинг идоралараро ахборот ҳамкорлиги тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида 2015 йил 13 май,

IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов томонидан 2015 йил 17 январдаги Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи 18 январь 2015 йил
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи 18 январь 2014 йил.
3. Положение о порядке создания и использования электронных баз данных в государственных организациях Республики. Утверждено Государственным комитетом Республики Узбекистан по науке и технике, от 29. 20. 1995.
4. Положение о порядке и правилах создания, внедрения и эксплуатации локальных, ведомственных, региональных и других информационно – вичислительных сетей на территории республики. Утверждено Государственным комитетом Республики Узбекистан по науке и технике, от 30.01.1995.

V. Дарсликлар

1. Информатика: Учебник. Под ред Н.В.Макаровой 4-е перераб. Изд. – М: ФиС, 2014. – 768с.
2. Миллий иқтисодда ахборот тизимлари ва технологиялари: Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма. Муаллифлар: Р.Х.Алимов, Б.Ю.Ходиев, Қ.А.Алимов ва бошқалар.; С.С.Ғуломовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: “Шарқ”, 2004. – 320 б.

3. Ғуломов С.С., Алимов Р.Х., Лутфуллаев Х.С. ва бошқалар. Ахборот тизимлари ва технологиялари. Тошкент.: “Шарқ”, 2000 й. – 592 б.
4. Ғуломов С.С., Шермухамедов А.Т., Бегалов Б.А. “Иқтисодий информатика” Тошкент “Ўзбекистон”, 1999 – 528 б.

VI. Ўқув қўлланмалар

1. С.С.Ғуломов, Б.А.Бегалов, Н.Р.Зайналов, Р.А.Дадабаева, А.Э.Давронов. Дастурлаш технологиялари Олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма. – Тошкент.: ТДИУ, 2006 й., 192 б.
2. Б.А.Бегалов, С.А.Новосардова. Образовательная технология по дисциплине “Информационные технологии и системы”. Из серии “Технология обучения в экономическом образовании”. – Ташкент. ТГЭУ, 2006 г, 128 с.
3. С.С.Ғуломов, Б.А.Бегалов, Т.И. Сарсатская. Маълумотлар ва билимлар базаси. Ўқув қўлланма – Тошкент.: ТДИУ. 2005 й., 164б.
4. Информатика Учеб. пособ. Под общ ред. И.А.Чернопутовой. – СПб.: Питер, 2005.- 272с.
5. Каплан А.В. Решение экономических задач на компьютере. – СПб.: Питер, 2004 – 600с.
6. Максимова О.В., Невзорова В.И. Информационные технологии для экономистов: Учеб.пособ. – Ростов на Дону: Феникс, 2004. – 416с.
7. Контрабанда жинояти ва унга қарши кураш масалалари, Ўқув-услубий қўлланма, ДБК Ўқув маркази,Т.,2010 й.
8. Кучаров А.С., Тиллахўжаев Б.Т. Божхона таомиллари. Ўқув қўлланма. ТДИУ. 2015 йил. 239-бет.

VII. Монография ва илмий мақолалар

1. Кенжабоев А.Т. Ахборотлаштириш миллий тизимини шакллантириш муаммолари. Монография.-Т.: Ибн Сино, 2004 йил.
2. Бегалов Б.А. Технология процессов формирования информационно-коммуникационного рынка. Монография.- Т.: Фан, 2000.

VIII. Докторлик, номзодлик ва магистрлик диссертациялари

1. Кенжабаев А.Т. Тадбиркорлик фаолиятида ахборотлаштириш миллий тизимини шакллантириш муаммолари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражаси даъвогарлигига диссертация. Т.: ТДИУ, 2005, 321 б.
2. Атаходжаев Т. Ахборот-коммуникацион технологияларни тадбиқ этиш иқтисодий самарадорлигини баҳолаш услубиётини ишлаб чиқиш. Магистрлик диссертацияси. Т.: ТДИУ 2002 й. 110 б.
3. Бегалов Б.А. Ахборот – коммуникациялар бозорининг шаклланиш ва ривожланиш тенденцияларини эконометрик моделлаштириш. Иқтисод фанлари доктори илмий даражаси даъвогарлик диссертация иши. Т.: ТДИУ, 2001, 330 б.

IX. Илмий – амалий анжуманларнинг маърузалар тўплами

1. Труды международной конференции “Роль и значение телекоммуникаций и информационных технологий в современном обществе” – Т.: 27-30 сентября, 2005г.
2. “Ахборот – коммуникациялар технологиялари асосида электрон ўқув адабиётларини яратиш: тажрибаси, муаммо ва истиқболлари” мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани. – Т.: 2004йил, 28 апрель.

X. Газета ва журналлар

1. Информационные ресурсы России. Илмий журнал 2010-2015 йиллар.
2. Мир ПК. Илмий журнал. 2010-2015 йиллар.
3. Компьютер Пресс. Илмий журнал. 2010-2015 йиллар.
4. СБХ газетасининг 2013-2015 йиллар тўплами.

XI. Статистика маълумотлар тўплами

1. Мониторинг развития информационно-коммуникационных технологий в Узбекистане 2013-2015 гг. – Т.: 70с.
2. Деловая среда в Узбекистане глазами представителей малого бизнеса. Т.: 2012-2015гг.-170с.

XII. Виртуал кутубхона электрон дарслик ва ўқув қўлланмалари.

- 1.Ахборот тизимлари ва технологиялари. Электрон дарслик. Компьютер дастурчилари: С.Аҳмедов, А.Рапопорт. Т.: ТДИУ. 2003.
2. Бегалов Б.А. Введение в бази данных. Электронное учебное пособие. Программиста: А.Бобожонов, У.Муслимов. Т.: ТГЭУ . 2002г.

XIII.Битирув малакавий ишлари

- 1.Абдуллаев У.А. Қарорлар қабул қилишнинг автоматлаштирилган ахборот тизимларини лойиҳалаштириш. Битирув малакавий иши. – Т.: ТДИУ., 2005, - 88 б.
- 2.Жабборов Қ.С.Менежернинг автоматлаштирилган ахборот тизимини лойиҳалаштирилган ахборот тизимини лойиҳалаштириш. Битирув малакавий иши.- Т.: ТДИУ, 2005, - 91 б.

XIV. Интернет – захиралар.

- 1.[www.\te.ru](http://www.te.ru) - ЮНЕСКОнинг «Иқтисодиётда ахборот технологиялари» сайти.
- 2.[www.d\amond.stup.ac.ru](http://www.diamond.stup.ac.ru) - “Таълимдаги янги ахборот технологиялари бўйича” Россиянинг таълимий сайти.
- 3.www.spb.runnet.ru -Санкт-Петербургского илмий-техник ахборотлар марказининг сервери.
- 4.www.cnt.msu.ru – М.В.Ломоносов номи МДУнинг янги ахборот технологиялари маркази.
- 5.www.rubr.con.com – “Ахборот - технологиялари” бизнес - маълумотномаси.
- 6.www.gov.uz –Ўзбекистон Республикаси портали.
- 7.www.xnfocom.uz – УзАСИ ойлик ахборотлашган-аналитик журнали.
- 8.www.darvoza.uz – «Врата развития Ўзбекистана» сайти.
- 9.www.edu.uz – Ўзбекистон Республикаси ОўЮ Вазирлигининг сайти.
- 10.www.tsue.fan.uz-Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг сайтлари.
- 11.www.tsue.uz